

Р.А.РАШИДОВ

**ПАХТАЧИЛИКДА РЕСУРС ТЕЖОВЧИ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
ЙЎЛЛАРИ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-
ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**РАШИДОВ РАҲМАТУЛЛО
АЪЛОЖОНОВИЧ**

**ПАХТАЧИЛИКДА РЕСУРС ТЕЖОВЧИ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
ЙЎЛЛАРИ**

МОНОГРАФИЯ

Наманган – 2020

УЎК: 338:633.5:63.3

“Пахтачиликда ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш самарадорлигини ошириш йўллари”. Монография. Р.А.Рашидов. – Наманган. 2020. 163-бет.

Монографияда пахтачилик тармоғида ресурсларни тежашга таъсир этувчи омиллар тизими, ресурс тежовчи технологиялардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлиги натурал, қиймат, нисбий ҳамда тўлдирувчи кўрсаткичлардан фойдаланиш, ресурс тежовчи технологияларни жорий этишни иқтисодий рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш йўналишлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг илмий аҳамияти пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида ресурслардан самарали фойдаланиш, ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш йўналишидаги назарий билимлар доирасини кенгайтиради.

Монография, қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти йўналишида таҳсил олаётган талабалар, магистрлар ва бошқа илмий тадқиқотчилар ҳамда шу соҳада фаолият юритаётган ходимларга учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

М.Ғаниев – иқтисод фанлари номзоди, доцент.

Такризчилар:

Я.Алиев – иқтисод фанлари доктори, профессор.

И.Маҳкамов – иқтисод фанлари номзоди, доцент.

Монография Наманган муҳандислик-технология институтининг 2020 йил 29 февралдаги 6/6.1.7-сонли Кенгашида кўриб чиқиб, нашрга тавсия этилган.

КИРИШ

Халқаро ишлаб чиқаришда пахта энг асосий тола маҳсулоти ҳисобланади. Дунё миқёсида пахта экин майдонлари 35 миллион гектарни ташкил этиб, 25,5 миллион тоннага яқин пахта етиштирилади¹. Таҳлиллар кўрсатишича, бугунги кунга келиб инсоният 2 млрд. гектар ҳосилдор ерларни йўқотиб бўлди. 2050 йилга бориб дунё аҳолиси сони 9,6 миллиард бўлишини инобатга олганда, уларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда мавжуд аграр ресурслардан тежамли фойдаланиш масаласи тобора долзарблик касб этмоқда. БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун “Она-еримизни сақлаш, инсонларни қашшоқликдан халос қилиш, иқтисодий юксалиш... масалалари ягона кураш мақсади доирасида эришилиши”²ни таъкидлаган эди.

Дунё мамлакатларида пахта етиштириш рентабеллиги сўнгги бир неча йил мобайнида ўзгаришсиз қолмоқда. Бунга сайёрамизда юз бераётган глобал иқлим ўзгариши, пахтачилик учун муҳитнинг стресс омиллари – экиш даврида ҳаддан зиёд ёмғир ёғиши, гуллаш босқичида ҳароратнинг ошиши, тупроқ унумдорлигининг пасайиши, зараркунанда ва касалликлар гуруҳи кўпайиши, ресурслар тақчиллигига қарши агротехнологиялар етишмаслиги каби муаммолар салбий таъсир кўрсатмоқда³. Шу жиҳатдан пахтачиликдаги ушбу муаммоларни ечиш, пахтачиликда фойдаланилаётган ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, тармоққа инновацион, ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш каби тадбирларни амалга ошириб борилиши лозим.

¹ <https://www.netafim.co.za/offering/irrigation/agriculture/field/cotton/?id=77>

² <http://www.un.uz/uzb/pages/display/world-environment-day>

³ <https://www.dawn.com/news/252184>

Мамлакатимиз пахтачилик тармоғида ресурслардан самарали фойдаланиш, ресурс тежамкор технологияларни амалиётга жорий этиш самарадорлигини оширувчи тадбирлар давлат аҳамиятига молик масалалардан ҳисобланади. Жумладан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида⁴ қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришга интенсив усулларни, энг аввало, сув ва бошқа ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш каби масалалар устувор вазифа қилиб белгиланган. Шунингдек, пахтачиликда сув тежовчи технологияларни жорий қилишни иқтисодий рағбатлантириш, томчилатиб суғориш тизимларини бутловчи қисмлар билан таъминловчи маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмлари мавжуд эмаслиги таъкидланган. Шу нуқтаи назардан, пахтачиликда ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш самарадорлигини ошириш йўналишида илмий-тадқиқот қўламини кенгайтириш долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон “Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 28 февралдаги ПҚ-3574-сон “Пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштиришни молиялаштириш тизимини

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 1-ИЛОВА ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами 2017 йил, 6-сон, 70-модда

тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги ПҚ-4087-сон “Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш тизимини кенг жорий қилиш учун қулай шароит яратиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 4 апрелдаги ПҚ-4268-сон “Аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан ўз вақтида таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари пахтачилик тармоғини ривожлантириш ва ресурс тежовчи технологиялар жорий этиш самарадорлигини ошириш бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Мазкур монографияда пахтачилик тармоғида ресурс тежамкорлик тизимида ресурслар таснифи ва ресурслардан фойдаланишда тежамкорликка ёндашув йўналишлари, пахтачилик тармоғида ресурс тежовчи технологиялардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш усуллари, пахтачиликни ривожлантириш ва пахта етиштириш иқтисодий самарадорлиги ҳамда моддий-техник ресурслар билан таъминланганлиги даражасининг ҳозирги ҳолати таҳлиллари асосида мавжуд муаммолар юзасидан хулосалар, пахтачиликда ресурс тежовчи технологияларни жорий этишдаги хорижий тажрибаларнинг республикамиз учун аҳамиятли жиҳатлари юзасидан хулосалар ишлаб чиқилган.

Шунингдек, пахтачилик тармоғида ресурс тежамкорлик йўналишида тежамкор техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилишни қўллаб-қувватлаш йўналишлари ҳамда

пахтачилик тармоғида ресурс тежовчи технологияларни жорий этишни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш йўллари бўйича таклифлар ва пахтачилик тармоғида ресурс тежамкор технологияларни жорий этишнинг прогнозларини тавсия қилинган.

I.БОБ. ПАХТАЧИЛИК ТАРМОҒИДА РЕСУРС ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Пахтачилик тармоғида ресурстежамкорлик тизимида ресурслар таснифи ва ресурслардан фойдаланишда тежамкорликка ёндашув йўналишлари

Аграр иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, хизмат қилувчи инфратузилма объектлари фаолиятини янада такомиллаштириш, сервис хизмати бозорида рақобат муҳитини шакллантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда янги, ресурстежамкор технологияларни қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, республика қишлоқ хўжалигида етакчи тармоқ ҳисобланган пахтачиликда иқтисодий ислоҳотлар изчил амалга оширилаётган ҳозирги пайтда ресурстежамкор технологиялар аҳамияти янада ортимоқда.

Ҳозирги кунда пахтачилик тармоғини сердаромад соҳалардан бирига айлантиришдаги муҳим йўналишлардан бири бу – пахта хом ашёси етиштириш жараёнидаги ресурслар сарфи, молиявий натижалар ҳисоб-китоби тизимини янада такомиллаштириш, сарф-харажатларни тежаш, харажатларни қоплаш ва фойда олиш чораларини кўриш ҳисобланади.

Пахтачилик тармоғи қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи сифатида, айниқса мустақилликнинг дастлабки даврларида мамлакат иқтисоди учун беқиёс аҳамият касб қилган. Жумладан, пахта толаси ва пахтачилик маҳсулотлари экспорти мамлакатга

валюта тушумини таъминлаш, республика учун муҳим бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, техника ва технологияни импорт қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Шунингдек, пахтачилик тармоғининг республика иқтисодиётида тутган ўрни аҳамияти — мазкур тармоқ иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари учун хомашё етказиб бериши; тармоқда қўлланиладиган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг истеъмолчиси ҳисобланиши; қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи аҳолини иш билан, уларнинг оилавий бюджетини даромад билан таъминлаш масалалари ҳал этилмоқда. Мамлакатимизда пахта етиштириш фермер хўжаликлари зиммасида бўлиб, бунда фермер хўжаликларининг даромадини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 9 декабрдаги Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида, “...сувни тежайдиган технологияларни жорий этишга қаратилган тадбирлар қўллаб-қувватланиб, бунинг ташаббускори бўлган хўжалик ва ташкилотларга қўшимча имтиёз ва преференциялар яратиб берилаётгани, ... пахта майдонларида ҳосилдорликни ошириш ва ердан самарали фойдаланиш мақсадида чигитни “қўшқатор” ва “олтмишлик” схемаси асосида экишни йўлга қўйиш ва самарасиз бўлган “тўқсонлик” схемадан босқичма-босқич воз кечиш керак. Шунингдек, хитойлик олимлар билан ҳамкорликда Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида ғўза парваришини замонавий технологиялар асосида олиб боришимиз зарур” дея таъкидлаганларида, биринчи навбатда ердан унумли фойдаланиш,

махсулот етиштиришда ресурсларни нисбий тежаш масаласига эътибор қаратган эдилар⁵.

Ҳозирда дунёнинг 89 та мамлакатада пахта хом ашёси етиштирилиб, уларнинг 20 таси пахта толаси савдоси билан шуғулланаётган бўлса, Ўзбекистон 2016 йилда пахта хом ашёсини етиштириш бўйича Хитой, Америка қўшма штатлари, Покистон, Туркиядан, тола экспорти бўйича эса Америка қўшма штатларидан кейинги ўринни эгаллаган. Дунёдаги йирик пахта етиштирувчи давлатлар жумладан, Хитой, Америка қўшма штатлари, Туркия, Покистон, Ҳиндистон ва Ўзбекистон ҳиссасига дунё бўйича ишлаб чиқариладиган пахтанинг ўртача 75 фоизи тўғри келади. Айни пайтда, дунё пахта истеъмолининг 60 фоизидан ортиғи Хитой, Ҳиндистон, Америка қўшма штатлари, Покистон, Туркия ва Бразилия давлатлари ҳиссасига тўғри келади.

Аммо, сўнгги йилларда республикамизда пахта толаси экспорти миқдори камайиши ва унинг ўрнига тайёр маҳсулотлар сотиш йўналишидаги тадбирлар кўлами ортмоқда. Республикада 2018 йилда 2017 йилга нисбатан пахта толаси экспорти 2,4 мартага камайиб, жами экспорт миқдори 115,6 минг тоннани ташкил қилган (2017 йилда 278,9 минг тонна бўлган). Шу ўринда республикамизда 2018 йилда ўтган йилга нисбатан тайёр тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилиш 1,4 мартага ортганлиги таъкидлаш лозим⁶.

⁵ <https://gujum.uz/ozbekiston/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoyevning-qishloq-xojaligi-xodimlari-kuniga-bagishlangan-tantanali-marosimdagi-nutqi/>

⁶ <https://tj.sputniknews.ru/asia/20190123/1028060168/uzbekistan-2018-god-sokratil-eksport-hlopka-2-4-raz.html>

Пахтачилик тармоғида агросаноат кластерларини ривожлантириш пахта толаси экспортини камайтириш йўлидаги муҳим қадамлардан бири ҳисобланади. Хусусан, Республика Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 12 сентябрида ўтказган йиғилишида “...қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини кенг жорий қилиш учун пахта-тўқимачилик кластерларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим” лигини таъкидлагани ҳолда, 2018 йилда республиканинг 20 та туманларида 164 минг гектар экин майдонларида кластер тизими жорий қилинганлиги айтиб ўтилган. Шунингдек, 2019 йилда 16 та пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан тайёрланадиган пахта хом ашёси, республикадаги жами пахта экин майдонларининг 51 фоизини қамраб олиши белгиланган⁷.

Таҳлиллар кўрсатишича, пахта етиштириш ресурслар сарфи, айниқса, сув ва меҳнат ресурслари сарфи жуда юқори бўлган ишлаб чиқариш жараёни ҳисобланади. Шу боисдан ҳам маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлашда ресурс тежаш масаласини муҳим аҳамият касб қилиб, пахта хомашёси ишлаб чиқаришда ресурсларни тежаш масаласига илмий ва амалий жиҳатдан қуйидаги йўналишларда ёндашиш тавсия қилинади (1.1-расм):

Биринчиси – пахтачиликда ресурслар сарфи миқдорини мутлоқ тежаш йўналиши сифатида қабул қилиниши мақсадга мувофиқ. Бунда:

– пахта хом ашёси ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилинадиган моддий-техник ва меҳнат ресурслари миқдорини


⁷ <https://president.uz/ru/lists/view/2024>

пахта экин майдони ҳисобига мутлоқ камайтириб бориш масаласи назарда тутилади (натурал кўрсаткичлар орқали баҳоланади ва кг/га, м³/га, киши/соат-га каби ўлчов бирликларидан фойдаланилади). Масалан, бир гектар экин майдони ҳисобига сув сарфи миқдорини камайтириш, бир гектар майдон ҳисобига меҳнат ресурслари сарфи миқдорини ёки экин майдони ҳисобига ёқилғи мойлаш материаллари миқдорини камайтириш кўринишидаги ресурслар сарфини назарда тутиш мумкин. Бунда асосий таққосланадиган мезон сифатида ресурслар сарфи меъёрлари ёки илғор пахта етиштирувчи хўжаликларида тажрибадан ўтган амалдаги кўрсаткичлар хизмат қилади.

– пахта экин майдони ҳисобига сарф қилинаётган моддий-техник ресурслар сарфини айти пайтда аниқ вақт давомида қимматроқ ресурсларни бошқа турдаги арзонроқлари билан алмаштириш йўли билан ресурслар сарфини камайтириш масаласи сифатида қабул қилиниши лозим (қиймат кўрсаткичлари орқали баҳоланади ва сўм/га, сўм/тонна каби ўлчов бирликларидан фойдаланилади). Масалан, қиммат минерал ўғитларни арзонроқ бўлган ва экологик жиҳатдан зарарсиз бўлган маҳаллий ўғитлар билан алмаштириш мумкин.

Агарда дунёда аҳоли сони 2019 йилнинг январь ҳолатига 7,6 млрд нафардан ошиб кетганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, шундан 5,1 млрд нафардан ортиқ аҳоли ёки жами аҳолининг 67 фоизи мобил тизимдан фойдаланувчилар ҳисобланади⁸.

⁸ <https://www.web-canape.ru/business/vsya-statistika-interneta-na-2019-god-v-mire-i-v-rossii/>



1.1-расм. Пахта хомашёси ишлаб чиқаришда ресурсларни тежаш масаласи ва тежамкорликка ёндашув йўналишлари⁹

⁹ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Бугунги кунда тобора илмий ҳажмдорлиги ортиб бораётган пахтачилик соҳасини ривожлантиришда, ресурсларни тежаш энг аввало интернет имкониятларидан рақамли технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш ҳисобига кенг фойдаланишга ҳам боғлиқ бўлмоқда. Айниқса, глобал иқлим ўзгариши ва муҳитнинг стресс омилларига чидамли бўлган ғўза навларининг яратилиши, илм-фан ютуқларидан “on-line” тизимида тезкор фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишни тақозо қилмоқда. Бунда рақамли иқтисодиёт пахтачиликда ресурс тежамкорлик ва пахта ҳосилдорлигини оширишнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида майдонга чиқмоқда. Шунинг учун ҳам пахтачилик ҳудуди ёки пахтачилик фермер хўжаликларида ресурс тежамкор технология ва техникаларнинг рақамли ахборот базаси шакллантириш орқали, техника ва технологияларни танлаш мезонлари тавсия қилинмоқда.

Ресурсларнинг ишлаб чиқариш жараёнидаги ўзаро алмашинувидаги асосий кўрсаткич сарфланаётган ресурс бирлигига, яъни ер, сув, минерал ўғитлар, ёқилғи мойлаш материаллари, меҳнат сарфи ҳисобига олинаётган пахта хом ашёси миқдори, соф фойда каби кўрсаткичлар билан асосланиши керак. Аммо, бу борада таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалигида, хусусан пахтачиликда ресурслардан самарали фойдаланиш иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидан фарқ қилади. Жумладан:

– пахта етиштириш учун сарфланган ресурс муддати саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришга қараганда узоқроқ

давом этади, яъни пахта хом ашёси 1 йил давомида етиштирилса, саноат маҳсулоти бир неча дақиқада тайёр бўлади;

- пахтачиликда сарфланган ресурс қайтими бир йилдан кейин маълум бўлса, саноат корхоналарида ой ёки кунни ташкил этади;

- қишлоқ хўжалигида (пахтачилик) етиштирилган хом ашёни жамият аъзолари истеъмоли учун мос ҳолга келтириш бир неча босқич ишлов бериш жараёнларини талаб этади;

- пахта етиштирувчилар оралиқ тайёр маҳсулот билан ўзларини маълум бир кўринишдаги истеъмол талабларини қондириш имкониятига эга эмаслиги (сабзавот, дон, чорва маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар тайёр маҳсулотни қайта ишламасдан шахсий истеъмолга йўналтириши мумкин);

- пахта хом ашёси ишлаб чиқариш қўл меҳнати сарфини кўп талаб қилади ва механизация воситаларидан самарали фойдаланиш жараёнини мунтазам тартибга солишни талаб этувчи соҳа ҳисобланиши ресурслар сарфига ёндашув фермернинг малакасига ҳам боғлиқ бўлади.

Иккинчиси – пахтачиликда ресурслар сарфи миқдорини нисбий тежаш йўналиши сифатида қабул қилиниши мақсадга мувофиқ. Бунда:

- пахта экин майдони ҳисобига ресурслар сарфи миқдори ўзгаришсиз қолгани ҳолда пахта ҳосилдорлигини ошириш натижасида маҳсулот бирлиги ҳисобига тўғри келадиган сарф-харажатлар миқдорини камайтириш масаласи назарда тутилади.

Учинчиси – пахтачиликда ресурслар сарфи миқдорини тежашдаги мажмуали йўналиш сифатида ёндашиш қабул

қилиниши мақсадга мувофиқ. Бунда – пахтачиликда харажатларни камайитиришда “Ресурслар сарфи миқдорини мутлоқ тежаш йўналиши” ва “Ресурслар сарфи миқдорини нисбий тежаш йўналиши” дан биргаликда фойдаланиш назарда тутилади.

Пахтачиликда ресурсларни тежаш масаласини ҳал этишда тежамкорлик жараёнига таъсир этувчи асосий омилларни аниқлаш ва улардан унумли фойдаланиш талаб этилади. Яъни, пахта ишлаб чиқаришда иқтисодий омиллар таркибий қисми ҳисобланган ер, капитал, меҳнат ва тадбиркорлик қобилиятидан фойдаланишда жорий этилган агротехнология фермер учун маҳсулотнинг бозордаги баҳо бўйича рақобатбардошлигини таъмин этиши лозим. Чунки одатда ресурсларни тежаш бевосита маҳсулот таннарихи орқали маҳсулотнинг бозордаги баҳо бўйича рақобатбардошлигини таъмин этади. Шунингдек, жорий этилган агротехнология маҳсулотнинг сифати юқори бўлишини ҳам таъминлаши лозим.

Пахта етиштиришда сарф-харажатларни тежаш мақсадида муқобил самарали технологиялар орасидан энг мақбулини танлашда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш талаб қилинади:

Биринчидан, мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланиш даражаси. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда “Иқтисодий омилларнинг ўзаро ўриндошлик” хусусиятларидан келиб чиқиб жонли меҳнатни буюмлашган меҳнат билан алмаштиришга катта эътибор берилади ва бунинг учун имкониятлар анча кенгроқ бўлади. Хусусан, ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган агротехнологиялар илм-фан натижаларига асосланганлиги ва техника воситалардан фойланиш

даражаси бўйича юқорироқ кўрсаткичлар билан изоҳланиб, янги техника, технология ва эркин иқтисодий механизмлар асосий ҳал қилувчи омил бўлиб ҳисобланади.

Иккинчидан, назарий жиҳатдан, эркин бозорда ишлаб чиқаришга жалб қилиш мумкин бўлган ресурслар баҳоси нисбатан паст бўлган шароитда ишлаб чиқаришга қўшимча ресурсларни жалб қилиш эвазига бозорга қўшимча маҳсулот таклиф этиш мумкин. Шунингдек, бу ерда қўшимча талабни шакллантириш (ишлаб чиқариши диверсификацияси орқали) учун замин туғилади (бу ерда фермерда мавжуд экин майдонлари таркибини бозор талаби асосида ўзгартириш учун реал шароит бўлиши талаб этилади).

Учинчидан, ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиланиш мумкин бўлган ресурснинг маҳсулдорлик даражасини ва уларнинг ўзаро алмашилиш имконияти мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш йўналишини аниқлаш, мамлакатда ресурс бозорида харидор учун танлов имконияти бўлишини талаб этади.

Ресурс тушунчасининг иқтисодий моҳиятига эътибор қаратадиган турлича фикрларни кузатиш мумкин. Жумладан, О.Зокиров томонидан “Ресурс деб, жамият нуқтаи назаридан ижтимоий ишлаб чиқаришни узлуксиз такрор ишлаб чиқариш ва жамият аъзоларини шахсий истеъмолини қондириш мақсадида фойдаланиладиган табиий бойликлар йиғиндиси тушунилади. Ресурс – французча сўз бўлиб, ёрдамчи восита деган маънони билдиради”, деб таъриф берилади¹⁰.

¹⁰ Зокиров О. Қишлоқ хўжалиги иқтисоди. – Тошкент. 2004. –77 б.

А.Ўлмасов фикрича, “Маҳсулот ва хизматларни яратиш, уларни ишлаб чиқаришдан истеъмолга етказиш бериш учун зарур бўлган барча моддий, номоддий воситалар ашёлар ва ишчи кучи иқтисодий ресурсларни ташкил этади”¹¹. Аммо, биринчи таърифда ресурс тушунчаси анча тор маънода берилган бўлиб, фақатгина табиий ресурслар билан чегараланиб қолган.

Юқоридаги фикрларга таянадиган бўлсак, пахтачиликда фойдаланиш мумкин бўлган ресурслар таркибини умумий кўринишда қуйидагича ифодалаш мумкин бўлади. Яъни, моддий-техник ресурслар; меҳнат ресурслари; молия-кредит ресурслари; интеллектуал маҳсулотлар; информацион-ахборот ресурслари ҳамда бу борада бизнинг назаримизда пахтачиликда маъмурий ресурсларни ҳам эътиборга олиш лозим (1.2-расм).

Моддий-техник ресурслар – бу аниқ моддий шаклга эга бўлган, ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилиш мумкин бўлган, табиий ёки инсон томонидан яратилган келиб чиқиш тарихига эга бўлган ишлаб чиқариш воситалари мажмуидан иборат бўлиб, улар ўз навбатида пахтачиликда – табиий ресурслар – ер, сув ресурслари, самарали ҳарорат, вегетация даври; ёки инсон меҳнати натижасида яратилган ресурслар – бино-иншоотлар, машина-механизмлар, айланма воситалар кабилардан иборат бўлади.

Меҳнат ресурслари ишлаб чиқариш жараёнидаги энг муҳим ишлаб чиқариш омили бўлиб, одатда бозор шароитида меҳнат ресурслари таркибидан ишлаб чиқариш жараёнида банд бўлган

¹¹ Ўлмасов А. Вахобов А. “Иқтисодиёт назарияси” – Т.:2006. Бет 35.

ишчининг, бошқарувчининг ишлаб чиқаришни ташкил этиш,



1.2-расм. Ресурстежамкорлик тизимида пахтачилик тармоғида фойдаланиладиган ресурслар таснифи¹²

¹² Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

юритиш ва бошқариш билан боғлиқ бўлган имкониятларини “тадбиркорлик қобилияти” тарзида алоҳида ноёб ресурс сифатида ажратган ҳолда ўрганилади. Пахтачилик тармоғи бугунги кунда ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш учун молиявий ресурсларга жуда муҳтож бўлиб қолмоқда. Давлат эҳтиёжлари учун пахта етиштириш мақсадларига фермер хўжаликларига тақдим этилаётган имтиёзли кредитлар сарф харажатларни кўп ҳолларда қопламайди (сув таъминоти, мелиоратив ҳолати ёмон ва унумдорлиги паст ерларда) ва аксарият фермер хўжаликлари молиявий ночорлиги, ресурслар тақчиллигини келтириб чиқаради.

Бу ерда яна бир масалага эътибор қаратиш лозим. Кўпчилик ҳолларда фермер хўжаликлари кўпроқ ресурсларга эга бўлишга ҳаракат қилишади. Аммо, ресурслардан фойдаланишда уларнинг таркиби бўйича мақбул нисбатини сақлашга эътибор қаратишмайди. Масалан, МТЗ-80 тракторни харид қилиш билан бирга унга қўшимча равишда ўнлаб ишчи органлар ҳам сотиб олиниши лозим. Шундагина харид қилинган трактордан иқтисодий самара олган ҳолда фойдаланиш мумкин бўлади.

Бугунги кунда пахтачиликда қўл меҳнати салмоғини камайтириш механизация, кимёвий воситалар, хўжаликларнинг моддий техник базасини мустаҳкамлашга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Миқдор кўрсаткичларининг сифат кўрсаткичлари билан алмашиш заруратидан келиб чиққан ҳолда, пахтачилик тармоғида ҳосилдорликни ошириш учун ресурслар сарфини миқдор жиҳатдан эмас, балки сифат жиҳатидан такомиллаштирган ҳолда қиммат ва

тақчил ресурсларни тежайдиган усуллардан фойдаланишни талаб қилади.

Пахтачилик тармоғида ишлаб чиқариш кўламини ишлаб чиқаришга кўшимча ресурслар жалб қилиш орқали экстенсив омиллар ҳисобига кенгайтириш бугунги кунда ўзини оқламайди. Шунинг учун ҳам пахта ҳосилдорлигини ошириш, сув танқислиги, юқори ҳарорат, касаллик ва зараркундаларга чидамли, серҳосил янги навларини яратиш шунга мос равишда агротехнологияларни жорий этиш орқали маҳсулот сифатини яхшилаш асосий йўл бўлиб қолмоқда.

Пахтачилик тармоғида ресурс тежовчи технологиялар дейилганда – мавжуд анъанавий технологияларга нисбатан пахта экин майдони бирлиги ҳисобига камроқ моддий ва меҳнат ресурслари сарф қилган ҳолда барча шароитлар тенг бўлган шароитда тенг миқдордаги ёки кўпроқ миқдордаги маҳсулот етиштириш имконини берадиган технологиялар тушунилади.

Ресурс тежовчи технологияларни қўллашдан кўзланган мақсад – бир гектар экин майдони ҳисобидан етиштириладиган маҳсулот ҳажмини кўпайтиришни, унинг сифатини яхшилашни, сарфланган ишлаб чиқариш харажатларининг тезроқ қопланишини таъминлашни, меҳнат унумдорлигини оширишни ва маҳсулот таннархини камайтиришни кўзлаган ҳолда амалга оширилади.

Айни пайтда ресурс тежовчи технологиялардан фойдаланишдаги биринчи мақсад – ресурслар сарфини камайтириш ҳисобига маҳсулот таннархини пасайтиришдир. Аммо, бунда ресурстежамкор технология маҳсулот сифатининг пасайишига ҳам олиб келмаслиги лозим. Бу эса

ресурс тежовчи технологияни жорий этишда умумий маҳсулот етиштириш агротехнологияларининг бошқа компонентларини ҳам янги технологияга мослаштиришни талаб қилади. Жумладан, ресурс тежовчи технологиядан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган билимларни пахтакор деҳқонларга етказиш ва улардан фойдаланиш кўникмаларини ошириш орқали ресурстежамкор технология билан малакали меҳнат ўртасидаги ўзаро мутаносибликни таъмин этиш талаб этилади.

Ресурс тежовчи технологиялар – ишлаб чиқаришда фан-техника ютуқлари билан бир қаторда илғор тажрибаларни қўллашни, хўжалик юритиш усуллари ва ишлаб чиқариш технологияларини яхшилаган ҳолда бир гектар экин майдони ҳисобига қайта тикланадиган ва қайта тикланмайдиган ресурслар сарфини камайтириш асосида олинадиган маҳсулот бирлиги ҳамда сифати миқдorigа салбий таъсир этмаслиги лозим. Демак, пахтачиликда ресурс тежамкор технологиялардан фойдаланишнинг хусусиятларидан бири бу – ресурслар сарфини камайтириш билан маҳсулот етиштириш иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш мумкин эмаслигидир. Шунинг учун қўйилган мақсадга эришишда ишлаб чиқаришнинг бошқа омилларини, моддий-техник воситалар билан таъминот даражаси, агротехник тадбирларни сифатли ва ўз вақтида ўтказишни, меҳнат ресурслари малакасини оширишни талаб қилади.

Пахтачилик тармоғида ресурс тежовчи технологияларни самарали қўллаш хусусиятларидан бири бу – ресурстежамкор технологияларни қўллаш билан боғлиқ компонентларнинг деҳқон учун харид қилиш имконияти мавжудлиги ҳисобланади. Масалан, пахтачиликда томчилатиб суғориш бўйича технология ва технологик

ускуналарининг тежамкорлиги маълум ва уни тарғиб қилиш зарурати бўлмасада, уни қўллаш учун фермерда харид қилиш имконияти ҳар доим ҳам мавжуд эмас. Бу биринчи навбатда технологиянинг баҳоси билан боғлиқ бўлса, иккинчидан уни муқобиллик асосида рақобат шароитида сотадиган тизимларнинг етишмаслиги ҳисобланади. Демак, пахтачиликда ресурстежамкор технологиялардан фойдаланиш кўлами ва бу борадаги имкониятларни кенгайтириш тармоқ учун зарар техник ва технологик ресурслар ишлаб чиқарувчи саноат тармоқларининг ҳам мос равишда ривожланишини, техника ва технологик мосламаларнинг такомиллашиб боришини тақозо қилади.

Пахтачиликда ресурстежамкор технологияларни жорий этиш – умуман олганда маҳсулот миқдорининг ўсиши ва маҳсулот бирлиги ҳисобига тўғри келадиган сарфларни тежаш билан бир қаторда, юқори сифатдаги маҳсулот етиштиришга эришишни назарда тутиши лозим.

Пахтачиликда ресурс тежовчи технологиялар иқтисодий муносабатлар ўзгариши билан боғлиқ бўлиб, бу муносабатлар ҳам ишлаб чиқариш кучлари билан бирга ўзгариб боради ва ўз навбатида бу ўзгаришлар ишлаб чиқариш воситалари (пахтачилик техникалари) хусусиятига ва ривожланиш суръатига ҳал қилувчи таъсир этади. Айни пайтда техник ва технологик ўзгаришлар содир бўлиши ишлаб чиқариш жараёни фаол иштирокчиси – инсонга ҳам бевосита таъсир ўтказади ва бу унинг малакаси ошишида намоён бўлади.

Бозор муносабатлари ривожланиб бориши шароитида пахтачилик тармоғи иқтисодиётини юксалтириш, пахта етиштиришда ер-сув, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш,

ишлаб чиқаришга ресурс тежовчи технологияларни жорий қилишни рағбатлантириш масалалари, муаммонинг назарий-амалий жиҳатлари хорижий иқтисодчилар Hezhong Dong, Michael Kusi Appiah, Til Feike, Alexander Nimo Wiredu and Yusanjan Mamitimin, Lu Feng, Jianlong Dai, Liwen Tian, Huijun Zhang, Ghulam Habib Noori, Anil K Choudhary, Anchal Dass каби олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Республикада эса пахтачиликда ресурслардан самарали фойдаланиш, тежамкор технологияларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш борасида Р.Хусанов, У.Умурзаков, Қ.Чориев, Т.Фармонов, Э.Юсупов, Н.Хушматов, А.Абдиев, Р.Йўлдашев, Р.Абдуллаев, О.Шерматов, И.Ражабов каби қатор аграр иқтисодчи олимлар эътиборга молик тадқиқот натижаларига эришганлар. Аммо, республика қишлоқ хўжалиги, жумладан пахтачилик тармоғида модернизация жараёни давом этаётган шароитда ресурс тежамкорлик тизимини жорий этиш ва иқтисодий рағбатлантириш масаласи юқорида тилга олинган олимлар илмий ишларида атрофлича кўриб чиқилмаган. Айни пайтда, дунёда юз бераётган молиявий иқтисодий инқироз хавфи, инқирознинг салбий оқибатларига тармоқнинг бардошлилик даражасини ошириш масаласи биринчи навбатда ресурс тежамкорлиги масаласини ҳал этишга янгича ёндашувларни тақозо қилади.

Шунинг учун ҳам пахтачилик тармоғини модернизация қилиш ва техник-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш шароитида пахта етиштириш жараёнида ресурсларни тежаш масаласини ҳал этиш, унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳамда рағбатлантириш

масаласи долзарблигини ҳисобга олинган ҳолда муаммо диссертация ишининг мавзуси сифатида танлаб олинди.

Республикамизда яратилган ғўза навларининг ҳосилдорлик салоҳияти амалда эришилаётган кўрсаткичлардан ўртача 35-45 фоизга юқорироқ. Айни пайтда тажрибалар кўрсатишича, минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш ҳисобидан олинадиган ҳосил қўшимча олинадиган ҳосилнинг ярмини ташкил қилади. Шу билан бирга минерал ўғитлардан илмий тавсияларга асосланмаган ҳолда фойдаланиш фермерга ортиқча сарф-харажатлар олиб келиши ва атроф муҳитга экологик зарар етказиши ҳам сир эмас. Саноат маҳсулотлари баҳолари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳоларига қараганда тезроқ ўсиб бориши минерал ўғитлар сарфини камайтириш, қиммат минерал ўғитлар ўрнига маҳаллий ўғитлардан фойдаланган ҳолда маҳсулот таннарҳини камайтириш заруратини келтириб чиқаради.

Инсон фаолияти натижасида табиий ресурслар камайиб, энергетик ресурслар тақчиллиги ортиши, ресурсларни тежаш, ишлаб чиқаришнинг тежамкор типига ўтишни, ресурс тежайдиган технологияларни жорий қилишни ҳар томонлама рағбатлантиришни талаб қилмоқда.

Ресурс тежовчи технологиялардан фойдаланиш масалалари бўйича қатор иқтисодчи олимлар илмий изланишлар олиб боришган. Жумладан, А.Абдиев пахтачилик тармоғида сарфланаётган ресурслар масаласи юзасидан “Пахтачилик учун сарфланаётган минерал ўғитнинг миқдори йилдан йилга ортиб бормоқда, лекин улар доим пахта ҳосилдорлигини ўсишини

таъминлаётгани йўқ, чунки амалиётда улардан самарали фойдаланилмайди. Шу сабабли минерал ўғитларни ерга солишнинг янги технологик усуллари ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ...” деган фикрни илгари сурган бўлса¹³, иқтисодчи олим, О.Шерматов – “Технология масаласига комплекс ўзаро боғлиқ тизим сифатида қараш лозим. Ушбу тизимда бирон жараённинг бузилиши кейинги барча жараёнларда сарф қилинган ресурслар самарадорлигини кескин камайтиради. Аксинча, технологик жараёнларни тўғри амалга ошириш, янги технологияни жорий этиш, сарфланаётган ресурслар бирлиги ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорининг кўп бўлишини таъминлайди” деб таъкидлайди¹⁴.

Демак, пахтачиликда ресурс тежовчи технологияларни қўллашда қимматроқ, самараси нисбатан паст ресурсларни муқобиллари билан алмаштириш ҳисобига йўқотиладиган имконият бошқа технологик жараён ҳисобига қопланиши лозим. Шу боис пахтачиликда харажатларни тежашга таъсир этувчи омиллардан ўзаро боғлиқликда фойдаланиш лозим.

Расмдаги барча омиллар ҳам тежамкорликка таъсир кўрсатсада, гуруҳга киритилган омиллар ўзаро бири-бири билан кучлироқ боғлиқликка эга. Масалан, агротехник омиллар гуруҳига кирувчи ғўзани суғориш режими ва усуллари ўзгариши орқали сувни тежаш ёки ортиқча сув сарфига йўл қўйиш мумкин бўлиб, бу ҳолат ғўза навларининг биологик салоҳияти гуруҳи билан кучлироқ боғлиқ.

¹³ Абдиев А.Ч. Пахта ишлаб чиқариш мажмуаси тизими хўжалик субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш муаммолари. Дис. иқт. фан. ном. – Т.: ЎзБИИТИ. 1999 й. (12-13 б.)

¹⁴ Шерматов О.А “Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида пахтачиликни ривожлантириш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари” Дис. иқт. фан. ном. – Т.: 2006. (10-11 б.)

Яъни, бошқа омиллар таъсири эътибордан четда қолдирилган ҳолда, сувга камроқ талабчан ёки эртапишар навлар камроқ сув талаб қилади ва тежамкорлик тизимида юқорироқ кўрсаткичга эга бўлади.

Тадқиқотлар кўрсатишича, пахтачиликда моддий-техник ва меҳнат ресурсларини тежашга таъсир этувчи асосий омилларнинг назарий жиҳатдан қуйидагича боғлиқлиги кузатилади. Масалан, пахтачиликда ташкилий-иқтисодий омилларнинг ресурслар сарфи даражасига таъсири биринчи навбатда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш билан боғлиқ ҳолда чекланган характердаги сув ёки моддий-техник ресурслар меъёрларига ва уларни ишлатиш нисбатларига риоя этишнинг талабларга жавоб бермаслиги орқали кўринади ва бу ҳолат ишлаб чиқаришга жалб қилинган бошқа ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ҳам пасайтиради. Шу боисдан пахтачилик тармоғида ресурсларни тежашга таъсир этувчи омиллар ва уларнинг амал қилиш иқтисодий моҳияти қуйидагича кўринишга эга бўлади (1.3-расм).

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда пахтачилик тармоғида замонавий илм-фан натижаларини жорий қилишда интернет тармоғидан фойдаланиш имкони мавжудлиги, фермер хўжаликларининг рақамли техникалардан фойдаланиш борасидаги билимлари даражаси, билимларни технологияларни тарқатишнинг рақамлашганлиги масалалар тобора долзарблашмоқда.

Пахтачилик ривожига ва унинг иқтисодий самарадорлигига кўп жиҳатдан экин майдонлари тупроқ унумдорлиги, жойлашган ўрнидан тўғри фойдаланиш асосида ҳосилдорликни ошириш билан


боғлиқ. Бу жараёнда пахтачилик иқтисодий самарадорлиги табиий иқлим шароитлари доирасидаги фарқлар ва ўзгаришларга боғлиқ ҳолда шаклланади. Чунки, сарфланаётган ресурс иқтисодий самарадорлиги ортишига экин майдонлари тупроқ унумдорлиги, сув билан таъминланганлик каби кўплаб шарт-шароитлар ўз таъсирини ўтказиши боис ишлаб чиқаришни мослаштириш лозим.

Ташкилий-иқтисодий омиллар пахтачиликда ресурслардан самарали фойдаланишда катта аҳамиятга эга бўлиб, фермер томонидан маълум мақсад йўналишида бошқариладиган ва якуний иқтисодий натижага кучли таъсир этувчи омил ҳисобланади. Ресурсларни тежашда тармоқдаги моддий-техник ресурслар таъминоти, фермернинг ҳуқуқий, технологик билимлари каби масалалар мавжудлиги нуқтаи назардан қараш зарур бўлади.

Пахтачиликда ресурс таъминоти ва самарадорлиги моддий-техник воситаларнинг нархлари билан бир қаторда улардан самарали фойдаланишга ҳам боғлиқ. Моддий-техника воситалар етишмаслиги оқибатида агротехник тадбирлар кечикади, сифати пасаяди, тупроқ унумдорлиги ва натижада пахта ҳосилдорлигининг камайиб кетишига сабаб бўлади.

Тармоқ ривожланишига таъсир этувчи ижтимоий омиллар мулкчилик муносабатлари билан бевосита боғлиқ. Пахтачиликда мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланишни бозор талабига мос келиши фермернинг мулкка ва меҳнатга бўлган муносабати яхшиланишига олиб келади. Шу асосда пахтачиликда аграр муносабатларни шакллантиришда моддий манфаатдорлик тизимини такомиллаштириш талаб этилади. Бу эса ижтимоий

муносабатларга асосланган бозор иқтисодиётининг асосий талабидир.



1.3-расм. Пахтачилик тармоғида ресурсларни тежашга таъсир этувчи омиллар тизими¹⁵

Пахтачиликда ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланишда ҳозирги кунда юқоридаги омиллар бевосита ва билвосита таъсир этмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида ресурсдан самарали

¹⁵ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

фойдаланиш, ҳамда ҳар бир бирлик ресурс эвазига кўпроқ маҳсулот етиштириш пахта ишлаб чиқарувчиларни моддий имкониятларини яхшиланишига замин яратади.

1.2. Пахтачилик тармоғида ресурс тежовчи технологиялардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари тизими

Республика аграр тармоғи иқтисодиётини модернизация қилиш шароитида пахтачиликда фан ва техника тараққиётини жадаллаштириш, тармоқни техник модернизациялаш, малакали мутахассислар билан таъмин этиш, агротехнологияларни такомиллаштириб бориш тармоқда меҳнат унумдорлигини оширишнинг асосини ташкил этади. Айниқса, пахтачилик тармоғида кўл кучидан фойдаланиш салмоғи юқорилиги пахта ишлаб чиқариш жараёнини механизациялаш даражасини ошириш заруратини пайдо қилмоқда.

Вўзани парваришлаш ва пахта хом ашёси етиштириш жараёнидаги агротехник тадбирларни қишлоқ хўжалиги бошқа экинларни агротехнологиялари билан таққослаб кўрилганда, ишлаб чиқариш жараёнининг барча бўғинларида механизация воситаларидан фойдаланишнинг катта имкониятлари борлигини кўриш мумкин. Бу ўз ўрнида ижтимоий масалаларни ҳисобга олмаган ҳолда ҳам жонли меҳнатни тежаш имконини беради.

Пахтачиликда ресурстежамкор технологиялардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигини ошириш, самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш, уларга баҳо бериш асосида тегишли хулосалар ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга. Ишлаб чиқариш

иқтисодий самарадорлигини ошириш борасидаги тадқиқотлар умумиқтисодий муаммо сифатида мамлакатимизнинг қатор назарий ва амалий олимлари томонидан тадқиқ этилган. Жумладан, А.Абдуғаниев фикрича, “Иқтисод фанларида “самарадорлик” ва “иқтисодий самарадорлик”” тушунчалари – мавжуд. Улар мамлакат, тармоқ, корхона, йўналишлар ҳамда айрим маҳсулотлар бўйича аниқланиши мумкин.

Иқтисодий самарадорлик тушунчаси самарадорлик тушунчасига нисбатан кенгроқ мазмунга эга. Иқтисодий самарадорлик деганда бир йил давомида (маълум даврда) амалга оширилган тадбирлар билан боғлиқ бўлган харажатлар, улар натижасида олинган соф фойда суммаси билан таққосланади. Шунда сарфланган харажатлар эвазига олинган соф фойда миқдори қанча кўп бўлса иқтисодий самарадорлик даражаси шунча ошган ҳисобланади ва аксинча. Самарадорлик эса у ёки бу тадбирларни, ишларни, маҳсулотларни етиштириш натижасида эришилган ютуқлардир¹⁶.

Иқтисодчи олим И.Қ.Ражабов фикрича, “Самарадорлик тушунчаси бу ишлаб чиқариш жараёни пировард натижаларини ўзида акс эттирувчи иқтисодий кўрсаткич сифатида тушунилиши лозим. Иқтисодий самарадорлик моҳияти нафақат ишлаб чиқариш натижалари ва харажатлар ўртасидаги арифметик рақамлар билан, балки фойдали натижаларга эришиш йўлида харажатлар миқдорини камайтириш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш,

¹⁶ Абдуғаниев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси. 2004. 53 бет

тақсимот ва айрибошлаш муносабатлари орқали ифодаланади. Ишлаб чиқариш самарадорлиги харажатлар ва натижалар ўртасидаги арифметик нисбатгина бўлмасдан, балки ишлаб чиқариш муносабатларини акс эттирувчи иқтисодий атама...” ҳисобланади¹⁷.

Р.Хусанов, Ю.Дадабоевлар эса “Самара – қишлоқ хўжалигида ўтказилган у ёки бу тадбирларнинг оқибати, натижасидир. Иқтисодий самарадорлик— ишлаб чиқариш воситаларининг ва жонли меҳнатнинг қўлланилишидан олинган якуний фойдали самарани, жами сармоялардан эришилган натижани кўрсатади” деб таъкидлашади¹⁸.

Б.Т.Салимов, Б.Б. Беркинов ва бошқалардан иборат муаллифлар гуруҳи берган тарифда, “Самара бу кенг тушунча бўлиб, ҳар қандай тадбир ёки фаолиятнинг натижасида ўғитлардан фойдаланиш самараси, экинлар ҳосилдорлиги ошишида, ем-хашак самараси, чорва маҳсулдорлигини ошишида ифодаланади. Аммо, бу самара янги ҳосилдорлик ва маҳсулдорликни ошиши бу тадбирлар қанчалик фойдалилигини кўрсатмайди. Ўғит ва ем-хашаклардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатларнинг қопланганлик даражаси шу харажатлар билан олинган натижа даромад билан таққослангандагина маълум бўлади. Ўғит ва ем-хашакдан фойдаланиш натижасида экинлар ҳосилдорлиги, чорва моллари маҳсулдорлигини ошуви бу тадбирни техник самарадорлигини

¹⁷ Ражабов И. “Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида агроресурслар бозори мувозанати ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги” Дис иқтисод фанлари доктори. Т.2006 й 11бет

¹⁸ Хусанов Р.А. Дадабоев Ю.Т. Дадабоев Д.Ю. “Агросаноат комплекси иқтисодиёти”. – Т.: Ўзбекистон. 2003. Бет 470.

ифода қилса, тадбирни ўтказишга боғлиқ харажатлар билан бунинг натижасида олинган даромадни таққослаш иқтисодий самарадорликни ифодалайди"¹⁹.

Э.Ж. Юсупов иқтисодий самарадорлик ҳақида фикр билдирар экан: "Ҳар қандай иқтисодий тизим шароитида инкор этиб бўлмайдиган икки ҳақиқат иқтисоднинг асосини ташкил қилади. Бу икки ҳақиқатга ҳар томонлама аниқлик киритиш ва чуқур ўзлаштириш жамият орасида самарадорлик тушунчасининг тутган ўрни ва аҳамиятига тўлиқ жавоб олиш имкониятини беради. Биринчи ҳақиқат шундан иборатки, жамиятнинг таркибий қисмлари ҳисобланган индивид ва институтларнинг моддий эҳтиёжлари чегарасиз эканлиги ва уни талаб қилинадиган даражада кондириб бўлмаслигидир. Иккинчи ҳақиқат, ана шу чегара билмайдиган жамият аъзолари моддий эҳтиёжларини қондиришнинг асоси бўлган иқтисодий омилларнинг чегараланганлиги ва камёблигидир. Мана шу юқорида санаб ўтилган икки ҳақиқат ва улар ўртасидаги мавжуд номутаносиблик ҳамда жамият миқёсида қўйиладиган мақсадни амалий бажарилишига эришиш вазифаси "иқтисодий самарадорлик" категориясини иқтисоднинг муҳим муаммоси..." эканлигини таъкидлайди"²⁰.

О.А.Шерматов самарадорлик ва иқтисодий самарадорлик тўғрисида билдирган мулоҳазасида, "Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ресурсларини такомиллаштириш ва улардан оқилона фойдаланиш туфайли эришилган натижани шу мақсадлар учун

¹⁹ Салимов Б.Т., Беркинов Б.Б., Ҳамдамов Қ.С., Ҳақимов Р.Х., Юсупов М.С., Ўроқов Н.И., Орипов М.А. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди. Ўқув қўлланма. Т. 2004–175б.

²⁰ Юсупов Э.Ж. Пахтачилик мажмуини ислоҳ қилиш ва тармоқлараро иқтисодий мутаносибликни шакллантириш муаммолари. Дис. икт. фан. док. – Т.: ЎзБИИТИ. 1998. – 291 б.

сарфланган жонли ва буюмлашган меҳнат миқдорига нисбати ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ифодалайди. Кишилик жамиятида моддий ноз-неъматлар ишлаб чиқариш ҳаётий зарурият бўлиб, бу жараёнда моддий ноз-неъматлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бир қаторда маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган жонли ва буюмлашган меҳнат сарфини камайтириб бориш иқтисодий самарадорликка эришишнинг асосий омилидир. “Самара” – бу қандайдир бир фаолиятни натижавийлигини ўзида акс эттирувчи кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Самаранинг натижаси самарадорликда ўз аксини топади. Самарадорлик – бу сарфланган ресурслар эвазига қанча самара кўрилганлигини ўзида акс эттирувчи кўрсаткичдир. Ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлиги самарани (натижа) сарфланган ресурсларга нисбати билан аниқланади. Шу жиҳатдан, иқтисодий самарадорлик сарфланган ҳар бир сўмлик ресурс эвазига қанча самара олинганлигини акс эттиради” деган талқинни ифода этади²¹.

Юқоридаги фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, қишлоқ хўжалигида иқтисодий самарадорлик кам меҳнат ва моддий ресурслар сарфлаб, атроф муҳит ва экологик мувозанатга салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда ресурс сарфи миқдори ҳисобига олинадиган якуний соф фойда миқдорида ўз аксини топади.

Иқтисодий самарадорликни ошириш, хўжаликлар даромадининг ўсишига эришишда экинлар ҳосилдорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш билан бир қаторда ресурсларни тежовчи технологиялардан фойдаланиш, қиммат ва ноёб ресурслар

²¹ Шерматов О.А “Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида пахтачиликни ривожлантириш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари” Дис. иқт. фан. ном. – Т.: 2006. (10-11 б.)


истеъмол қиладиган ишлаб чиқариш жараёнларини диверсификация қилиш масаласи муҳим аҳамият касб этади.

Ресурс тежовчи технологиялар иқтисодий самарадорлиги пахтачилик тармоғида, ҳар бир гектар экин майдони ҳисобига нисбатан кам харажатлар сарф қилиши, маҳсулот бирлиги ҳисобига тўғри келадиган сарф харажатлар камайиши орқали намоён бўлиши лозим. Бунда иқтисодий самарадорлик мезонларини аниқлаш лозим бўлади. Бу борада илмий адабиётларда кўплаб фикрлар мавжуд бўлиб, уларда ресурсларга асосланган ёндашув устуворлик қилади. Янги технологиянинг иқтисодий самарадорлиги, олинган молиявий натижанинг сарф қилинган ресурслар миқдorigа нисбати билан аниқланиши кўзда тутилади. Жумладан, “Мезон” – сўз ўзаги грекча сўздан олинган бўлиб, “мулоҳаза юритиш” маъносини англатади.

Демак, бизнинг назаримизда ресурсларни тежашга нисбатан иқтисодий нуқтаи назардан эса иқтисодий самарадорлик мезони деганда – фермер хўжаликларида пахта етиштиришда ресурсларни тежашнинг иқтисодий самараси сифатида қандай масалаларни ҳал этиш лозимлиги тушунилиши мақсадга мувофиқ. Бундан келиб чиқадики, амалда эришилган кўрсаткичлар танланган мезонлар билан таққосланиши лозим бўлади (1.4-расм).

Юқоридаги фикрларга таянадиган бўлсак ресурсларни тежаш борасидаги мезонлар сифатида – аниқ фермер хўжалиги доирасида янги технологияни жорий этгунга қадар эришилган иқтисодий натижалар; ҳудуддаги илғор фермер хўжаликлари томонидан эришилган иқтисодий натижалар; пахта етиштиришдаги ресурслар

сарфи бўйича тегишли меъёрий кўрсаткичлар қабул қилиниши мақсадга мувофиқ.



1.4-расм. Пахтачиликда ресурстежамкор технологиялардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлиги мезонлари²²

Ушбу мезонлар асосида ресурс тежовчи технологиянинг иқтисодий самарадорлигига баҳо беришда мавжуд ишлаб чиқариш,

²² Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

табiiй ва бошқа шароитлар тенглигига алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, ресурс тежамкорлик асосида эришиладиган ижтимоий–иқтисодий натижаларга асосланувчи мезонлар сифатида – фермер хўжалигида пахта хом ашёси етиштириш таннархини минималлаштиришга эришиш; фермер хўжалигида пахта хом ашёсини сотишдан олинадиган фойда миқдорини максималлаштиришга эришиш; инновацион тежамкор техника ва технология асосида пахтачиликда қўл кучи салмоғи камайишига эришиш; инновацион тежамкор техника ва технология асосида экологик хавфсизлик даражасини пасайтиришига эришиш каби натижалар билан баҳоланиши тавсия қилинмоқда.

Пахтачилик тармоғида ресурс тежовчи технологиялардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари ягона, бир бутун тизим доирасида амал қилиб, нафақат ўзаро мувофиқланган, балки ягона тизим доирасида алоҳида йўналишларга эга. Тегишли иқтисодий кўрсаткичларни ягона тизимга келтирмасдан туриб, тежамкорлик режимида ресурслардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигига баҳо бериш қийинлашади.

Иқтисодий кўрсаткичлар мазмунига кўра ишлаб чиқариш жараёнининг алоҳида жиҳатларини ифодалайди. Жумладан, ушбу масала юзасидан Қ.Йўлдошев ва К.Муфтайдинов фикрича: "Ишлаб чиқариш жараёнида жуда ҳам хилма-хил маҳсулотлар яратилади, турли-туман хизматлар кўрсатилади, маънавий неъматлар вужудга келтирилади. Улар маълум иқтисодий кўрсаткичлар ёрдамида ҳисоблаб борилади, баҳоланади. Бу иш иқтисодиётнинг ҳолатини аниқлаш, неъматларни тўғри тақсимлаш, айирбошлаш ва мақсадли

истеъмол қилиш учун бажарилади. Иқтисодиётнинг ҳолати, жамиятнинг бойлиги, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги бутун бир иқтисодий кўрсаткичлар тизими орқали ўлчанади, уларнинг баъзилари умумий ҳарактерга, баъзилари хусусий ҳарактерга эга²³.

Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари тизимидан фойдаланиш лозимлигини таъкидлаган ҳолда Э.Юсупов – “Тармоқдаги иқтисодий самарадорликни йиллар давомида динамик ўзгаришини таққослашда кўрсаткичлар ичидан бирор бир умумлаштирувчи кўрсаткич ажратиб олиниши тўғри бўлади. Лекин, кўрсаткичлар тизими ичидан ажратиб олинган умумлаштирувчи кўрсаткич қуйидаги умумуслубий талабларга жавоб бериши лозим, акс ҳолда унинг қўлланилиши мақсадсиз ва мазмунсиз бўлиб қолади.


Биринчидан, ўрганилаётган категория хусусиятига имкони борича тўлиқ жавоб бериши; иккинчидан, ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган пировард натижани олишда иштирок этадиган ер, капитал ва меҳнат омилларидан фойдаланиш даражасини мужассамланган ҳолида ўзида акс эттириши; учинчидан, бошқарувни барча даражаларида ва бутун жамият миқёсида қўлланиладиган умумлаштирувчи кўрсаткичлар билан боғланганлиги; тўртинчидан, амалиётда фойдаланиш мумкинлиги” каби талабларга жавоб бериши керак деб ҳисоблайди²⁴.

²³ Қ. Йўлдошев. Қ. Муфтайдинов Иқтисодий билим асослари. Т. “Ўқитувчи” 1999й. 256 б.

²⁴ Юсупов Э.Ж. Пахтачилик мажмуини ислоҳ қилиш ва тармоқлараро иқтисодий мутаносибликни шакллантириш муаммолари. Дис. иқт. фан. док. – Т.: ЎзБИИТИ. 1998. – 291 б

Аммо, бизнинг фикримизча пахтачилик тармоғида ресурс тежовчи технологиялардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигини ягона умумлаштирувчи кўрсаткич орқали эмас балки, кўрсаткичлар тизими орқали баҳолаш тўғрироқ бўлади. Чунки, ҳар бир кўрсаткич бир бирини тўлдирган ҳолда тежамкорлик хусусиятларини тўлиқроқ очиб беради. Шунинг учун ҳам пахтачилик тармоғида ресурс тежовчи технологиялардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлиги “натурал”, “қиймат”, “нисбий” ва “тўлдирувчи” характердаги кўрсаткичлар тизими орқали аниқлаш лозим. Шунингдек, бугунги кунда ишлаб чиқаришни инновацион техника ва технологияларсиз ривожлантириш қийинлиги туфайли пахтачилик тармоғида инновацион технологияларни жорий қилиб боришни рағбатлантириш талаб этилмоқда. Бунда пахтачилик тармоғидаги тежамкорлик тизимида инновацион рақамли тежамкор технология ва техник воситалар (ПТТ) салмоғини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам пахтачиликда тежамкорликнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари тизимида ушбу кўрсаткичларни ҳам ҳисоблаш таклиф этилмоқда (1.5-расм).

Ресурс тежовчи технологиялар сув ва бошқа ресурсларни тежаши билан биргаликда пахта сифатини яхшилаши ва миқдорини кўпайтириши лозим. Ресурс тежовчи технологияларнинг ижтимоий самарадорлиги унинг тармоқда меҳнат шароитларини яхшилаш даражаси, ишчилар малакасини ошириши каби жиҳатлари билан ҳам баҳоланиши мумкин.



1.5-расм. Пахтачиликда ресурс тежовчи технологиялардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари тизими²⁵

Демак, пахтачилик тармоғида ресурс тежамкорлик тизимида тежамкор технология ва техник воситалар салмоғига баҳо бериш орқали ресурс тежамкорлик коэффицентини (P_{TT}) аниқлаш тавсия этилади. Бунда, 1.5-расмда акс эттирилган қуйидаги тўртта кўрсаткичларнинг арифметик ўртачаси орқали баҳолаш таклиф этилмоқда. Яъни, жами пахта етиштириш технологияларида рақамли, инновацион технологияларнинг салмоғи ($ТС_{TT}$);

²⁵ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган. (Пунктир чизикли квадратлардаги иқтисодий кўрсаткичларни муаллиф томонидан киритиш тавсия қилинмоқда)

инновацион ресурстежамкор рақамли технологияларнинг пахтачилик тармоғи ялпи маҳсулот қийматига нисбатан салмоғи ($КС_{ТТ}$); инновацион ресурстежамкор рақамли технологияларнинг пахтачиликдаги жами ишлаб чиқариш харажатлари миқдоридаги салмоғи ($ХС_{ТТ}$); инновацион ресурстежамкор рақамли технологияларнинг хўжаликда пахтачилик тармоғига киритилган йиллик инвестиция миқдorigа нисбати ($ИС_{ТТ}$) каби кўрсаткичлар асосида.

$$П_{ТТ} = \frac{ТС_{ТТ} + КС_{ТТ} + ХС_{ТТ} + ИС_{ТТ}}{4} \quad (2.1)$$

Мазкур кўрсаткичнинг ортиб бориши пахтачилик тармоғида ресурстежамкорлик тизимидаги замонавий технологиялардан фойдаланиш кўлами ортиши ва тармоқнинг ривожланиши барқарорлиги келажакда ҳам сақланиши хусусида хулоса қилиниши мумкин бўлади. Чунки фермер хўжаликлари ўртасидаги, янги технологиялардан фойдаланишдаги молиявий таваккалчиликлар билан боғлиқ ва кўп жиҳатдан пахтачилик тармоғидаги хусусий мулк ҳуқуқларининг ҳимояси борасидаги ҳолатлар туфайли юзага келувчи консерватив кайфияти замонавий инновацион технологиялардан ва хусусан тежамкор техника ва технологиялардан фойдаланишни чеклайди.

Пахтачиликда ресурс тежовчи технологияларни қўллашдан кўриладиган самара етиштирилаётган пахта миқдорининг қилинаётган харажатлар миқдorigа нисбатан ошиб бориши билан ифодаланади. Бу технологияларни қўллаш самарадорлиги қуйидаги ҳолатда содир бўлиши мумкин. Жумладан:

– экин майдони бирлиги ҳисобига янгидан қўлланилган агротехнология натижасида олинган маҳсулот миқдори аввал фойдаланилган технология доирасида олинган маҳсулотга нисбатан кўпроқ бўлиши орқали;

– янги фойдаланилаётган агротехнологияда аввалги технологияга нисбатан харажатлар ҳисобига олинган маҳсулот миқдори ортиши орқали;

– пахтачиликда жорий қилинган янги технологияда сарф қилинган харажатлар миқдори ортишига нисбатан олинган маҳсулот миқдори ортиши кўпроқ бўлиши орқали ифодаланади;

– ниҳоят энг муҳими маҳсулот бирлигини етиштириш учун талаб этиладиган ресурслар сарфи маҳсулот бирлиги ҳисобига ёки экин майдони бирлиги ҳисобига мутлоқ ёки нисбий камайишига эришилади.

Юқоридаги фикрларга таянадиган бўлсак, бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқиб пахтачиликда ресурс тежовчи технологиялар иқтисодий самарадорлигини кўрсаткичлар тизими орқали баҳолаш мақсадга мувофиқ. Чунки, бунда ҳар бир кўрсаткич ўзига хос бўлган хусусиятларидан келиб чиқиб аниқроқ бўлган хулосаларга келиш имкониятини беради. Ресурс тежовчи технологиялар иқтисодий самарадорлиги натурал, қиймат ва нисбий характердаги кўрсаткичлар тизими орқали аниқланиши тўғрироқ бўлади.

Ресурс тежовчи технологиялардан фойдаланишдаги ўзгаришлар фақатгина иқтисодий эмас, балки табиий омилларга ҳам боғлиқ бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда табиий шарт-

шароитларни хар тарафлама ҳисобга олиш лозим бўлади. Пахтачиликда ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш иқтисодий самарадорлиги моддий ва меҳнат сарфининг пасайиши, меҳнат унумдорлигининг ортиши ва бир бирлик маҳсулот етиштириш учун сарфланган харажат миқдорининг камайиши кўрсаткичлари орқали ифодаланади.

Пахтачиликда самарадорликни ҳисоблашда бошланғич асос пахта ҳосилдорлиги эканлигини эътиборга олсак, ҳосилдорликнинг ошишига тармоқда иқтисодий самарадорликка эришишнинг бошланғич нуқтаси сифатида қараш талаб этилади. Шу нуқтаи назардан, пахта етиштирувчи фермер хўжаликларида ресурс тежовчи технологиялар иқтисодий самарадорлигини баҳолашда пахта ҳосилдорлиги ўзгариши динамикасини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Ёки пахта ҳосилдорлиги ўзгаришсиз қолган ҳолатда ҳам етиштирилган маҳсулот бирлиги ҳисобига сарф қилинган ресурслар миқдори камайишига эришиш талаб этилади.

Ресурстежамкор агротехнологиянинг жорий этилиши орқали эришилган иқтисодий самарадорликни ($РТТ_m$) аниқлашда жорий ($МРС_ж$) ва базис ($МРС_б$) йилидаги маҳсулот бирлиги ҳисобига ресурслар сарфи миқдори ўгариши кўрсаткичларидан фойдаланиш мумкин бўлади.

$$РТТ_m = \frac{МРС_ж}{МРС_б} \quad (2.2)$$

Ёки пахта етиштиришда ресурсларни тежовчи технологиялар жорий этилганда иқтисодий самарадорлик даражасига баҳо бериш учун пахта экин майдони бирлиги ҳисобига сарф қилинган

ресурслар миқдорининг ($РТТ_s$) жорий кўрсаткичи базис кўрсаткичи билан таққосланган ҳолда аниқланадиган кўрсаткичлар бўйича баҳолаш мумкин бўлади.

$$РТТ_s = \frac{МРС_{ж}}{МРС_б} \quad (2.3)$$

Шу тариқа пахтачилик тармоғида жорий этилган ресурс тежовчи технологиялар иқтисодий самарадорлигига баҳо берилади. Бунда мавжуд меъёрлар билан ҳам амалда эришилган натижаларни (пахта экин майдони, етиштирилган маҳсулот бирлиги ҳисобига тўғри келувчи ресурс сарфи миқдорини) таққослаш мумкин бўлади.

Юқоридаги кўрсаткичлар моддий ресурслар сарфининг жорий йилда миқдор жиҳатидан ўтган йилга нисбатан ёки меъёрларга нисбатан кўпайганлиги ёки пасайганлигини аниқлашга ёрдам беради. Агарда бу кўрсаткичлар “1” дан кичик ёки энг камида “1” га тенг миқдорлар билан ифодаланадиган бўлса, ресурс тежамкор технологиянинг таъсири ижобий эканлигини кўрсатади.

Янги технологиянинг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи яна бир муҳим кўрсаткич бу меҳнат унумдорлиги ҳисобланади. Пахтачиликда меҳнат унумдорлиги одатда вақт бирлиги ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори (қиймати) ёки маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарф этилган вақт орқали аниқланади.

Меҳнат унумдорлиги тармоқда механизациялаш даражасига боғлиқ бўлиб, бу ҳолат пахта етиштиришдаги агротехник жараёнларда жонли меҳнат сарфининг камайиши тарзида намоён

бўлиб, кўп қўл кучи талаб этиладиган соҳа сифатида пахтачиликда жуда катта аҳамиятга эга.

Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини бир бирига боғлиқлиги пахтачилик иқтисодий самарадорлигини баҳолашда кўрсаткичлар тизимидан комплекс фойдаланиш заруриятини асослайди.

Моддий ресурслар пахтачиликда ресурс тежовчи технологиялар иқтисодий самарадорлигини ўзида тўлароқ акс эттирувчи иқтисодий кўрсаткич ҳисобланади. Чунки у ўзида пахтачиликда сарфланаётган ер-сув, техника ва технология, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари ва бошқа харажатларни ўзида акс эттиради. Шунингдек, пахта ишлаб чиқаришда талаб этиладиган ресурсларнинг мақбул нисбатларини сақлаш лозим бўлади. Жумладан, моддий ресурс таркибидаги техникадан фойдаланиш имкониятини юқорилиги иқтисодий самарадорликни ўсишини таъминласада, аммо пахта етиштиришдаги бошқа ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ўзида акс эттира олмайди. Пахтачиликда ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш бирон бир ресурснинг тежалиши ҳисобига бошқа ресурс сарфини ортиб кетиши ҳолати юз берганда қиймат кўрсаткичларига эътибор қаратилади. Яъни нисбий арзонроқ ресурслардан фойдаланишга ҳаракат қилинади. Шу асосда пахтачилик хўжаликларида тежамкор технологияларни қўллашда ресурслар нисбатига тўғри эътибор қаратилиши талаб этилади.

Ресурс тежовчи технологиялар жорий этиш иқтисодий самарадорлигини белгиловчи муҳим кўрсаткичлардан бири – бу

ишлаб чиқариш рентабеллиги ҳисобланади. Рентабеллик ўз хусусиятига кўра, ресурс тежовчи технология иқтисодий самарадорлиги тўғрисида якуний, умумий хулоса чиқариш асосида ресурслардан фойдаланиш салоҳиятини баҳолаш имконини беради. Бу эса рентабеллик даражасини фойда билан бир қаторда маҳсулот таннархига ҳам боғлиқ, эканлигини асослайди.

Харажатни камайтириш ҳисобига рентабелликни кўтариш мақсадида таннарх таркибидаги иш ҳақини камайтириш ҳоллари бозор шароитида моддий манфаатдорлик тизимини бузилишига олиб келади. Шу жиҳатдан меҳнат сарфини тежашда нисбатни мувофиқлаштириш талаб этилади. Яъни меҳнат сарфини тежаш иш ҳақини камайтириш эмас балки, меҳнат унумдорлигини оширадиган, ресурсларни нисбатан арзонроқ муқобиллари билан алмаштириш ҳисобига амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

1. Пахтачилик ресурсларни тежаш масаласига учта асосий нуқтаи назардан ёндашиш мумкин:

Биринчиси – пахтачиликда ресурслар сарфи миқдорини мутлоқ тежаш йўналиши сифатида қабул қилиниши мақсадга мувофиқ. Бунда:

– пахта ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилинадиган моддий-техник ва меҳнат ресурслари миқдорини пахта майдони ҳисобига мутлоқ камайтириб бориш масаласи назарда тутилади;

– экин майдони ҳисобига ресурслар сарфини айни пайтда аниқ вақт давомида қимматроқ ресурсларни бошқа турдаги арзонроқлари билан алмаштириш йўли амалга оширилади;

– пахта ишлаб чиқариш қўл меҳнати сарфини кўп талаб қилади ва механизация воситаларидан самарали фойдаланиш жараёнини мунтазам тартибга солишни талаб этиши боисдан фермернинг малакасига ҳам боғлиқ.

Иккинчиси – пахтачиликда ресурслар сарфи миқдорини нисбий тежаш йўналиши сифатида қабул қилиниши мақсадга мувофиқ. Бунда:

– экин майдони ҳисобига ресурслар сарфи миқдори ўзгаришсиз қогани ҳолда ҳосилдорликни ошириш натижасида маҳсулот бирлиги ҳисобига тўғри келадиган харажатлар миқдорини камайтириш масаласи назарда тутилади.

Учинчиси – пахтачиликда ресурслар сарфи миқдорини тежашдаги мажмуали йўналиш сифатида ёндашиш қабул қилиниши мақсадга мувофиқ. Бунда – харажатларни камайтиришда “Ресурслар сарфи миқдорини мутлоқ тежаш йўналиши” ва “Ресурслар сарфи миқдорини нисбий тежаш йўналиши” дан биргаликда фойдаланиш назарда тутилади.

2. Пахта етиштиришда сарф-харажатларни тежаш мақсадида муқобил самарали технологиялар орасидан энг мақбулини танлашда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш талаб қилинади:

Биринчидан – мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланиш даражаси. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда “Иқтисодий омилларнинг ўзаро ўриндошлик” хусусиятларидан келиб чиқиб жонли меҳнатни буюмлашган меҳнат билан алмаштиришга эътибор берилади.

Иккинчидан – ишлаб чиқаришга жалб қилиш мумкин бўлган ресурслар баҳоси пасайиши эвазига ишлаб чиқаришга қўшимча ресурсларни жалб қилиб, бозорга қўшимча маҳсулот таклиф этиш мумкин. Бунда қўшимча талаб шаклланиши учун замин туғилади.

Учинчидан – ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиланиш мумкин бўлган ресурснинг маҳсулдорлик даражасини ва уларнинг ўзаро алмашилиш имконияти мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш йўналишини аниқлаш тармоқда эркин бозор қонунлари мавжудлигини талаб этади.

3. Пахтачиликда ресурс тежовчи технологияларни қўллашда маълум бир ресурсларни камроқ ишлатиш ҳисобига йўқотиладиган имконият бошқа технологик жараён ҳисобига қопланиши лозим. Шу боисдан ҳам пахта етиштиришда сарф-харажатларини тежашга таъсир этувчи омиллардан ўзаро узвий боғлиқликда фойдаланиш талаб этилади.

4. Ресурс тежовчи технологиялар иқтисодий самарадорлиги пахтачилик тармоғида, ҳар бир гектар экин майдони ҳисобига нисбатан кам харажатлар сарф қилиши, маҳсулот бирлиги ҳисобига тўғри келадиган сарф харажатлар камайиши орқали намоён бўлиши лозим.

5. Ресурсларни тежашга нисбатан иқтисодий нуқтаи назардан иқтисодий самарадорлик мезони деганда – пахта етиштиришда ресурсларни тежашнинг иқтисодий самараси сифатида қандай масалаларни ҳал этиш лозимлиги тушунилиши мақсадга мувофиқ. Бундан келиб чиқадики, амалда эришилган кўрсаткичлар танланган мезонлар билан таққосланиши лозим бўлади.

6. Ресурсларни тежаш борасидаги мезонлар сифатида – аниқ фермер хўжалиги доирасида янги технологияни жорий этгунга қадар эришилган иқтисодий натижалар; ҳудуддаги илғор фермер хўжаликлари томонидан эришилган иқтисодий натижалар; пахта етиштиришдаги ресурслар сарфи бўйича тегишли меъёрий кўрсаткичлар қабул қилиниши мақсадга мувофиқ.

7. Пахтачилик тармоғида ресурс тежовчи технологиялардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлиги “натурал”, “қиймат”, “нисбий” ва “тўлдирувчи” характердаги кўрсаткичлар тизими орқали аниқлаш тавсия этилади.

8. Пахтачиликда ресурс тежовчи технологияларни қўллашдан кўриладиган самара етиштирилаётган маҳсулот миқдорининг харажатлар миқдорига нисбатан ошиб бориши билан ифодаланади. Бу технологияларни қўллаш самарадорлиги қуйидаги ҳолатда содир бўлиши мумкин. Жумладан:

- экин майдони бирлиги ҳисобига янгидан қўлланилган агротехнология натижасида олинган маҳсулот миқдори аввал фойдаланилган технология доирасида олинган маҳсулотга нисбатан кўпроқ бўлиши орқали;

- янги фойдаланилаётган агротехнологияда аввалги технологияга нисбатан харажатлар ҳисобига олинган маҳсулот миқдори ортиши орқали;

- янги технологияда сарф қилинган харажатлар миқдори ортишига нисбатан олинган маҳсулот миқдори кўпроқ ортиши орқали ифодаланади;

– маҳсулот бирлиги етиштириш учун талаб этиладиган ресурслар сарфи маҳсулот бирлиги ҳисобига ёки экин майдони бирлиги ҳисобига мутлоқ ёки нисбий камайишига эришилади.

9. Харажатни камайтириш ҳисобига рентабелликни кўтариш мақсадида таннарх таркибидаги иш ҳақини камайтириш ҳоллари бозор шароитида моддий манфаатдорлик тизимини бузилишига олиб келади. Шу жиҳатдан меҳнат сарфини тежашда нисбатни мувофиқлаштириш талаб этилади.

2.БОБ. ПАХТАЧИЛИК ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ДАРАЖАСИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

2.1. Пахтачиликни ривожлантириш ва пахта етиштириш иқтисодий самарадорлигини ҳозирги аҳволи

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида бозор ислохотларини амалга ошириш жараёнида пахтачилик тармоғида хусусий мулк фаолияти таъмин этилди ва бунда асосий ўринни фермер хўжаликлари эгаллади. Мулкни хусусийлаштириш натижасида, маҳсулот етиштирувчиларда ерга, мулкка, ўз меҳнатининг натижаларига эгалик қилиш, сарфланаётган меҳнат, моддий, табиий ва маънавий ресурслар ҳисобига кўпроқ фойда олишга қаратилган тадбиркорлик асосидаги фаолият юритиши учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги экинлари таркибини диверсификация қилиш йўналишидаги тадбирлар натижасида пахта яккаҳокимлиги барҳам топди ва пахта экин майдонлари миқдори камайтирилмоқда. Жумладан, Наманган вилояти пахтачилигида ҳам ихтисослашган фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган пахта ҳосили ўрганилган йиллар мобайнида экин майдонлари камайишига мутаносиб равишда камайиб борган (2.1-жадвал).

Хусусан вилоят бўйича бўйича 2014 йилда 82600 гектар майдонда пахта экилган бўлиб, бу кўрсаткич 2018 йилга келиб 65606 гектарни ташкил этган ва 2018 йилда 2014 йилга нисбатан пахта майдони 79,4 фоизга қисқарган. Айни пайтда вилоятда пахта майдонлари камайиши билан биргаликда ҳосилдорлик ҳам йиллар давомида пасайиб борган. Жумладан, 2014 йилда 27,9 центнерни,

2015 йилда 27,9 центнерни ташкил этган бўлса, 2017 йилда 24,1 центнерга ва 2018 йилда эса ҳосилдорлик 24,5 центнерга пасайган. 2018 йилда 2014 йилга нисбатан ҳосилдорликни пасайиши 87,8 фоизга етган.

2.1-жадвал.

Наманган вилояти фермер хўжаликларида пахта ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари²⁶

Кўрсаткичлар	(млн. сўм)					
	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2018 йилда 2014 йилга нисбатан, %
Жами пахта экин майдони, (га)	82600	82600	80900	78900	65606	79,4
Ҳосилдорлик, (ц/га)	27,9	27,9	27,8	24,1	24,5	87,8
Ялпи ҳосил, (минг тонна)	230,0	230,4	225,2	190,1	160,7	69,9
Жами харажат	179603	187956	235641	374673	517235	288,0
Ялпи ҳосил қиймати	192484	201660	256359	347519	548203	284,8
Фойда(+) Зарар (-)	12881	13704	20718	-27154	30968	240,4

Вилоят миқёсида ялпи ишлаб чиқарилган пахта миқдори 2018 йилда 2014 йилга қараганда 69,9 фоизга камайган. Бунга ўз навбатида пахта экин майдонларининг камайиши таъсир этган. Агар 2014 йилда 230,0 минг тонна пахта ишлаб чиқарилиб, ҳосилдорлик 29,9 центнерни ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб жами ишлаб чиқарилган пахта миқдори 160,7 минг тоннани, ҳосилдорлик эса 24,5 центнерни ташкил этиб, ишлаб чиқариш ҳажми 69,3 минг тоннага камайган.

²⁶ Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Юқоридаги таҳлиллардан хулоса қиладиган бўлсак, вилоятда пахта хом ашёси ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариб боришига ҳам интенсив, ҳам экстенсив омиллар таъсир кўрсатганлиги билан мамлакат миқёсида амалга оширилган тадбирлар асосий омил ҳисобланган: Жумладан:

- биринчидан, республика аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ва дон мустақиллигини таъминлаш мақсадида ғалла экин майдонларини кенгайтирилиши;

- иккинчидан, экологик мувозанатни сақлаш ва тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида пахта якка ҳокимлигига барҳам бериш йўналишида олиб борилган тадбирлар;

- учинчидан, пахта экилаётган майдонларга солинаётган минерал ўғитларнинг илмий асосланган нисбати бузилиши ва алмашлаб экиш тизими издан чиқиши натижасида тупроқ унумдорлигини ошириш имкониятлари чекланиб қолмоқда ва натижада экин майдонларининг тупроқ унумдорлиги салоҳиятидан фойдаланиш имкони пасаймоқда.

Таҳлиллар кўрсатишича 2014 йилда Мингбулоқ туманида 36,9 минг тонна пахта етиштирилган бўлса, 2015 йилда 35,9 минг тонна, 2016 йилда 35,8 минг тонна пахта ишлаб чиқарилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2014-2018 йилларда пахта ишлаб чиқариш ҳажми бошқа туманларда ҳам камайиб борган (2.2-жадвал).

2.2-жадвал.

**Наманган вилоятида пахта хомашёси етиштириш
миқдори ўзгариши динамикаси²⁷**

(тонна)

Туманлар Номи	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2018 йилда 2014 йилга нисбатан, %
Мингбулоқ	36918	35874	35857	36709	32493	88,0
Косонсой	14774	14806	14153	8615	6802	46,0
Наманган	24235	22973	21638	20882	16612	68,5
Норин	21472	21015	21470	17764	15206	70,8
Поп	30053	31996	32693	26294	22225	74,0
Тўрақўрғон	20195	20889	19343	14121	12779	63,3
Уйчи	24787	24003	23229	18718	15398	62,1
Учқўрғон	35289	34712	34108	26227	23644	67,0
Чортоқ	5336	5234	5190	5102	3415	64,0
Чуст	16982	18874	17519	15649	12136	71,5
Вилоят бўйича	230041	230376	225200	190081	160708	69,9

Маълумки, кўп укладли бозор иқтисодиёти шароитида пахтачилик тармоғини ривожлантиришда ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишдан тушум тармоқ рентабеллигини таъминлаш билан бир қаторда, келгуси йил учун кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъмин этиши лозим, акс ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни иқтисодий мазмунини йўқотади.

Пахтачилик тармоғининг молиявий ҳолати таҳлиллари кўрсатишича 2014-2016 йилларда Наманган вилоятининг аксарият туманларида пахта хом ашёси етиштириш рентабелли бўлиб, вилоят бўйича бу кўрсаткич ўртача 7.2 фоизни ташкил этган. Аммо, шу билан биргаликда 2018 йилда фермер хўжаликлари томонидан

²⁷ Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

пахта хом ашёси ишлаб чиқариш Косонсой, Тўрақўрғон, Уйчи, ва Чуст туманларда зарар билан якунланган (2.3-жадвал).

2.3-жадвал.

Наманган вилоятида пахта хом ашёси етиштиришнинг рентабеллик даражаси²⁸

(фоизда)

Туманлар номи	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2018 йилда 2014 йилга нисбатан, (+,- пункт)
Мингбулоқ	6,8	11,1	6,4	-8,7	14,0	7,2
Косонсой	1,5	0,2	2,7	-10,7	-18,6	-20,1
Наманган	11,1	9,4	12,5	4,2	15,1	4,0
Норин	7,9	8,3	15,0	-10,0	8,7	0,8
Поп	2,6	7,5	2,2	-16,1	4,9	2,3
Тўрақўрғон	2,8	4,9	6,9	-13,6	-6,9	-9,7
Уйчи	11,2	13,5	10,7	-0,3	-3,3	-14,5
Учқўрғон	11,1	4,6	6,4	-3,2	17,1	6,0
Чортоқ	10,2	0,1	4,8	-4,0	8,3	-1,9
Чуст	3,8	0,2	2,2	-4,8	-0,8	-4,6
Вилоят бўйича	7,2	7,3	7,2	-7,2	6,0	-1,2

Жумладан, 2018 йилда энг юқори зарарлилик Косонсой туманида (-18,6 фоиз), Тўрақўрғон туманида (-6,9 фоиз), Уйчи туманида (-3,3 фоиз) ва Чуст туманида (-0,8 фоиз) туманларига тўғри келган бўлса, вилоят бўйича бу кўрсаткич 6,0 фоизни ташкил этган.

Вилоятда 2018 йилда Чортоқ тумани 8,3 фоиз рентабелликка эришган, Лекин, ушбу туманда ҳам 2014 йилга нисбатан рентабеллик 1,9 фоизга тушиб қолган. Пахтачиликдаги бундай

²⁸ Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

салбий натижалар олинishiга таҳлиллар кўрсатишича қуйидаги омиллар таъсир қилган:

- биринчи навбатда давлат харид баҳолари миқдори сарф харажатларни кўпчилик фермер хўжаликларида қопламаслиги ва шунингдек, сўнгги йилларда пахта ҳосилдорлиги пасайиши;

- пахта хом ашёси ишлаб чиқариш ҳажмининг ва пахта нархини қатъий белгиланиши натижасида маҳсулот етиштирувчиларда харажатларни тежаш ва кўпроқ даромад олишга қаратилган бозор муносабатларининг иқтисодий механизмлари тўлиқ ишламаслиги;

- пахтачилик тармоғида ишлатиладиган саноат маҳсулотлари, моддий-техник ресурсларни ҳамда тармоқда сервис хизматлари баҳоларининг ўсиши пахта баҳосига нисбатан бир неча баробар юқори бўлиши натижасида сарфланаётган харажатлар қопланмаётганлиги кабилар.

Шунинг учун вилоятда пахтачиликни ривожлантириш ва тармоқ самарадорлигини оширишда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- экин майдонлари тупроқ унумдорлигини оширишнинг муҳим омили бўлган алмашлаб экишни илмий асосда жорий этиш;

- алмашлаб экиш тизими издан чиққан туманларда экин майдонларига минерал ва маҳаллий ўғитларни солишда илмий асосланган нисбатларга эътибор қаратиш;

- ҳудудларнинг табиий-иқлим шароитларига қараб ғўза навларини жойлаштириш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги “Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 14-сон қарори билан фермер хўжаликларининг ер майдонларини мақбуллаштириш ишлари изчил давом эттирилди.

Амалга оширилган тадбирлар натижасида 2019 йил биринчи чораги якунлари билан Наманган вилоятида бир фермер хўжалигига тўғри келувчи ўртача ер майдони ҳажми пахтачилик ва ғаллачиликда 47,5 дан 98,1 ёки 50,6 гектарга, ғаллачилик ва сабзавотчиликда 7,3 гектарга, сабзавот ва полизчиликда 1,2 гектарга, боғдорчилик узумчиликда 8,7 гектарга, чорвачиликда 0,6 гектарга ошган (2.4-жадвал).

Вилоятда пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари сони 2014 йилда 2424 та бўлган бўлса, 2015 йилда улар сони 2503 тага етган, 2017 йил охирига бориб фермер хўжаликлари сони 3103 тани ташкил этган.

Пахтачилик фермер хўжаликларида ўртача ҳосилдорлик 2014 ҳамда 2015 йилларда ошиб бориши натижасида ялпи ҳосил 2014 йилда 230,0 минг тонна, 2015 йилда 230,4 минг тоннани ташкил этган. Бироқ бу кўрсаткич кейинги йилларда камайганлигини кўриш мумкин.

2.4-жадвал.

**Наманган вилоятида фермер хўжаликлари ер
майдонларини мақбуллаштириш натижалари**

(2019 йил 1 март ҳолатига)²⁹

Кўрсаткичлар	Фермер хўжаликларининг ихтисослашуви				
	Пахтачилик ва ғаллачилик-ликда	Ғаллачилик ва сабзавот- чиликда	Сабзавот ва полизилик-да	Боғдорчилик узумчиликда	Чорвачилик соҳасида
мақбуллаштиришдан олдин гектар	149 324	10012	1621	20754	7333
мақбуллаштириш натижасида гектар	150 416	11605	1481	24029	7100
Мақбуллаштиришдан сўнг ўзгариш (+,-)	+1092	+1593	-140	+3275	-233
Ўртача бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ер майдони, га:					
мақбуллаштиришдан олдин	47,5	26,6	5,0	3,6	19,2
мақбуллаштириш натижасида	98,1	33,9	6,2	12,3	19,8
Мақбуллаштиришдан сўнг ўзгариш (+,-)	+50,6	+7,3	+1,2	+8,7	+0,6

Натижада вилоят бўйича етиштирилган пахта ҳосили 2016 йилда 225,2 минг тонна, 2017 йилда 190,1 минг тоннани ташкил этган.

Вилоят бўйича 2017 йилда пахтачилик тармоғида ўртача битта банд бўлган ходимга нисбатан пахта экин майдони ошиш тенденциясига эга бўлиб, бу 2014 йилга нисбатан 0,7 гектарга ошган. Бу эса албатта меҳнат унумдорлиги ортганлигини кўрсатиб

²⁹Наманган вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

соҳада ишлаётган ходимларнинг моддий манфаатдорлигини ошишига хизмат қилади (2.5-жадвал).

2.5-жадвал.

Наманган вилояти пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг салмоғи ўзгариши³⁰

Кўрсаткичлар		2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил
Пахтачилик хўжаликлари сони, дона		2424	2503	3151	3103	2855
Жами экин майдони, минг га		160,4	176,5	164,8	154,4	130,7
Шундан	минг га	82,6	82,6	80,9	78,9	65,6
пахта майдони	жами экин майдонидаги улуши, %	51,5	46,8	49,1	51,1	50,2
Ўртача ҳосилдорлик, ц/га		27,9	27,9	27,8	24,1	24,5
Ялпи ҳосил, минг т,		230,0	230,4	225,2	190,1	160,7
Пахтачиликда банд бўлган ишловчилар сони, минг киши		54,0	36,0	42,0	36,0	35,0
Бир киши ҳисоби-га	Экин майдони, га	1,5	2,3	1,9	2,2	1,8
	Пахта ишлаб чиқариш, т,	4,2	6,4	5,7	5,2	4,6

Республикамизда пахтадан паст ҳосилдорлик кўрсаткичларига эга бўлган, унумдорлиги паст, сув таъминоти ёмон бўлган пахта экин майдонлари миқдорини оптималлаштириш тадбирлари амалга оширилиши натижасида Наманган вилоятида ҳам 2014-2017 йилларда пахта экин майдонлари сезиларли камайганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, биргина Мингбулоқ туманида 2018 йилда 2014 йилга нисбатан пахта экин майдони 80,4 фоизга ёки 3140 гектарга камайган (2.6-жадвал).

³⁰ Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

2.6-жадвал.

**Наманган вилоятида пахта экин майдонлари миқдори
ўзгариши динамикаси³¹**

(гектар)

Туманлар номи	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2018 йилда 2014 йилга нисбатан, %
Мингбулоқ	16056	16056	15906	15906	12916	80,4
Косонсой	5904	5904	5604	5234	3955	67,0
Наманган	6650	6650	6500	6200	6050	91,0
Норин	6575	6575	6575	6575	6338	96,4
Поп	14482	14482	14132	13932	10302	71,1
Тўрақўрғон	6158	6158	5858	5608	4869	79,1
Уйчи	7089	7089	7039	7039	6269	88,4
Учқўрғон	10336	10336	10336	9836	9836	95,2
Чортоқ	1800	1800	1800	1750	1067	59,3
Чуст	7550	7550	7150	6820	4004	53,0
Вилоят бўйича	82600	82600	80900	78900	65606	79,4

Вилоятда энг кўп пахта етиштирувчи туманлардан бири бўлган Поп туманида ҳам 2014 йилда 14,5 минг гектар пахта майдони бўлган бўлса, 2018 йилга келиб бу кўрсаткич 10,3 минг гектарни ташкил этган, яъни 71,1 фоизга пасайган. Мингбулоқ ва Поп туманларида пахта экин майдонлари тупроғининг шўрлашиш даражаси юқори ҳисобланади. Вилоят бўйича пахта экин майдони 2014 йилда 82,6 минг гектар бўлса, 2015 йилда 82,6 минг гектар, 2018 йилда эса 65,6 минг гектарни ташкил этган. Айти пайтда сўнгги 5 йил давомида Наманган вилояти бўйича пахта экин майдонлари миқдори 82600 гектардан (2014 йил), 65606 гектарга

³¹Наманагн вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

тушиб қолган ва камайиш 16994 гектарни ёки 20,6 фоизни ташкил қилган.

Тадқиқотлар кўрсатишича Наманган вилояти туманлари бўйича пахта ҳосилдорлиги 2014-2018 йиллар давомида камайиб борган. Жумладан, вилоят бўйича 2018 йилда 2014 йилга нисбатан ҳосилдорлик 87,8 фоизга камайган (2.7-жадвал).

2.7-жадвал.

Наманган вилоятида пахта ҳосилдорлиги даражаси ўзгариши динамикаси³²

Туманлар	Йиллар бўйича ҳосилдорлик даражаси %					2018 йилда 2014 йилга нисбатан, (%)
	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	
Мингбулоқ	23,0	22,3	22,5	23,1	25,1	109,1
Косонсой	25,0	25,1	25,3	16,5	17,1	68,4
Наманган	36,4	34,5	33,3	33,7	27,5	75,5
Норин	32,7	32,0	32,7	27,0	24,0	73,4
Поп	20,8	22,1	23,1	18,9	21,6	103,8
Тўрақўрғон	32,8	33,9	33,0	25,2	26,2	79,9
Уйчи	35,0	33,9	33,0	26,6	24,6	70,3
Учқўрғон	34,1	33,6	33,0	26,7	24,0	70,4
Чортоқ	29,6	29,1	28,8	29,2	32,0	108,1
Чуст	22,5	25,0	24,5	22,9	30,3	134,7
Вилоят бўйича	27,9	27,9	27,8	24,1	24,5	87,8

Вилоятнинг баъзи туманларида пахта ҳосилдорлиги ортган бўлиб, энг юқори ўсиш Чуст туманида кузатилган. Яъни, ушбу туманда пахта ҳосилдорлиги сўнгги 5 йилда 134,7 фоизга ортган бўлса, Мингбулоқ ва Поп туманларида 2018 йилда 2014 йилга нисбатан ҳосилдорлик мос равишда 109,1 ва 103,8 фоизга

³² Наманган вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

ошганлиги кузатилган. Аммо, кўпчилик туманларда пахта ҳосилдорлиги пасайиши туфайли вилоят бўйича ҳам ҳам ўртача ҳосилдорлик пасайишига олиб келган. Хусусан, энг юқори пасайиш Косонсой туманида содир бўлган. Туманда 2014 йилда ҳосилдорлик 25,0 центнер, 2015 йилда 25,1 центнерга камайган бўлса, 2018 йилга келиб эса ҳосилдорлик 17,1 центнерни ташкил этган.

Таҳлиллар кўрсатишича, Наманган вилоятида пахтачилик йўналишидаги фермер хўжаликларининг ўртача экин майдонлари миқдори 50 гектар атрофида бўлиши мақсадга мувофиқ. Бу вилоят шароитида ердан, моддий-техника воситаларидан самарали фойдаланиш ҳамда молиявий жиҳатидан ўзларини таъминлай олишлари учун мақбул миқдор деб ҳисоблаймиз. Чунки 2018 йилда амалга оширилган мақбуллаштириш натижасида ўртача экин майдони камайиши хўжаликларнинг молиявий аҳволи ёмонлашувининг сабабларидан бири бўлиши ҳам мумкин.

Вилоят бўйича бўйича 2014 йилга келиб 1 тонна пахта хом ашёсидан 56 минг сўм ва 1 га пахта майдонидан 156 минг сўм фойда олинган бўлса, 2018 йилга келиб, 1 тонна маҳсулот ҳисобидан 192 минг сўм, 1 гектар экин майдони ҳисобидан 472 минг сўм фойда билан яқунланган. Рентабеллик даражаси эса, 2018 йилда 2014 йилга нисбатан 7,1 фоиздан 6,0 фоизга тушиб кетган (2.8-жадвал).

2.8-жадвал.

**Наманган вилоятида пахта етиштириш асосий молиявий
кўрсаткичлари таҳлили³³**

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	йиллар бўйича					2018 йилда 2014 йилга нисбатан, %
	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	
Бир тонна маҳсулот ўртача таннархи	781	816	925	1971	3219	412,2
Бир тонна маҳсулот ўртача сотиш баҳоси	837	875	953	1828	3411	407,5
Бир тонна маҳсулот ҳисобидан фойда (+); зарар (-)	+56	+59	+28	-143	+192	342,9
Бир гектар майдонга жами харажат	2174	2275	3265	4749	7884	362,6
Бир гектар майдонга жами даромад	2330	2441	3342	4405	8356	358,6
Бир га экин майдони ҳисобидан фойда (+); зарар (-)	156	166	77	-344	+472	302,6
Пахта ишлаб чиқариш рентабеллиги	7,1	7,2	7	-7,2	6,0	- 1,1 пункт

Вилоят бўйича 2014 йилда 1 тонна пахта хом ашёсининг таннархи 781 минг сўмни 2018 йилда 3 миллион 219 минг сўмни ташкил этган бўлса, уларнинг сотиш баҳоси мос равишда 837 ва 3 миллион 411 минг минг сўмни ташкил эган. Пахта хомашёси таннархи 2018 йилда 2014 йилга нисбатан 412,2 фоизга ошган.

Вилоятда таҳлил қилинган 2014-2018 йилларда энг паст кўрсаткич 2017 йилга тўғри келган. Хусусан, 2017 йилда пахта

³³ Наманган вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

ишлаб чиқариш рентабеллиги -7,2 фоиз бўлиб, аксарият туманлар йилни пахтачилик соҳасида зарар билан якунланган. Вилоят бўйича бир гектар пахта экин майдони хисобидан 344 минг сўм, 1 тонна маҳсулотни сотишдан эса 143 минг сўм зарар кўрилган.

Пахта етиштириш харажатлари таркибида минерал ўғитлар нархи юқорилиги пахта таннархи ошишига олиб келган. (2.9-жадвал).

2.9-жадвал.

Наманган вилоятида 1 тонна пахта хом ашёсини етиштиришнинг молиявий кўрсаткичлари таҳлили³⁴

(минг сўм)

Туманлар номи	2015 йил			2016 йил			2017 йил			2018 йил		
	1 тонна маҳсулот таннархи	1 тонна маҳсулот сотиш баҳоси	Фойда (+), Зарар (-)	1 тонна маҳсулот таннархи	1 тонна маҳсулот сотиш баҳоси	Фойда (+), Зарар (-)	1 тонна маҳсулот таннархи	1 тонна маҳсулот сотиш баҳоси	Фойда (+), Зарар (-)	1 тонна маҳсулот таннархи	1 тонна маҳсулот сотиш баҳоси	Фойда (+), Зарар (-)
Мингбулоқ	941	1046	105	1251	1365	114	1966	1795	-171	2949	3362	413
Косонсой	674	675	1	789	792	3	2135	1907	-228	4140	3370	-770
Наманган	898	982	84	992	1023	31	1739	1812	73	2979	3429	450
Норин	847	918	71	936	1021	85	1897	1707	-190	3135	3408	273
Поп	757	814	57	869	958	89	2207	1851	-356	3228	3386	158
Тўрақўрғон	804	843	39	823	845	22	2169	1873	-296	3680	3428	-252
Уйчи	829	940	111	876	986	110	1882	1876	-6	3511	3397	-114
Учқўрғон	713	746	33	742	781	39	1911	1851	-60	2988	3499	511
Чортоқ	878	879	1	901	904	3	1883	1807	-76	2998	3247	249
Чуст	823	825	2	832	845	13	1949	1854	-95	3493	3466	-27
Ўртача	816	875	59	901	952	51	1971	1828	-143	3219	3411	192

Мингбулоқ туманида 2017 йилда 1 тонна пахтадан 171 минг сўм зарар кўрган. Лекин, бу кўрсаткич бошқа йилларда, жумладан 2015 йилда 105 минг сўмни, 2018 йилга келиб 413 минг сўмни

³⁴ Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

ташкил этган эди. Бундан кўриниб турибдики, туманда пахтачилик соҳасида амалага ошириладиган ишлар бир текисда олиб борилмаяпти. Бундай ҳолатни вилоятнинг бошқа туманларида ҳам кузатиш мумкин. Косонсой туманида ҳам 2018 йилда бир тонна пахта хом ашёсидан 770 минг сўм зарар кўрилган, 2016 йилда пахтачиликда олиб борилган ишлар натижасида бир тоннадан 3 минг сўм фойда олишга эришилган.

Вилоятда 2018 йилда Чортоқ туманида 1 тонна пахтадан 249 минг сўм фойда олишга эришган. Уйчи туманда 2015-2016 йилларда фойда мос равишда 111 ҳамда 110 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2018 йида 114 минг сўмга пасайиш кузатилган. Шунингдек, Косонсой, Тўрақўрғон ва Чуст туманларида 2018 йилда 1 тонна пахта сотишдан зарар билан якунланган. Ушбу туманларда сўнги 2 йилда пахта сотиш зарар билан якунланганлиги туманда ушбу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни ўз вақтида сифатли амалга ошириш лозимлигини кўрсатади.

Таҳлил қилинган 2016-2018 йилларда вилоятдаги фақат Наманган туманида 1 тонна пахта хом ашёсини сотишда фойда олишга эришилган. Шунга қарамасдан вилоят бўйича ушбу кўрсаткич фақат 2017 йилда зарар билан якунланган.

Наманган вилоятида ер майдонлари, тупроқнинг экологик ҳолати, унинг унумдорлиги, меҳнат ресурслари ва иқлим шароити турли хил бўлган Уйчи, Косонсой ва Поп туманларида пахта хомашёси етиштириш ҳаражатлари таҳлил қилинди. Бунда туманларда 2018 йилда бир тонна пахта хом ашёсини етиштириш

учун сарфланган моддий ва меҳнат харажатларининг ўзгариши ўрганилди (2.10-жадвал).

2.10-жадвал.

Наманган вилояти Уйчи, Косонсой ва Поп туманларида бир тонна пахта етиштириш харажатлари таркиби³⁵ (2018 йил ҳолатига)

Кўрсаткичлар	Уйчи тумани		Поп тумани		Косонсой тумани		Уйчини Попга фарқи (+,-)	Уйчини Косонсойга фарқи (+,-)
	Бир тонна пахта таннархи, минг сўм	харажат турларининг улуши %	Бир тонна пахта таннархи, минг сўм	харажат турларининг улуши %	Бир тонна пахта таннархи, минг сўм	харажат турларининг улуши %	Бир тонна пахта таннархи	Бир тонна пахта таннархи
Иш хақи	1255	36	1156	36	1261	30	-99	6
Уруғлик	114	3	169	5	209	5	55	95
Минерал ўғитлар	529	15	451	14	651	16	-78	122
Ўсимликни химоя қилиш	114	3	146	5	206	5	32	92
Механизация хизмати	309	9	305	9	310	7	-4	1
ЁММ	627	18	544	17	831	20	-83	204
СИУ хизмати	39	1	13	0	23	1	-26	-16
Ягона ер солиғи	40	1	47	1	96	2	7	56
Бошқа харажатлар	483	14	398	12	552	13	-85	69
Жами	3511	100	3228	100	4140	100	-283	629

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, бир тонна пахта хом ашёсининг таннархи 2018 йилда Уйчи, Поп ва Косонсой туманларида турли хил бўлган. Косонсой туманида пахта хомашёси таннархи таркибида иш хақи харажатлари салмоғи қолган туманларга қараганда паст бўлган, яъни 30 фоизни ташкил этган,¹

³⁵ Наманган вилояти Қишлоқ хўжалиги маълумотлари асосида тузилган.

тонна пахта хомашёсидаги меҳнат ҳақи миқдори 1261 минг сўмни ташкил этган. Поп туманида эса 1156 минг сўм, Уйчи туманида 1255 минг сўмдан иборат бўлганлигини кўриш мумкин.

Умуман олганда иш ҳақи сарфи салмоғи пахта таннархи таркибида таҳлил қилинаётган туманларда бошқа харажатларга нисбатан анча юқори. Бу эса пахтачилик тармоғида ишчилар моддий манфаатдорлигини таъминлаш даражаси юқори эканлигини кўрсатмоқда. Жумладан, бу кўрсаткич Уйчи туманида 36 фоиз, Поп туманида 36, Косонсой туманида 30 фоизни ташкил этган.

Ҳозирда пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида пахта хом ашёси етиштиришда уларнинг жойлашган ҳудудлари ҳам тупроқ унумдорлиги ва таркибига боғлиқ ҳолда пахта етиштириш самарадорлигига турли хил таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, Наманган вилояти Уйчи тумани адир зонасида жойлашган “Дилшод” фермер хўжалиги ва паст текислик зонасида жойлашган “Машҳура” фермер хўжалигида пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги таҳлили ушбу фикримизнинг яққол далили ҳисобланади (2.11-жадвал).

Пасттекисликда жойлашган “Машҳура” фермер хўжалигида 2015-2018 йилларда пахта ҳосилдорлиги “Дилшод” фермер хўжалигига қараганда юқори бўлган, 2015 йилда “Дилшод” фермер хўжалигида ҳосилдорлик 28,1 центнерни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич “Машҳура” фермер хўжалигида 35 центнерга тенг бўлган. Шунингдек, бир нафар ҳодимга тўғри келган йиллик ўртача иш ҳақи миқдори 2018 йилда “Дилшод” фермер хўжалигида 165000

сўмни, “Машҳура” фермер хўжалигида эса 172200 сўм ташкил этган.

2.11-жадвал.

Наманган вилояти Уйчи туманидаги пахтачилик фермер хўжаликларида маҳсулот етиштириш иқтисодий самарадорлиги³⁶

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	“Машҳура” фермер хўжалиги				“Дилшод” фермер хўжалиги				“Д” ф/х, “М” фермер хўжалигига нисбатан, %	
	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2015 йил	2018 йил
Пахта экин майдони, га	29	32	34	28	25,4	25,5	25,4	25,5	87,6	91,1
Ҳосилдорлик, ц/га	35	38	40,1	40,4	28,1	27,7	27,7	29,5	80,3	73,0
Ялпи ҳосил, (ц.)	1015	1216	1363, 4	1131, 2	713,7	706,4	703,6	752,3	70,3	66,5
Ишчилар сони, киши	27	28	29	26	13	12	11	12	48,1	46,2
Бир ишчига тўғри келувчи										
–экин майдони, га	1,1	1,1	1,2	1,1	1,9	2,1	2,3	2,1	146,0	144,1
–етиштирилган маҳсулот: кг	3759, 3	4342, 9	4701, 4	4350, 8	5490	5887	6396	6269	88,2	95,8
–ойлик иш ҳақи	13600 0	14200 0	15440 0	17220 0	1200 00	1350 00	1500 00	1650 00	110,1	98,5
Бир тонна маҳсулот таннархи	276	326	343	398	304	312	349	392	97,6	85,9
Бир тонна маҳсулот баҳоси	338	368	462	582	330	345	450	500	41,9	58,7
Бир тонна пахта хисобига, фойда	62	42	119	184	26	33	101	108	146,0	144,1
Рентабеллик, %	22,4	12,9	34,7	46,2	8,5	10,6	28,9	27,5	x	X
Бир га ҳисобига ресурс сарфи миқдори, кг:										
–уруғлик	36	35	40	42	40	40	40	40	66,6	66,6
–азотли ўғит	205	212	207	205	225	300	250	300	109,7	146,3
–фосфорли ўғит	75	80	120	110	150	280	200	200	200	181,2
–калийли ўғит	6	–	–	4	–	–	–	–	x	x
–маҳаллий ўғит	4570	5600	5000	4500	–	3500	4580	5000	x	111,1
–ёнилғи мойлаш материллари	200	200	280	250	170	240	170	160	85,0	64,0

³⁶ Фермер хўжаликлари маълумотлари асосида тузилган.

“Машхура” фермер хўжалигида солиштирилган фермер хўжалигига нисбатан ойлик иш ҳақи 2018 йилда 104,4 фоизга юқори бўлганлиги биринчи навбатда, фермер хўжалигида пахта ҳосилдорлиги юқори бўлиши натижасида ходимларни қўшимча иқтисодий рағбатлантириш имконияти туғилган.

Лекин, фермер хўжаликларида пахтачилик тармоғи иқтисодий самарадорлигини оширишга ва хўжаликларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган тадбирлар қаторида фермер хўжаликлари экин майдонларида фақат давлат буюртмасига пахта ва ғалла етиштириш билангина чегараланиб қолиши ва уларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш имкониятларидан паст даражада фойдаланилаётганлиги сабабли экин майдонлари таркибида кўпроқ фойда келтирувчи экинларни ҳам жойлаштиришга эътибор қаратишни тақозо қилади.

Шунингдек, пахтачилик фермер хўжаликларида қўшимча тармоқларни ташкил қилиш ҳисобига хўжаликларнинг даромадлилик даражасини ошириб бориш мумкин. Аммо, шу билан бирга фермер хўжаликларининг иқтисодий барқарор ва самарали фаолият юритишлари учун қўшимча тармоқлар фаолиятини ташкил қилишнинг иқтисодий самарадорлик жиҳатларини ҳам эътиборга олиш лозим.

Иқтисодий самарадорлик жиҳатидан фермер хўжалигида қўшимча тармоқларни асосий тармоқ билан узвий боғлиқ ҳолда ташкил этиладиган йўналишларга устуворлик бериш, фермер хўжаликларида кўп тармоқли фаолиятнинг иқтисодий самарадорлигини белгилайди. Чунки бу ҳолатда – асосий тармоқ

билан боғлиқ ҳолда ишлаб чиқариш йўналишларини ташкил қилаётган фермер хўжаликлари, арзон ва барқарор хом ашё базасига, технологик жараёндан хабардор ходимларга эга бўлади.

Бугунги кунда пахтачилик тармоғида муҳим масалалардан бири бу чигит экиш жараёни бўлиб, бу борада тежамкорлик масаласи ўта долзарб ҳисобланади. Масалан, пахта етиштирувчи Исроил, Хитой, АҚШ давлатларида ўртача бир гектарга 10-15 кг чигит экаётган бир вақтда бизда 45-50 кг чигит сарф этилмоқда. Бу эса ушбу йўналишда ресурстежамкор технологиялардан фойдаланиш зарурати долзарблаштиради.

Таҳлиллар кўрсатишича, 2018 йилги мавсумда ресурстежамкор технологиялардан бири бўлган Францияда ишлаб чиқарилган “Kuhn 8M” сеялкадан Наманган вилояти Мингбулоқ туманида фойдаланилган бўлиб, бунда тежамкорлик яққол намоён бўлган.

Мингбулоқ тумани Навоий МТП “Бусолиҳа Отабоева” фермер хўжалигида “Kuhn 8M” сеялкадан қўллаш бўйича маълумотлар ўрганиб чиқилганда, ушбу фермер хўжалигида жами 30 гектар пахта майдони бўлиб, ҳосилдорлик 26,7 центнерни ташкил этган. Хўжаликда анъанавий чигит экиш технологиясидан фойдаланганда 1 гектарга уруғлик сарфи 45 килограммни ташкил этган. Тежамкор технологиядан фойдаланиш натижасида уруғ сарфи 1 гектар майдон учун 25 кг бўлган. Бу эса қўшимча 1 гектар пахта майдонидан 20 (45-25) кг ёки 120000 (20*6000) сўмлик уруғлик чигитини иқтисод қилиш имконини берган. Шу билан бир қаторда 1 гектар майдонга ёқилғи сарфи ҳам 3,5 литрга камайган. “Бусолиҳа Отабоева” фермер хўжалигида тежамкор “Kuhn 8M”

сеялкасидан фойдаланиш натижасида 8 410 500 сўм харажат тежаб қолинган (2.12-жадвал).

2.12-жадвал.

Мингбулоқ туманида “Азамжон ўғли Азамат” ҳамда “Бусолиҳа Отабоев” фермер хўжаликларида чигит экишда тежамкор технология самараси³⁷ (2018 йил)

Кўрсаткичлар	“Азамжон ўғли Азамат” ф/х	“Бусолиҳа Отабоева” ф/х	Тежамкор технология ҳисобига фермер хўжалиги ихтиёрида қоладиган моддий ва молиявий ресурслар
	Анъанавий технология	Тежамкор технология	
Пахта майдони, га	30	30	0
Ҳосилдорлик, ц/га	25,0	26,7	1,7
Бир га майдонга уруғ сарфи, кг	45	25	20
Бир кг уруғни сотиб олиш баҳоси, сўм	6000	6000	0
Бир га пахта майдонига уруғлик харажати, сўм	270 000	150 000	120 000
Бир га майдонга ёқилғи миқдори, литр	7	2,5	4,5
Бир га майдонга ёқилғи сарфи, сўм	30 100	10 750	19 350
Бир га майдонга чигит экишда иш ҳақи сарфи, сўм	140 000	140 000	0
Бир га майдон ҳисобига жами харажатлар, сўм	440 100	165 750	274 350
Хўжаликнинг жами харажатлари, сўм	13 203 000	4 972 500	8 410 500
Бир соатда иш унуми, га	1	3	2
Уруғ экиш муддати, кун	3	1	2

Бу фақатгина уруғлик билан боғлиқ сарф харажатларнинг ҳисоб-китоби бўлиб, фермер хўжалиги экин майдонларига ортиқча экилган чигит ҳисобидан униб чиққан ғўза ниҳолларини ягана қилиш билан боғлиқ сарф-харажатларни ҳам қўшадиган бўлсак, тежаб қолинган маблағлар миқдори янада ортиб боради. Шу билан

³⁷ Фермер хўжаликлари маълумотлари асосида тузилган.

биргаликда ортиқча сарф қилинган уруғлик чигитдан республикамиз миқёсида олиниши мумкин бўлган турли маҳсулотларни (пахта ёғи, совун, чорва моллари учун омукта емлар) ҳам эътиборга оладиган бўлсак тежамкорликнинг аҳамияти янада яққоллашади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 январдаги “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шаклларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 53-сон қарори асосида Наманган вилояти Учкўрғон туманида Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришининг ташкилотчилари сифатида “Textile Finance Namangan” МЧЖ ХКга 9 836 гектар майдонда пахтачилик кластери ташкил этилган. Ушбу ҳудудда 2018 йил мавсумида пахта ҳосилини терим машинасида териш бўйича ҳам бир қатор самарали ишлар амалга оширилган. Жумладан, Америкада ишлаб чиқарилган, юқори самарадорли – “John Deere CP690” пахта комбайнлари билан ҳосил йиғиб олинган. Ушбу пахта териш машинаси 6 қаторлик агрегат кунига 25-30 гектар майдонда 80-100 тоннагача пахта териш имкониятга эга бўлиб, 2018 йилда Учкўрғон тумани Қўғай МТП ҳудудида пахта ҳосилини йиғиб олишда фойдаланилган (2.13-жадвал).

Биз таҳлил жараёнида ушбу ҳудудда жойлашган “Азизбобо” ҳамда “Бободехқон” фермер хўжалигида пахта ҳосилини йиғиштириб олиш жараёнини ўргандик. “Бободехқон” фермер хўжалиги жами 29 гектар майдонга пахта экилган бўлиб, ҳосилдорлик 32 центнерни ташкил этади. Жами пахта ҳосили 92 800 кг, John Deere CP 690 пахта териш машинасидан

фойдаланилганда 29 гектар майдондаги пахта ҳосилини бир кунда йиғиштириб олган, “Азизбобо” фермер хўжалигида жами 31 гектар пахта майдони бўлиб, жами ҳосил 93 000 кг ни ташкил этган.

2.13-жадвал.

Учқўрғон тумани “Азизбобо” ҳамда “Бободехқон” фермер хўжаликларида ҳосилни йиғиб олишда ресурслар тежамкорлиги таққослама таҳлили³⁸ (2018 йил)

№	Кўрсаткичлар	“Азизбобо” ф/х	“Бободехқон” ф/х	Фарқи, (+,-)
		Анъанавий технология	тежамкор технология	
1.	Пахта майдони, га	31	29	-2
2.	Ҳосилдорлик, ц/га	30	32	2
3.	Жами маҳсулот, кг	93 000	92 800	-200
4.	Теримчилар сони, киши	31	1	-30
5.	Бир соатлик иш унуми, га	0,9	3	2,1
6.	пахта ҳосилини йиғиштириб олиш муддати, киши/кун	32	1	-31
7.	Бир кунлик пахта ҳосилини йиғиштириш миқдори, кг	2 914	92 800	89 886
8.	1 кг пахта учун тўланадиган ўртача наرخ, сўм	833	400	-433
9.	Бир кунлик пахта ҳосилини йиғиштириб олиш жами харажати. (сўм). Шундан:	2 746 762	38 494 000	35 852 861
9.1.	нефт маҳсулотлари, сўм	—	180 600	180 600
9.2.	озик–овқат харажатлари, сўм	201 500	19 500	-182 000
9.3.	транспорт (ишчиларни ташиш учун) харажати, сўм	62 000	—	-62 000
9.4.	бошқа харажатлар (пахтани пунктга ташиш харажати), сўм	55 900	1 173 900	1 118 000
10.	Жами майдон учун ҳосилни йиғиб олиш харажатлари (6*9), сўм	87896384	38494000	-49 402384

Ушбу пахта ҳосилини қўл терими асосида терилганда 31 нафар теримчи ўртача 94 кг дан терганда 1 кунда 2914кг (31*94)ни

³⁸ Фермер хўжаликлари маълумотлари асосида тузилган.

ташкил этган. Умумий ҳосилни йиғиштириб олиш учун 32 кун (93000/2914) керак бўлади.

Бу ўз навбатида фермер хўжалигига умумий харажатларни камайтиришга ёрдам беради. Масалан, қўл теримида 31 нафар ишчини кунлик умумий харажати 2 746 762 сўмни ташкил этади. Яъни теримчиларни бир кунда транспорт харажатининг ўзига 62000 сўм, озиқ-овқат учун 201 500 сўм харажат қилади. Фермер хўжалиги 31 гектар майдондаги 93 000 кг пахта ҳосилини териб олиш учун жами 87 896 384 сўм харажат қилса, машина теримида деярли шунча ҳосилни 38 494 000 сўм харажат қилган. Умумий харажат 49 402 384 сўмга камайган.

2.2. Пахтачилик тармоғининг моддий-техник ресурслар билан таъминланганлиги ва улардан фойдаланишнинг ҳозирги аҳволи

Пахтачилик тармоғининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ресурслар таъминоти тизимида бозор тамойилларини жорий этиш йўналишида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар тобора чуқурлашмоқда. Бинобарин, қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида аграр тармоқда кўп укладли иқтисодни ривожланиши ва тармоқда хусусий мулкчиликка асосланган хўжалик юритиш субъектлари пайдо бўлиши шунга мос равишда моддий-техник таъминоти механизмини шакллантириш заруриятини келтириб чиқарди.

Фермер хўжаликларини моддий-техник ресурслар билан таъминлашнинг марказлашган усули ўрнида эркин, яъни бозор иқтисодиёти талаблари асосида фаолият юритувчи янги тизимни

босқичма-босқич жорий этиш пахтачилик тармоғида ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади ҳисобланади. Аммо, шу билан биргаликда пахтачилик билан шуғулланувчи фермер хўжаликларини моддий-техник ресурслар билан таъминлашда, хусусан нефт маҳсулотлари, минерал ўғитлар билан таъминлаш борасида тизимнинг самарадорлиги фермер хўжаликларининг ривожланиши учун етарли эмас.

Жумладан, давлат буюртмаси доирасида маҳсулот ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликларини ресурслар билан таъминлаш эркин бозор тамойилига жавоб бермасида, ресурслар тақчиллиги шароитида мақбул усул ҳисобланади. Айни пайтда давлат буюртмасидан ташқарида бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар фермер ва айниқса деҳқон хўжаликлари мазкур тизимга киритилмаганлиги, ресурсларни эркин сотиш тизими ривожланмаганлиги, асосий ресурсларни сотиш билан шуғулланувчи биржалар фаолияти ҳам ресурсларни етарли миқдорда ва ўз вақтида сотиб олиш имкониятини чекламоқда. Аксарият ҳолларда ресурслар баҳолари ўта юқори бўлиб, бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун эркин бозорда маҳсулот сотиб етарли миқдордаги фойда олган ҳолда фаолият юритиш имконини бермайди.

Давлат эҳтиёжлари учун пахта ишлаб чиқариш мақсадларига сарфланадиган ресурсларни харид қилиш учун хизмат кўрсатувчи тижорат банклари орқали фермерларга ажратилаётган имтиёзли кредит маблағлари маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини кўпчилик ҳолларда қоплашга имкон бермайди. Шундай бўлсада

таъкидлаш лозимки, қатор ташкилий–ҳуқуқий ва иқтисодий омиллар фермер хўжаликларини ресурслар билан таъминот тизимида айниқса давлат буюртмаси учун маҳсулот етиштирувчи фермер хўжаликлари учун моддий-техника таъминоти тизимида тақсимот элементлари мавжуд бўлишини тақозо қилади, жумладан:

- қишлоқ хўжалигида нисбатан кўп фойдаланиладиган саноат маҳсулотлари нархларининг тез суръатларда ўсиб бориши ва аксарият фермер хўжаликлари молиявий ҳолатининг нобарқарорлиги, улар тўлов қобилиятининг пастлиги боисдан фермер хўжаликлари учун давлатнинг молиявий кўмаги талаб этилади;

- моддий-техника ресурслари бозорида рақобат муҳитининг шаклланмаганлиги ёки табиий монополист ташкилотлар фаолият юритиши, фермерлар учун ресурслар ишлаб чиқарувчи ҳамда етказиб берувчи соҳаларда монопол вазиятнинг сақланиб қолиши;

- пахта хом ашёсига давлат буюртмасининг сақланиб қолиши ва етиштирилган пахтанинг умумий ҳажмини давлат томонидан қатъий белгиланган ҳарид баҳолари асосида сотиб олиниши;

- асосий турдаги техника воситаларининг маънан эскирганлиги ва фермерлар томонидан янги турдаги самарадорлиги юқори бўлган техник воситаларни сотиб олиш имкониятлари етишмаслиги каби қатор омиллар пахтачилик тармоғини керакли ҳажмдаги нисбатан арзон баҳодаги ресурслар билан таъминлашда давлатнинг аралашувини талаб қилади.

Тадқиқотлар кўрсатишича Наманган вилоятида пахтачилик фермер хўжаликларини асосий турдаги техника воситалари билан

таъминлаш ҳолати йилдан йилга камайиш тенденциясига эга бўлган. Жумладан, Наманган вилояти Уйчи туманидаги пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг 2014-2018 йиллар мобайнида техника воситалари билан таъминот даражаси муттасил пасайиб борган (2.14-жадвал).

2.14-жадвал.

Наманган вилояти Уйчи тумани пахтачилик хўжаликларининг техника воситалари билан таъминоти ҳолати³⁹ (дона)

Техника турлари	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2018 йилда 2014 йилга нисбатан, (%)
Жами тракторлар:						
Ш,ж:	837	820	798	794	794	94,8
хайдоров тракторлари	51	53	44	42	38	74,5
транспорт тракторлари	534	517	506	507	508	95,1
чопиқ тракторлари	174	171	161	152	148	85,1
бошқа тракторлар	78	79	87	93	100	128,2
Жами қишлоқ хўжалиги машиналари	817	815	819	818	816	99,8
юклагич	13	13	12	12	14	107,6
омоч	36	35	55	56	52	144,4
пахта сеялкалари	81	78	76	75	74	91,3
ОВХ-28	27	27	25	25	26	96,2
ариқ қазувчи	14	14	14	14	14	100
ўғит сепгичлар	24	32	35	39	46	191,6
барана зигзак	452	452	444	444	444	98,2
культиваторлар	168	163	157	152	145	86,3
уруғ тозаллагич	2	1	1	1	1	50,0

Жадвал маълумотлари кўрсатишича 2018 йилда 2014 йилга нисбатан жами тракторлар сони 94,8 фоизга камайган. Хайдов тракторлари сони камайиб 74,5 фоизни ташкил қилган. Умуман олганда баъзи техника турларини эътиборга олмаганда, камайиш кузатилади. Техникалар сонидagi ўсиш бошқа тракторларида

³⁹ Уйчи тумани Статистика бўлими маълумотлари асосида тузилган.

(кузатилган йилларда 22 тага кўпайган) ва бошқа бир қанча қўшимча ишчи органлар сонида кузатилади.

Шу билан биргаликда фермер хўжаликлари ўлчами йириклашиши натижасида лизинг асосида техника сотиб олиш имконияти яхшиланиб бормоқда. Лекин, таъкидлаш лозимки, туман бўйича фермер хўжаликларида фойдаланиш учун яроқли бўлган бирорта ҳам пахта териш ва кўсак чувувчи машиналар мавжуд эмас (пахта-тўқимачилик кластерларини эътиборга олмаганда). Бу ҳолат пахтачиликда меҳнат унумдорлигини паст бўлишига сабаб бўлсада, бундай ҳолатга бизнингча аҳоли зич жойлашган ушбу ҳудудда меҳнат ресурслари ортиқчалиги, экин майдонларининг машина теримига мос эмаслиги (майдонларни лазерли планировка қилиш қимматлиги, ғўза қатор оралари турлича кенгликда экилиши каби, ғўза навларининг машина теримига яхши мослашмаганлиги) боисдан унуми ва нархи юқори бўлган комбайнлардан фойдаланишга фермерларда талаб камлиги сабаб бўлмоқда.

Умуман олганда сўнгги 5 йил мобайнида вилоятда пахтачилик фермер хўжаликларини техника воситалари билан таъминлаш ҳолати ёмонлашиб бормоқда. Бунда таъсир этувчи омиллар сифатида: техникалар нархи юқорилиги; фермер хўжаликларининг ер майдонлари кичиклиги ҳисобига бир хўжалик томонидан уларни сотиб олиб ишлатиш самарасиз эканлиги; хўжаликлар молиявий ҳолатининг заифлиги ва тўлов қобилиятининг пастлиги; техника воситаларини сотиб олиш учун ўрта ва узоқ муддатли (7-10 йил, яъни амортизация муддати давомийлигига) кредитлаш тизимини ривожланмаганлиги; лизингга бериладиган техника воситалари

турларининг чекланганлиги ва нархининг юқорилиги каби омилларни келтириш мумкин.

Пахтачилик фермер хўжаликларида мавжуд техника воситаларининг ўз хизмат муддатини ўтаб бўлганлиги, янгиларини унуми ва нархининг юқорилиги, фермер хўжаликлари тўлов қобилиятининг пастлиги, кўп агротехник тадбирларни бажариш учун қўшимча меҳнат ресурсларини жалб қилиниши, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришни самарасизлиги ва бошқа қатор омилларни пахтачиликда маҳсулот ишлаб чиқариш ва ҳосилни йиғиб олиш жараёнларининг механизациялашганлик даражаси паст бўлишини асосий сабаблар қилиб кўрсатиш мумкин.

Бугунги кунга келиб пахтачилик фермер хўжаликларида мавжуд бўлган техника воситаларининг ҳам аксарияти ўз хизмат муддатини ўтаб бўлганлиги пахта ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигига сезиларли салбий таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, Наманган вилояти Уйчи тумани пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини барча турдаги техника воситаларини хизмат муддатлари бўйича гуруҳлаш натижаларига кўра улардаги мавжуд тракторларнинг 88,8 фоизи, шу жумладан ҳайдов тракторларининг 44,7 фоизи, транспорт тракторларининг 96,3 фоизи, чопиқ тракторларининг 66,9 фоизи, бошқа тракторларнинг 100 фоизи, юклагичларда 85,7 фоиз, барча турдаги фермер хўжалик машиналарининг 66,9 фоизи ўз хизмат муддатини ўтаб бўлганлини маълум бўлди (2.15-жадвал).

Ушбу туманда пахтачилик учун 1 дона уруғ тозалагич 14 йилдан ортиқ муддат фойдаланиб келинмоқда, бундан ташқари

пахта сеялкалари 87,8 фоизи эскирган, яъни пахтачиликда қўлланиладиган асосий турдаги техника воситалари ва ёрдамчи мосламаларнинг аксарият қисми амортизация муддатини ўтаб бўлган, ремонтталаб ва натижада эксплуатация харажатлари юқори техникалардир.

2.15-жадвал.

Уйчи тумани пахтачилик фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик техника воситаларини хизмат муддатлари бўйича гуруҳи⁴⁰

(2018 йил, дона)

Техника турлари	Жами, дона	Хизмат муддатлари бўйича гуруҳлаш			
		1–10 йилгача		10 йилдан юқори	
		Сони	%	Сони	%
Жами тракторлар: Ш,ж:	794	89	11,2	705	88,8
хайдов тракторлари	38	21	55,3	17	44,7
транспорт тракторлари	508	19	3,7	489	96,3
чопиқ тракторлари	148	49	33,1	99	66,9
бошка тракторлар	100	–	0	100	100
Жами фермер хўжалиги машиналари	816	270	33,1	546	66,9
юклагич	14	2	14,3	12	85,7
омоч	52	7	13,5	45	86,5
пахта сеялкалари	74	9	12,2	65	87,8
ОВХ-28	26	14	53,8	12	46,2
арик қазувчи	14	14	100	0	0
ўғит сепгичлар	46	40	86,9	6	13,1
барана зигзак	444	160	36,0	284	64,0
культиваторлар	145	24	16,6	121	83,4
уруғ тозалагич	1	–	–	1	100

Хулоса қилганда, пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари техника парки жисмоний ва маънавий эскирган, эксплуатация харажатлари юқори, унуми паст бўлган техника

⁴⁰ Уйчи тумани техник назорат бўлими маълумотлари асосида тузилган.

воситаларини ишлатиш маҳсулот ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Маълумки, пахтадан мўл ҳосил олиш ва пировард натижада ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлиги юқори бўлиши минерал ўғитлар билан таъминлаш ва улардан фойдаланиш самарадорлиги даражасига бевосита боғлиқ. Монографик тадқиқотлар олиб борилган Наманган вилояти Уйчи тумани фермер хўжаликларида пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ҳудудларга ажратилган (2.1-расм).



2.1-расм. Наманган вилояти Уйчи тумани пахтачилик фермер хўжаликларини моддий-техник ресурслар билан таъминлаш ҳудудий тизими⁴¹

Туманда минерал ўғитлар тарқатиш бўйича 4 та шаҳобчага фермер хўжаликлари ҳудудий асосда бириктирилганлиги ҳам ўз

⁴¹ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

навбатида фермер хўжаликларини минерал ўғитлардан фойдаланиш самарасини оширади, Бироқ ҳозирда минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш борасида қилинаётган ишлар натижаси талабга жавоб бермайди. Бунда бир неча омилларни кўрсатиш мумкин. Булардан асосийси эса ҳозирда бу соҳа бўйича малакали мутахассислар етишмаслиги ҳисобланади. Бундан ташқари тумандаги фермер хўжаликларида 2016-2018 йилларда пахта етиштириш учун сарфланган минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлил қилинганда бу кўрсаткич 2016 йилда 1 кг ўғит ҳисобига олинган ҳосил 16,3 кг ёки 1 ц етиштирилган пахта ҳисобига сарфланган ўғит 6,1 кг ташкил қилган бўлса, 2018 йилга келиб бу кўрсаткичлар мос равишда 15,1 ва 6,6 кг ташкил этган (2.16-жадвал).

Айниқса калийли ўғитлар билан таъминот ва улардан фойдаланиш ҳолати талаб даражасида эмас. Жумладан, фермер хўжаликларига 2016 йилда талабга нисбатан 89,7 фоиз ўғит етказиб берилган бўлса, 2016 йилда 52,3 фоиз, 2018 йилда 56,8 фоиз кўрсаткич қайд этилган. Туманда фермер хўжаликларига сўнгги икки йил давомида калийли ўғитлар миқдори кескин пасайган. Масалан, 2016 йилда 1 гектар майдонга 25 кг солинган бўлса, 2018 йилга келиб 11 кг сарфланган бўлиб бу илмий асосланган меъёрларга нибатан атиги 10 фоизни ташкил қилади. Бу борада мутахассисларнинг фикрларини келтиришни жоиз топдик. Хусусан, "... таъкидлаш жоизки охириги йилларда олинган маълумотларга қараганда республиканинг суғориладиган тупроқларида ўсимлик ўзлаштира

оладиган калий миқдори камайиб бормоқда”⁴². Республикада минерал ўғитлар, айниқса, фосфорли ва калийли ўғитлар етишмаслиги, таъминот борасида хусусий корхоналар фаолият юритишини қийинлаштиради. Калийли ва фосфорли минерал ўғитларни тайёрлашда керак бўладиган хомашёнинг кўп қисми импорт қилиниши минерал ўғитлар баҳолари ошиб кетишига олиб келмоқда. Айни пайтда минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи саноат корхоналарининг молиявий аҳволи ҳам оғирлиги минерал ўғитларнинг етарли миқдорда ишлаб чиқарилишигина фермер хўжаликлари учун муаммо бўлмасдан, балки унинг бозор баҳоси ошиб бориши ҳам катта муаммога айланиши мумкин.

Чунки, 2017 йилда “Агрокимёҳимоя” АЖ нинг заводлардан қарздорлигини сўндириш учун Молия вазирлиги томонидан 1,68 трлн сўм миқдоридаги маблағ ажратилгани, шунингдек, “Агрокимёҳимоя” АЖ нинг ҳудудий бўлинмалари учун яна 354,6 млрд сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилганлиги масаланинг жиддийлигини ўзида акс эттиради. Шу билан бирга республикада ишлаб чиқарилаётган йиллик 639,6 минг тонна фосфорли ўғитлар республика қишлоқ хўжалигининг талабини фақатгина 25 фоизга қондириш мумкин. Республика бўйича 2018 йилда давлат буюртмаси учун пахта ва ғалла етиширишга ажратиладиган жами 7,28 трлн сўм кредит маблағларининг 28 фоизи (2 трлн сўм) фақатгина минерал ўғитлар харид қилиш учун йўналтирилиши белгиланган бўлса, шундан 59 фоизи (1,58 трлн сўм) пахта хом ашёси етиштиришга ажратилган.

⁴² http://www.cacilm.org/docs/Recommendation%20on%20improving-%20irrigated-%20land_uz.pdf

2.16–жадвал.

Наманган вилояти Уйчи тумани фермер хўжаликларида пахта етиштириш учун
минерал ўғит сарфининг таққослама таҳлили⁴³

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Фермер хўжаликлари									2018 йилни 2016 йилга фарқи (+,–)	
		2016 йил			2017 йил			2018 йил				
		Режа	Амалд а	(%)	Режа	Амалд а	(%)	Режа	Амалд а	(%)	Режа	Амалда
Экин майдони	га	7089	7089	100	7039	7039	100	6269	6269	100	–820	–820
Ҳосилдорлик	ц/га	33,9	33,9	100	33,0	26,6	80,6	31	25	80,6	–2,9	–7,9
Ялпи ҳосил	Т,	24003	24003	100	23229	18718	80,6	19433	15672	80,6	–774	–5285
Жами минерал ўғитлар сарфи	Т,	3795	4213	111,0	2661	2830	106,4	2435	2435	100	–4570	–8331
–1 кг ўғит ҳисобига олинган ҳосил	кг	16,3	15,4	94,7	15,3	16,9	111,0	11,5	15,1	132,0	–4,8	–0,3
б) 1 центнер етиштирилган пахта ҳисобига ўғит сарфи	кг	6,1	6,5	106,2	6,6	5,9	90,1	8,7	6,6	75,8	2,6	0,1
Ш,ж, –Азотли ўғит жами	Т,	2753	2685	97,5	3085	3379	109,5	2089	2319	111,0	–664,0	–366
Шундан: а) 1 гектар ҳисобига	кг	388	379	97,6	435	477	109,5	297	329	111,0	–91,2	–49,3
б) 1 центнер етиштирилган пахта ҳисобига ўғит сарфи	кг	8,7	8,9	102,8	8,1	7,4	91,3	11,1	8,1	72,6	2,4	–0,9
в) 1 кг ўғит ҳисобига олинган ҳосил	кг	11,5	11,2	97,3	12,4	13,6	109,5	9,0	12,4	137,8	–2,5	1,2
–Фосфорли ўғит жами	Т,	975	844	86,6	598	765	127,9	440	436	99,1	–535,0	–408
Шундан: а) 1 гектар ҳисобига	кг	138	119	86,3	84	108	127,9	63	62	99,1	–75,5	–57,1
б) 1 центнер етиштирилган пахта ҳисобига ўғит сарфи	кг	4,1	3,5	85,8	2,4	3,1	127,9	1,9	2,3	123,0	–2,2	–1,2
в) 1 кг ўғит ҳисобига олинган ҳосил	кг	24,6	28,4	115,6	41,6	32,5	78,2	52,8	42,9	81,3	28,2	14,5
–Калийли ўғит жами	Т,	195	175	89,7	132	69	52,3	132	75	56,8	–63,0	–100,0
Шундан: а) 1 гектар ҳисобига	кг	28	25	88,2	19	10	52,3	19	11	56,8	–9,2	–14,0
б) 1 центнер етиштирилган пахта ҳисобига ўғит сарфи	кг	0,8	0,7	91,1	0,5	0,3	52,3	0,6	0,4	70,5	–0,2	–0,3
в) 1 кг ўғит ҳисобига олинган ҳосил	кг	123,1	137,2	111,4	188,5	360,6	191,3	176,0	249,6	141,8	52,9	112,4

⁴³ Уйчи туман қишлоқ хўжалиги бўлими маълумотлари асосида тузилган.

Шунинг учун ҳам кейинги йилларда фермер хўжаликлари томонидан минерал ўғитлардан фойдаланишни камайтириб, асосан маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш ҳисобига пахта етиштиришга ҳаракат қилинмоқда. Бу фермер хўжаликларининг молиявий аҳволини яхшилашга ҳам ёрдам бериши билан бирга экин майдонлари тупроқ унумдорлигини оширишдаги муҳим омил ҳисобланади.

Ҳозирда Наманган вилоятида 1 тонна пахта таннархи таркибида минерал ўғитлар сарфига 82 минг сўмдан 110 минг сўмгача миқдордаги маблағлар сарф қилинмоқда. Таҷрибалар тасдиқлашича органик ўғитлар тупроқнинг механик ва кимёвий хоссаларини яхшилайти, унумдорлиги ва микробиологик фаоллигини оширади.

Таҳлиллар кўрсатишича, Наманган вилояти Уйчи тумани бўйича пахтачиликда бир гектар экин майдонига сарфланган минерал ўғитлар 2018 йилда 2016 йилга нисбатан азот 49,3 кг га, фосфор ва калий ўғитлари эса мос равишда 57 ва 140 кг га камайган. Айниқса калий ўғит таъминоти жуда ёмон аҳволда (2.17-жадвал).

Бир гектар пахта майдонига 2016 йилда 28 кг калийли ўғит режалаштирилган бўлиб, амалда 25 кг сарфланган. Бу кўрсаткич 2017 йилда режага нисбатан 52 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилда эса 56 фоизга тенг бўлган. Минерал ўғитлар билан бундай даражадаги таъминот даражаси фермер хўжаликларида мавжуд бўлган пахта-ғалла навбатлаб экиш тизимида тупроқ унумдорлигига салбий таъсир кўрсатиб, пахта ҳосилдорлигининг

пасайиб кетишига олиб келаётган муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

2.17-жадвал.

Наманган вилояти Уйчи тумани пахтачилик фермер хўжаликларида бир гектар майдонга ўртача минерал ўғит сарфи⁴⁴

(кг)

Ўғит турлари	2016 йил			2017 йил			2018 йил			2018 йилда 2016 йилга нисбатан, (+,-)	
	режа	факт	%	режа	факт	%	режа	факт	%	режа	Факт
Азот	388	379	98	435	477	109	297	329	111,0	-91,2	-49,3
Фосфор	138	119	86	84	108	127	63	62	99,1	-75,5	-57,1
Калий	28	25	88	19	10	52	19	11	56	-9,2	-14,0
Жами	554	522	94	538	594	110	379	402	106	-175	-120

Уйчи туманида 2016 ва 2018 йилларда минерал ўғитларни етказиб бериш шахобчаларининг фаолиятини ўрганиш бўйича амалга оширилган таҳлиллар кўрсатишича, режага нисбатан барча шахобчалар бўйича ҳам анча кўп ўғит етказиб берилган.

Аммо, фақатгина 2017 йилда фермер хўжаликларида минерал ўғитлар етказиб бериш режаси ортиғи билан амалга оширилган. Жумладан, бу кўрсаткич 1-шаҳобчада 114 фоиз, 2-шаҳобчада 113, 3-шаҳобчада 105 ва 4-шаҳобчада 108 фозга режа бажарилган. Лекин, шунга қарамасдан фермер хўжаликларида калийли ўғит етказиб бериш режалари бажарилиши 4 та шахобчада ҳам пастлиги юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибди ҳамда ушбу минерал ўғит билан таъминлаш чораларини кўриш лозимлигини кўрсатади (2.18-жадвал).

⁴⁴ Уйчи тумани Статистика бўлими маълумотлари асосида тузилган.

2.18-жадвал.

**Наманган вилояти Уйчи тумани фермер хўжаликларда
худудлар бўйича пахтачиликда минерал ўғит сарфи таҳлили⁴⁵**

Ўғит тури	1–шаҳобча			2–шаҳобча			3–шаҳобча			4–шаҳобча		
	режа	факт	%	режа	факт	%	режа	факт	%	режа	факт	%
	2016 йил											
Азотли	561	531	95	882	864	98	587	572	97	723	718	99
Фосфорли	198	178	89	314	273	87	209	181	87	254	212	83
Калийли	40	24	60	48	68	142	48	39	81	59	44	75
Жами	799	733	92	1244	1205	97	844	792	94	1036	974	94
	2017 йил											
Азотли	647	741	115	957	1041	108	681	727	106	800	870	108
Фосфорли	123	164	133	191	251	131	131	164	125	153	186	121
Калийли	39	14	36	13	21	161	39	10	25	41	24	58
Жами	809	919	114	1161	1313	113	831	901	105	994	1080	108
	2018 йил											
Азотли	547	741	135	512	495	97	601	645	107	429	438	102
Фосфорли	78	74	95	138	142	103	105	99	94	119	121	102
Калийли	38	6	16	18	55	306	34	7	21	42	7	17
Жами	663	821	124	668	692	104	740	751	101	590	566	96

Наманган вилояти Уйчи туманидаги пахтачиликка ихтисослашган 16 та фермер хўжаликлари минерал ўғитлар сарфи қайтимини таҳлил қилиш мақсадида бир га пахта экин майдони ҳисобига ўғит сарфи ва уларни қайтими бўйича гуруҳланди (2.19-жадвал).

Таҳлил маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжаликларида минерал ўғитлар билан таъминланиш даражасига мутаносиб ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамжи ҳам ортиб борган. Бир килограмм азотли ўғит сарфи ҳисобига етиштирилган пахта, бир центнер пахта хом ашёси ҳисобига тўғри келадиган азотли ўғит ва бир гектар экин майдонидан олинган соф даромад

⁴⁵ Уйчи тумани фермер хўжаликларида ўтказилган монографик тадқиқот натижалари асосида тузилган.

гуруҳга ажратилган хўжаликларда барқарор тенденцияга эга бўлган.

Шунингдек таҳлиллар кўрсатишича, пахтачилик фермер хўжаликларида минерал ўғитларни мақбул нисбатларда қўлланилмаган. Ҳеч бир гуруҳдаги фермер хўжаликларида минерал ўғитлардан фойдаланишдаги илмий асосланган тавсияларга риоя этилмаган.

Бу эса амалда солинаётган ўғитларнинг самарасининг паст бўлишига сабаб бўлмоқда, минерал ўғитларни қўллашнинг мақбул нисбатларига амал қилмаслик охир оқибатда ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатади.

2.19-жадвал.

Наманган вилояти Уйчи тумани пахта етиштирувчи фермер хўжаликларида минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлиги⁴⁶ (2018 йил)

(соф ҳолда)

Кўрсаткичлар	Бир га майдонга азотли ўғитлар солиш бўйича			
	Фермерлар гуруҳи			
	I	II	III	IV
Гуруҳдаги хўжалиklar сони	4	5	3	4
Солинган минерал ўғитлар, кг/га	322	354	323	360
Шу жумладан: –азотли	251	260	256	280
–фосфорли	61	81	63	72
–калийли	10	13	4	8
Азотни фосфорга нисбати	1:0,24	1:0,31	1:0,25	1:0,26
Азотни калийга нисбати	1:0,04	1:0,05	1:0,015	1:0,03
Ўртача ҳосилдорлик, ц/га	32	33	31	29,6
1 кг азот ҳисобига олинган пахта, кг	12,8	11,8	12,4	10,9
1 ц пахта ҳисобига сарфланган азот, кг	7,8	8,5	8,1	9,1
1 га ердан олинган соф даромад, минг сўм	131	133	130	129

⁴⁶ Уйчи тумани Статистика бўлими маълумотлари асосида тузилган.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги экинларидан сифатли ва мўл ҳосил олиш кўп жиҳатдан сара ва керакли ҳажмдаги уруғлик материал билан таъминланишга боғлиқ. Шунини ҳисобга олиб, тадқиқот давомида пахта етиштирувчи фермер хўжалигини уруғлик материал билан таъминлаш бўйича 2014-2018 йиллар давомидаги ҳолати таҳлил қилинди (2.20-жадвал).

2.20-жадвал.

Уйчи тумани “Машҳура” фермер хўжалигида уруғлик билан таъминот ва ундан фойдаланиш самарадорлиги⁴⁷

Кўрсаткичлар	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2018 йилда 2014 йилга нисбатан, (%)
Пахта экин майдони, га	32	29	32	34	28	85
Ҳосилдорлик, ц/га	37	35	38	40,1	40,4	115
Ялпи ҳосил, тн	118	102	122	136	113	97
1 га уруғ сарфи, кг	40	36	35	40	42	110
1 кг уруғни сотиб олиш баҳоси, сўм	1140	1210	1280	1400	1600	150
1 кг уруғни олиб келиш харажатлари, сўм	38	44	52	60	65	186
1 кг уруғни экиш харажатлари, сўм	1178	1254	1332	1460	1665	152
1 кг уруғ ҳисобига олинган ҳосил, кг	92,2	97,7	108,9	100	96	104
Уруғлик харажатлари рентабеллиги, (%)	14	13	11	12	10	42

Таҳлиллар кўрсатишича Наманган вилояти Уйчи туманидаги “Машҳура” фермер хўжалигида бир гектар экин майдонга уруғлик сарфи 2014-2018 йилларда ўзгариб борган. Бундан ташқари таҳлил қилинаётган фермер хўжалигида 1 кг уруғ ҳисобига олинган ҳосил миқдорида ҳам йиллар давомида барқарорлик кузатилмайди.

⁴⁷ “Машҳура” фермер хўжалиги маълумотлари асосида тузилган.

Жумладан, 2014 йилда 92,2 кг бўлган бўлса, 2015-2017 йилларда бу кўрсаткич ортган, яъни 2015 йилда 97,7 кг, 2016 йилда эса 108,9 килограммни ташкил қилган, 2018 йилга келиб 96 килограммга пасайган. Фермер хўжалигида уруғлик материали баҳоси, уни олиб келиш ва экиш жараёнидаги харажатларнинг 2014 йилга нисбатан 2018 йилда юқорилиги транспорт харажатларининг юқорилиги билан изоҳланади.

Демак, бугунги кунда фермер хўжалигини уруғлик материал билан таъминлаш борасида муаммолар йўқ, лекин меъёрдан ортиқча фойдаланиш ҳолатлари кузатилади, Бунга қуйидаги ҳолатлар сабаб бўлмоқда:

- баҳорги об-ҳавонинг салқин ва ёғин-сочинли келиши сабабли катта майдонларда чигитни қайта экишга тўғри келаётганлиги;

- экиш техникаларининг техник носозлиги ёки конструкциялари талабга жавоб бермаслиги ва шунингдек уруғлик чигитнинг сифати пастлиги (унувчанлиги даражаси) туфайли ортиқча уруғлик чигит сарфларига олиб келаётганлиги;

- экин майдонларини экишга тайёрлашда илмий асосланган агротехник қоидаларга риоя қилиш имкониятлари пастлиги;

- уруғлик чигит сифатининг пастлиги натижасида фермер кўчат сони камайиб кетишидан ҳавотирланиб кўпроқ уруғ экиши одатга айланиб қолган.

Лекин, ҳозирги кунда уруғлик материаллари билан таъминлашнинг муаммо бўлмаётган бўлсада, уруғ сифатининг пастлиги, уруғлик тайёрлашда турли навларнинг аралашиб кетиши олдини олувчи ташкилий механизмлар талабларга жавоб

бермаслиги, ортиқча уруғлик сарфи каби ҳолатлар фермер учун салбий оқибатларга олиб келмоқда.

Пахтачиликнинг тараққиёти, тармоқ самарадорлиги ортиши, ресурслар сарфи ҳисобига кўпроқ маҳсулот етиштириш, экин майдонлари тупроқ унумдорлигини ошириб бориш ва юқори сифатли маҳсулот етиштириш учун ишлаб чиқариш жараёнида янги ресурс тежовчи технологияларга эътибор беришни тақозо қилади. Пахтачиликда ресурс тежамкор технология:

- биринчидан, маънан эскирган техникалар ўрнига самараси юқори бўлган техникалар билан фермер хўжаликларини куроллантириш ҳисобига тупроққа ишлов бериши жараёнидаги сарфларни тежаш;

- иккинчидан, сувни зарур вақтда ва керакли миқдорда берилишини таъминлайдиган сув тежовчи техника ва технологияларни жорий этиш орқали сув сарфини тежаш;

- учинчидан, пахта етиштиришдаги моддий-техник ресурслар (минерал ўғитлар, нефт маҳсулотлари, эҳтиёт қисмлар, уруғликлар каби) сарфини оптималлаштириш орқали харажатларни тежаш;

- тўртинчидан, пахта етиштириш жараёнида меҳнатни куроллантириш даражасини юксалтириш орқали кам унумли ва қиммат қўл кучини камайтириш орқали жонли меҳнат сарфини тежаш орқали амалга оширилиши лозим бўлади.

Пахта ишлаб чиқаришда ресурс тежовчи технологияларни қўллаш асосида тармоқни ривожлантириш, сарфланаётган ресурслар бирлиги ҳисобига олинаётган маҳсулот миқдорини

кўпайтириш кўп жиҳатдан ишчилар малакасига ва манфаатдорлик тизимига боғлиқ бўлади.

2.3. Пахтачиликда ресурс тежовчи технологияларни жорий этишдаги хорижий тажрибаларнинг аҳамиятли жиҳатлари

Таҳлиллар кўрсатишича иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатларда ялпи ички маҳсулот таркибида қишлоқ хўжалиги тармоғининг салмоғи ўртача 3-10 фоизни ташкил қилган бир пайтда, республикамизда бу кўрсаткич 1990 йилларда 40 фоиздан ортиқ бўлган. Мустақиллик йилларида мамлакат Ялпи ички маҳсулоти таркибида қишлоқ хўжалиги тармоғининг салмоғи муттасил камайиб борди ва 2018 йилда 32,0 фоизни ташкил қилди. Бу кўрсаткич одатда мамлакат иқтисодий ўсишининг аграр сектор ривожланишига боғлиқлиги даражасини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш соҳаларига инвестициялар жалб қилиш орқали қўшилган қиймат салмоғини ошириб боришга республикада катта аҳамият берилмоқда.

Бугунги кунда мамалакатимизда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш йўналишида кўплаб амалий тадбирлар олиб борилмоқда. Фермер хўжалиги иқтисодий жиҳатдан ривож топган мамлакатлар қишлоқ хўжалигида асосий турдаги хўжалик юритиш шакли ҳисобланади ва у узоқ давом этган тарихий жараёнда ўзининг бир қатор ижобий томонлари билан синовдан ўтган. Шунинг учун ривожланган хорижий мамалакатлардаги фермер

хўжаликлари тажрибаси мамалакатимиз учун муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, фермерлик ҳаракати йирик индустриал типдаги қишлоқ хўжалик корхонаси даражасигача ривож топган АҚШ қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликларини мулкӣ мақоми жиҳатидан 3 гуруҳга бўлиш мумкин бўлади: тўла мулкдорлар, қисман мулкдорлар ва ижарачи фермерлар. Мамлакатдаги 57,7 фоиз фермерлар (жами ерларнинг 31,3 фоизи) тўла мулкдорлар ҳисобланишса, 31 фоиз фермерлар (жами ерларнинг 55,7 фоизи) қисман мулкдорлари ҳисобланишади, 11,3 фоиз фермерлар эса (жами ерларнинг 13 фоизи) ижарачилардир.

Америка Қўшма Штатларида аграр ислохотларни олиб боришда энг аввало қўйидаги асосий вазифаларни ҳал этишга эътибор қаратилган:

- аграр секторнинг таркибини такомиллаштириш, ер ресурсларини хусусийлаштириш ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бозор шароитида самарали фаолият юритиши учун қулай макроиктисодий муҳит яратиш;

- бозор инфратузилмаси субъектларини ривожлантириш билан бирга агросаноат мажмуи соҳаларида хусусий мулк ривожи учун шарт–шароитларни кенгайтириш;

- бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришга йўналтирилган давлат кўмаги тизимини жорий этилганлиги фермерчилик ҳаракати учун кенг имкониятлар яратиб берган.

Америкалик фермерлар интенсив омиллар, қишлоқ хўжалик экинлари, жумладан пахта ишлаб чиқариш жараёнини механизациялаш ҳисобига меҳнат унумдорлигини ошириб ишлаб чиқариш ҳамда молиявий кўрсаткичларида ўсишга эришганлар.

Мамлакатда 2017 йилда фермер хўжаликлари сони 2 баробар қисқариб 2073 минг тани, уларнинг ер майдони ва ҳайдаладиган ерлари 2 баробар кўпайиб, мос равишда 200 ва 59 гектарни ташкил қилган. Фермерларнинг техник қуролланганлик даражаси 2 баробар ортиб, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш натижасида меҳнат унумдорлиги ортган.

Яна бир эътиборли жиҳати АҚШ да қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари товар айланмаси 1000 АҚШ долларидадан ошган ҳар қандай қишлоқ хўжалиги маҳсулот етиштирувчи субъект фермер хўжалиги сифатида қабул қиланади. Агарда товар айланмаси ушбу рақамдан кам бўладиган бўлса, бу ҳолда маҳсулот етиштирувчи субъект оддий томорқа хўжалиги (kitchen garden) сифатида талқин қилинди. Бунда фермер хўжалиги сифатида АҚШ Қишлоқ хўжалиги вазирлигида (USDA) рўйхатидан ўтган бўлса бўлди. Статистикага эътибор қаратадиган бўлсак, АҚШ нинг 90 фоиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сони жиҳатидан, 10 фоиз фермер хўжаликлари етиштириши, йирик хўжаликларнинг салмоғи юқорилигидан далолат беради.

Ўтган асрнинг 70 йилларида АҚШ фермерлари учун мамлакат ичкарасида ҳам, ташқи бозорда ҳам маҳсулотларни сотишда анча фойдали муҳит шаклланган. Шунинг учун шу йилларда фермерлар даромадининг йиллик ўсиши 15 фоизни ташкил қилган. Бу даврда

кўпгина фермер хўжаликларининг аввал фойдаланилмай келаётган ерлари ўзлаштирилган. Бу нафақат машина-трактор паркини янгилашни, балки кўп миқдорда минерал ўғитлар, пестицидлар сотиб олишни, маҳсулотни сақлаш, сотиш билан боғлиқ ва бошқа харажатлар қилишни талаб қилган.

АҚШда фермер хўжалигининг ўртача ўлчами 197 гектарни ташкил қилиб, фермерларнинг асосий қисми (85%) кичик ер майдонига эга бўлган хўжаликлар ҳисобланади (200 гектардан кичик). Жами фермер хўжаликларига тегишли ерларнинг 55 фоизидан ортиғини 3,6 фоиз салмоққа эга бўлган фермерлар томонидан ишлов берилиши таъкидланганидек ер майдонларининг юқори даражада концентрациялашувидан далолат беради.

Ишлаб чиқариш жараёнларининг энергия тежамкорлигини таъминлаш дунё олимлари ва мутахассислари олдида турган муҳим масалаларда бири бўлиб, бунда Россиялик олимлар мамлакатда энергия сарфи ўта юқорилигини (ривожланган давлатларга нисбатан), жумладан, маҳсулотнинг энергия сиғими ривожланган Ғарб давлатларига нисбатан 4-6 мартага юқорилиги таъкидланади. Яъни, Россияда бир гектар ҳайдаладиган ер майдонига 250-280 килограмм нефт маҳсулотлари сарф қилинса, бу кўрсаткич АҚШ да -140 килограммни ташкил қилади. Бунда эскирган техника ва технологиялардан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги техникаларининг ўз хизмат муддатларини (амортизация муддати) ўтаб бўлганлиги, техника воситаларига сервис хизматлари кўрсатиш субъектларининг моддий-техник аҳволи ва хизматлар кўрсатиш тизими талабларга жавоб бермаслиги каби муаммолар қишлоқ

хўжалигида ортиқча ресурс сарфига олиб келаётганлиги таъкидланади.

АҚШда фермерлик ҳаракатининг ривожланиш жараёни таҳлили шуни кўрсатадики, иқтисодий ўсиш ва молиявий барқарорликнинг гарови ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг интенсив омиллари саналган ер майдонлари концентрациялашуви, хўжаликларнинг ихтисослашуви ҳисобланади. Шу билан бирга фермерлар фаолиятини иқтисодий жиҳатдан давлат томонидан қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этган.

Бу ерда гап нафақат бевосита молиявий қўллаб-қувватлаш тўғрисида боради, балки давлат томонидан қўллаб-қувватлаш куйидаги йўналишларда амалга оширилган:

- кўпгина турдаги қишдоқ хўжалик маҳсулотлари нархини ушлаб туриш;
- фермер хўжаликларини имтиёзли кредитлаш;
- яйловлардан фойдаланганлиги учун тўловларни камайтириш;
- мажбурий суғуртанинг бир қисмини давлат томонидан тўланиши;
- илмий-тадқиқот, тажрибалар, ахборот таъминоти харажатларининг давлат томонидан қопланиши кабилар.

Пахтачилик соҳасида дунёдаги етакчи давлатлардан бири Бразилия сўнгги ўн йилликда иқтисодиётни ривожлантиришда дадил қадам ташлади. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича Бразилия дунёда биринчи ўнлик мамлакатлар қаторига киради ва дунёдаги экин экиладиган майдонларнинг бешдан бир қисмини

эгаллаган майдонда (60 миллион гектар) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилади.

Бразилия кофе, шакарқамиш ва апельсин ҳосилдорлиги бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллайди. Бу мамлакат мол гўшти, парранда гўшти ва соя ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчи учиқдан ўрин эгаллайди.

Бразилия мамлакати дунёда пахта толаси ишлаб чиқаришда биринчи олтилик мамлакатлар қаторига киради.

Пахта толаси дунёнинг 90 га яқин мамлакатларида етиштирилади ва 100 дан ортиқ мамлакатларда истеъмол қилинади. Истеъмол қилинадиган тўқимачилик толалари орасида пахта толаси 49 % ни ташкил этади.

Пахта толаси ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда Ўзбекистон ҳиссаси 4 % га тўғри келади. Ўзбекистон дунёда жами етиштирилаётган пахта толасини 2010 йилда қайта ишлаш даражаси 0,9 % бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йилда 1,56 %га ошган, 2017 йилда дунё пахта толасини истеъмолининг 32 % Хитойга, 24,6 % Ҳиндистонга, 9,8 % Покистонга ва 6,3 %и Туркия ҳиссасига тўғри келиб, 2010 йилга нисбатан Хитой ва Бразилиядан бошқа барча мамлакатларнинг улуши ошган (2.21-жадвал).

2.21-жадвал.**Жаҳонда пахта толаси ишлаб чиқариш ва ундан
фойдаланиш даражаси бўйича мамлакатлар улуши⁴⁸ (млн той⁴⁹)**

Мамлакатлар	2009/2010 йил		2016/2017 йил	
	Тола ишлабчиқар	Қайта ишлаш, %	Тола ишлабчиқариш	Қайта ишлаш, %
Дунёбўйича	117,3	100	101,5	100
Хитой	31	39,1	23,8	32,0
Ҳиндистон	27,2	17,4	28	24,6
АҚШ	12	3,3	12,9	3,54
Бразилия	9	3,6	6,5	3,3
Покистон	8,6	8,4	7,2	9,8
Ўзбекистон	4,2	1,0	3,7	1,5
Туркия	2,1	4,7	2,6	6,3
Бошқа мамлакатлар	26,4	22,5	17,05	25,2

Жаҳонда енгил саноатга ихтисослашган етакчи мамлакатлар орасида 2015 йилнинг ўзида ишлаб чиқарилган пахта толасидан фойдаланиш даражасини таҳлил қилганда Хитой қўшимча 5,3 млн, Покистон 2,3 млн, Туркия эса 3,5 млн той пахта импорт қилгани ҳолда. Ўзбекистон ўз пахтасининг 65 %ини экспорт қилади (2.22-жадвал).

Юқоридаги таҳлиллар енгил саноат тармоғини ривожлантириш бўйича жуда кенг хом ашё манбаларининг мамлакатда мавжудлиги ва унинг имкониятларидан самарали фойдаланиш ва қайта ишловчи корхоналарни пахта ресурсидан фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш ва унинг илмий-услубий асосларини яратиш муҳимлигини асосламоқда.

⁴⁸ Gary Adams. The Economic Outlook For U.S. Cotton 2013. USA.7-8 p www.agrecolchtrell.com

⁴⁹ 1,1 млн.той = 225-235 минг тонна.

**Жаҳон мамлакатларидаги пахта толаси бозорининг
баланс таҳлили (2017 йил)⁵⁰**

(минг той пахта ҳисобида)

Мамлакатлар номи	Ишлаб чиқариш	Экспорт	Импорт	Ўзида қайта ишлаш		Захира
				Бирлик	%	
АҚШ	12,9	9,4	–	3,54	27,4	0,04
Бразилия	6,5	4,2	–	3,3	50,8	1
Хитой	23,8	–	5,3	32,0	–	2,9
Ҳиндистон	28	4,8	–	24,6	87,9	
Покистон	7,2	–	2,3	9,8	–	0,3
Туркия	2,6	–	3,5	6,3	–	0,2
Ўзбекистон	3,7	2,3	–	1,5	40,5	

Экин майдонлари бўйича республикамиз кўрсаткичидан анча камроқ кўрсаткичга эга бўлсада, пахта ҳосилдорлиги 35-40 фоизга юрқорилиги пахта толаси етиштириш бўйича етакчи давлатлар қаторига киришига асос яратган.

Бразилиянинг пахтачилик фермерлари экин майдони 5-10, ҳатто 100 минг гектарни ташкил қилади. Фермерларга муҳитнинг экологик ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида ажратилган майдонларнинг 40-80 фоизида қишлоқ хўжалик экинлари экишга рухсат этилган, Уларда бир гектар майдонда ғўза парваришига, касаллик ва ҳашоратларга қарши курашда бир минг долларгача харажат қилинган.

Пахта майдонларида фермерлар оралик экинлари сифатида африка ўти-блокария, сорго билан ёки соя билан экилади. Оралик экинлар ҳисобига фермерлар 1-1,5 ой давомида чорва молларини боқади ва яна гербицид раундап далага сепилади, сўнгра 15 ноябрдан, 15 декабргача бўлган муддатда чигит ерга ишлов бермасдан экилади. Чунки Бразилияда 1500-2000 мм, октябр

⁵⁰ <http://www.cotton.org/econ/reports/upload/2016-Annual-Outlook.pdf>

ойидан то майгача, кучли ёмғир бўлади. Тупроқ эрозиясига қарши ерга “нулевой ишлов бериш” усулидан фойдаланишади.

Ёзги юқори ҳарорат (декабр, январ, феврал) $35-40^{\circ}$ даража (кундузлари), кечаси $24-26^{\circ}\text{C}$, қиш ойлари (июн-август) $+24+28^{\circ}\text{C}$ кундузи ва $18-20^{\circ}\text{C}$ (кечаси) бўлиши пахта етиштириш учун қулай шароит туғдиради.

Фермерлар чигитни 15 ноябрдан то 15 декабргача қаторлар ораси 90 см кенгликда, 8-қаторли сеялка ёрдамида гектарига 12-15 кг чигит сарф қилган ҳолда экишади. Кўп ҳолларда фермерлар уруғлик чигитни Америка Қўшма Штатларининг “Дельта-Пайн” компаниясидан харид қилишади.

Бир килограмм чигит баҳоси икки долларни ташкил этади, фермерлар Америка “Дельта Пайн” компаниясининг “Дельта опал” ғўза навини экишади ва ушбу нав Бразилияда жами майдонларнинг 60-80 фоизини эгаллайди, қолган 15-25 фоиз майдонга Америка қўшма штатларининг “Акала-90” нави экилади.

Бразилиянинг денгиз сатҳидан 1000 метр баландликда жойлашган экин майдонларида ушбу ғўза навлари ўсув даври – 180-220 кун, денгиз сатҳидан 500 метрдан камроқ ҳудудларда жойлашган қисмида ғўзанинг ўсув даври –160-180 кунни ташкил этади. Бу навлар жуда кечпишарлиги учун Ўзбекистон шароити учун унчалик тўғри келмайди.

Фермерлар ғўзанинг ўсув даврини қисқартириш мақсадида маъданли ўғитлар билан озиқлантиришни ўсимлик гуллаш бошланишигача ўтказади ва ҳар гектар майдонга азот 200-250, фосфор 100 ва калий 150 кг/га ишлатилади. Ғўзанинг ривожини

тезлаштириш мақсадида уч марта шоналаш даврида, гуллаш бошланиши ва тўлиқ гуллаш даврида ғўзага ПИКС моддаси сепилади. Ҳосил 60-65 фоиз очилганда “Деф” (бутифос) дефолианти билан дефолиация ўтказишади. Пахта ҳосилини 95-100% очилганда бир мартада “ДЖОН-ДИР” машинаси ёрдамида териб олинади.

Ўртача пахта ҳосили – 40-44 ц/га, Тола чиқиши – 38,5-40 фоиз, тола ҳосилдорлиги 1240-1600 кг/га ни ташкил этади. Пахта заводлари пахта етиштирувчи фермерлар ихтиёрида бўлганлиги боисдан тола чиқиши норматив кўрсаткичларга мос келади.

Бразилиялик селекционер олимларлар ўзларининг янги тезпишар навларини яратиш юзасидан бир қатор амалий иш олиб бомоқдалар. Бразилиянинг янги “BRS-269-BURITU”, “BRS-ARACA”, “FMC-701” каби навлари яратилган ва Бразилия ғўза навлари ўзида 5 фоиз майдонга экилмоқда (2.23-жадвал).

2.23-жадвал.

Бразилия селекцияси яратган ғўзанинг янги навлари⁵¹

Яратувчи ташкилот	Бразилия қишлоқ хўжалиги вазирлиги	
	Пахта навлари	
	BRS 269–Buriti	BRS Aroeira
Чоп этилган йил	2007	2007
Пахта ҳосилдорлиги; кг/га	4686	4464
Тола ҳосилдорлиги; кг/га	2083	1774
1чи кўсакни очилиши, (кун,)	120-125	115-120
1 кўсагнинг пахта оғирлиги, г,	4,5-5,5	5,5-6,5
Тола чиқими, %	39,5-41,0	36,5-38,0
Тола узунлиги, мм	29-32	29-32
Микронеёр	3,8-4,3	4,0-4,5
Оқлиги–Rd,%	76-81	74-79
Толани сариқлиги, +B	7,0-9,0	7,5-9,5

⁵¹ Р.С.Назаров. Бразилия пахтачилиги. -Тошкент -2007. -8 б.

Юқорида кўрсатилган Бразилиянинг ғўза навлари ҳосилдорлиги (4,3-4,6 тонна/га) билан ҳамда тола чиқиши (38,3-38,8%) ва тола ҳосили 1742-1923 кг/га бўлиши билан фарқ қилади. Бразилия навлари 144-146 кунда пишади Америка ғўза навларидан 25-40 кунга эртароқ пишиб етилиши билан ажралиб туради (2.24-жадвал).

Бразилияда яратилган ғўза навлари яратилгандан сўнг 15 та минтақа шароитида экиб синалади. Синовлардан муваффақиятли ўтган навлар нав оригинатори – институтда, элита уруғи баъзи ҳолатларда биринчи репродукция уруғлар ҳам институтда тайёрланади, уруғчилик компанияларига биринчи репродукцияли уруғлар берилади, компаниялар фермерларга иккинчи ва учинчи репродукцияли уруғларни етказиб беради.

Бразилия пахтачилигининг эътиборга лойиқ томонлари қуйидагилардан иборат деб ҳисоблаймиз:

- пахтачилик фермер хўжаликларида пахта ва чорвачилик маҳсулотлари комплекс ривожланиши, тупроқ унумдорлигини оширишни таъминламоқда, тупроқдаги гумус таркиби 4-5%, (бизда эса 0,75-0,90%);

- кучли ёмғир бўлишига қарамасдан (1500-2000 мм, октябр-май) тупроқ эрозияси кузатилмайди. Мавсумда Бразилияда 15-20 минг м³ ёғингарчилик бўлади (бу республикаимиз кўрсаткичларига нисбатан 5-10 минг м³ кўп);

- Бразилиялик олимлар яратган ғўза селекцияси навларини республикаимизда синаб кўриш бўйича ва уруғчилик тизи доирасида ҳамкорликни йўлга қўйиш лозим. Чунки Бразилия навларидаги

серхосиллик ва Ўзбекистон навларидаги тезпишарлик ва тола узунлиги бўйича устунлик селекция ва уруғчилик тизимида катта ютуқлар бериши мумкин;

2.24-жадвал.

Бразилия селекцияси яратган ғўзанинг янги навлари⁵²

Яратгувчи ташкилот	Бразилия қишлоқ хўжалиги вазирлиги	
	Пахта навлари	
	BAS ARACA	CNPA ITA-90
Жорий этилган йил	2007	2007
Пахта ҳосилдорлиги; кг/га	4615	4251
Тола ҳосилдорлиги; кг/га	1923	1742
Ўсимликни ўртача баландилиги, см,	112	134
1 чи қўсакни очилиши, (кун,)	144	114
1 дана қўсакда пахта оғирлиги, гр,	6,3	5,6
Тола чиқими, %	37,5–38,3	38,8
Тола узунлиги, мм	29,1	29,7
Микронейр кўрсаткичи	4,2	4,2
Оқлиги–Rd, %	75,1	77,3
Толанинг сариқлиги, +B	8,0	9,5

– Бразилияда элита ва биринчи репродукцияли уруғ тозалиги учун олимлар жавоб беради ва бу уруғларни ҳам ўзлари сотади. Олимлар уруғни тозаловчи асбоб-ускуналарга эга (бизда элита уруғи билан элита хўжаликлари шуғулланади ва уруғларни пахта заводлар сотади. Олимлар навларни яратадилар, элита хўжаликлари тозалайдилар, пахта заводлари қайта ишлов беради ва чигитни сотадилар).

Бразилияда эса нав тозалигига уруғни сотганлар жавоб берадилар. Бизнингча ушбу тизим Ўзбекистон учун ҳам фойдали ҳисобланади. Келажакда пахта тозалаш заводлари, селекционер

⁵² Р.С.Назаров. Бразилия пахтачилиги. -Тошкент -2007. -8 б.

олимлар ва уруғчилик фермер хўжаликлари иштирокидаги ассоциацияларда уруғ тайёрланиши лозим. Бу эса яхши самара беради.

Бундан ташқари, аграр ислохотлар макроиқтисодий ҳолатга ҳам боғлиқ бўлиб, мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш аграр ислохотларни самарали олиб бориш имконини беради. Шуларни ҳисобга олган ҳолда ривожланган давлатларда энг аввало аграр соҳанинг қонуний-ҳуқуқий асослари яратишга алоҳида эътибор қаратилади. Масалан, қишлоқ хўжалиги ривожланган давлатларидан бири Данияда тармоқнинг рамзий маънода «Конституцияси» ҳисобланган «Қишлоқ хўжалиги тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Ушбу қонуннинг мақсади—анъанавий деҳқончиликни ривожлантириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, шунингдек ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ерга эгалик қилиш, ижара муносабатлари, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш каби масалаларнинг қонуний асосларини мустаҳкамлашдан иборат.

Иқтисодиётда банд бўлганларнинг таркибида қишлоқ хўжалигида банд бўлганларнинг улуши индикатори бўйича таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ривожланган давлатларда бу кўрсаткич ўртача 3-5 фоизни, ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида 14 фоизни, Ўзбекистонда эса 25,1 фоизни ташкил этмоқда, Ушбу кўрсаткич бўйича ривожланган давлатларга нисбатан фарқнинг катталиги тармоқда меҳнат сарфининг юқорилигини кўрсатади, бу эса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг механизация даражасини оширишни ва замонавий технологияларни жалб этишни талаб этади.

Самарадорликнинг асосий индикаторлари бўйича амалга оширилган таҳлиллар Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳажмини янада ошириш имкониятлари борлигини кўрсатмоқда. Масалан, 1 комплекс гектарга сув сарфи индикатори ривожланган давлатларда ўртача 8-8,5 минг метр/кубни, ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида 9-10 минг метр/кубни, Ўзбекистонда эса 11-12 минг метр/кубни ташкил этмоқда.

Сув сарфининг юқорилиги экин майдонларининг сифатига жиддий ҳавф солади, ҳосилдорликнинг пасайишига, маҳсулот ишлаб чиқаришдаги харажатларнинг ортишига ва самарадорликнинг пасайишига олиб келади. Шунинг учун, суғоришда сув сарфини камайтириш, далалардан минерал бирикмалар ювилиб кетишини олдини олиш, қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланишда тежамкорликни рағбатлантирувчи, сувдан пуллик фойдаланиш тизимини босқичма-босиқич жорий этиш лозим.

Сув ресурсларининг тежамкорлигига эришиш янги суғориладиган ерларни ўзлаштириш имкониятларини кенгайтиради. Бу борада АҚШ да масаланинг ечими сифатида Сув Банклари ташкил этилган. Бу банклар сув тақчиллигига барҳам бериш учун тузилиб, сув ресурслари савдосини амалга оширувчи брокерлар ҳисобланади.

Сув банкларининг ресурслари қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда тежалган сувлар, ер ости сувлари ва маҳаллий сув хавзаларида тўпланган сувлар ҳисобига шаклланади. Сув

ресурсларини етказиб бериш қатъий белгиланган баҳолар орқали сотилади.

Истеъмолчилардан сув берилган вақтнинг 7 кун ичида 50 фоиз миқдорида сув учун олдиндан тўлов талаб қилинади, 15 кун ичида 75 фоиз ва охириги ҳисоб-китоб барча сув етказиб берилгандан сўнг амалга оширилади. Бу механизм сувдан унумли фойдаланишни, фермерларга ўз вақтида етказиб беришни таъминлайди ва ортиқча сув сарфи олди олинади. Ривожланган давлатларда пахта ҳосилдорлиги 30-35 ц/га ташкил этган бўлса, Ўзбекистонда ҳосилдорлик 24,5 ц/га ташкил этмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш даражаси бўйича таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ушбу кўрсаткич ривожланган давлатларда пахта-толаси бўйича 82 фоизни, Ўзбекистонда 33,2 фоизни ташкил этган. Бу эса хомашё экспортининг юқорилигини, юқори қўшилган қиймат билан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш даражаси пастлигини, хом ашёнинг жаҳон бозоридаги баҳолари конъюнктурасига боғлиқликнинг сақланиб қолишини, экспортдан тушадиган валюта тушумининг камайишини келтириб чиқаради.

Таҳлиллар давомида ривожланган давлатларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ва шу асосда мамлакат иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг улушини оширишга, шунингдек, жаҳон бозорида мустаҳкам ўрин эгаллашларига асосан қуйидаги омиллар таъсир қилганлиги аниқланди:

– ерга хусусий мулк сифатига эгалик қилишга имкон берувчи ер ислохотлари; қишлоқ хўжалигини молиялаштиришнинг

мукаммал тизимини ташкил этилганлиги; маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўртасида турли кооперацияларининг ривожланганлиги; аграр иқтисодиётнинг тўлиғича эркинлаштирилганлиги; тармоқни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кучайиши; экинлар таркиби оптималлашиши; қишлоқ хўжалиги ва илмий тадқиқот муассасаларининг мустаҳкам алоқадорлиги; мутахассисларни тизимли ўқитиш ва малакасини оширишнинг йўлга қўйилганлиги ва х.к.

Юқори санаб ўтилган иқтисодий механизмларнинг бир қисми республикамизда ҳам мавжуд бўлиб, бошқа қатор омилларни жорий этиш республикамиз пахтачилиги учун ҳам фойдали бўлган бўлар эди.

III. БОБ. ПАХТАЧИЛИК ТАРМОҒИДА РЕСУРС ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Пахтачилик тармоғида ресурстежамкорлик йўналишида тежамкор техника ва технологияларни жорий қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари

Республика аграр тармоғида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида фермер хўжаликларини ривожлантириш билан бирга, пахтачилик тармоғида моддий-техник таъминот тизимини ташкил қилиш ва бу жараённи давлат томонидан қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилмоқда. Чунки, фермер хўжаликлари моддий-техник базасини ривожлантириш бевосита қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига маҳсулот етиштириш ва ташиш харажатларини камайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, хўжалик молиявий барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалигидаги банд бўлганларнинг бир қисмини қишлоқ хўжалиги билан бевосита боғлиқ бўлмаган меҳнат фаолиятига жалб қилиш орқали самарали бандликни таъминлашга имкон беради. Лекин, бугунги кунда пахта етиштирувчи фермер хўжаликларини асосий турдаги моддий-техник ресурслар билан таъминлаш тизими ривожланишига бир қатор муаммолар салбий таъсир кўрсатмоқда. Жумладан:

– пахтачилик тармоғи учун зарур айниқса ресурстежамкор моддий-техник ресурсларни ишлаб чиқариш ва бозорга таклиф этиш тизимининг талабларга жавоб бермаслиги;

– аксарият пахтачилик фермер хўжаликларининг молиявий аҳволи талабга жавоб бермаслиги ва фермер хўжаликлари тўлов

қобилиятининг нисбатан пастлиги туфайли етарли даражадаги техник таъминотни йўлга қўйиши қийинлиги;

– фермер хўжаликларига техник хизматлар кўрсатиш соҳаси корхоналарининг зарур миқдордаги ресурстежамкор қишлоқ хўжалиги машиналари ва механизмлари билан жиҳозланмаганлиги туфайли фермер хўжаликларига сифатсиз хизмат кўрсатилиши;

– пахтачиликда ресурстежамкор техника ва технологиялардан фойдаланишда моддий рағбатлантириш тизими ҳамда замонавий технологик билимларга эга мутахассислар етишмаслиги каби муаммолар мавжуд.

Пахтачиликда ресурсларни тежаш масаласини ҳал этиш бизнинг назаримизда асосан қуйидаги учта омиллар – маҳсулот етиштиришда фойдаланиладиган агротехника тадбирлари; қишлоқ хўжалиги техникалари таркиби ва таъминот даражаси; замонавий технологик билимларга эга бўлган ходимларга эга бўлиш масалаларига бевосита боғлиқ бўлади.

Пахта етиштириш агротехникаси умумий ҳолда механизмлар ва қўл билан бажариладиган – кузги шудгор, баҳорда тупроқни чигит экишга тайёрлаш ва чигит экиш; баҳор ва ёзда ғўза қатор оралиғига ишлов бериш; чеканка қилиш; ғўзани суғориш ва озиқлантириш; ғўзани касаллик ва зараркунандалардан ҳимоялаш; ғўза баргини тўкиш тадбирларини амалга ошириш; пахта ҳосилини йиғиштириб олиш; экин майдонинин ғўзапоядан тозалаб кузги шудгорга тайёрлаш каби амалий тадбирларни ўз ичга олади.

Муҳим агротехник тадбир – пахтачилик фермер хўжаликларида ерни экишга тайёрлашда замонавий технологиялар ва қишлоқ

хўжалиги техника ва механизмларидан фойдаланиш ресурсларни тежашнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги илм-фани ва амалиётида бугунги кунгача турли мақсадларини кўзлаган ҳолда экин майдонлари тупроғини чуқур ағдариб шудгорлаш яхши самара бериши таъкидлаб келинган ва шу агротехнологик усулдан ҳамон фойдаланиб келинмоқда.

Ерга ишлов бериш техникалари ва механизмлари ҳам юқорида таъкидланган усулга мос равишда ишлаб чиқарилиб фермер хўжаликларига етказиб берилади. Жумладан, ҳозирда пахтачиликда ерга ишлов беришда икки ярусли айланма омочлар билан тупроқни 35-40 сантиметр чуқурликда ағдариб шудгорлаш тавсия этилиб келинмоқда. Гипсли тупроқларда 50-60 сантиметр чуқурликда юмшатилиб, ернинг устки қисми 28-30 сантиметр чуқурликда шудгорланиши ерни юшматиш билан биргаликда – кўп йиллик бегона ўтларни йўқ қилишни кўзда тутмоқда.

Айни пайтда ерга ишлов беришда икки ярусли айланма омочлар билан тупроқни 35-49 сантиметр чуқурликда ағдариб шудгорлашда сарф-харажатлар миқдорига қаратадиган бўлсак, тракторнинг бир марта далани кесиб ўтиши жараёнида омочнинг қамров кенглиги кичиклиги боисдан тўрт ярусли омочга нисбатан икки марта кам майдонга ишлов бериши натижасида бир гектар экин майдони ҳисобига тўғри келадиган сарфлар икки баробар кўп бўлади. Шунингдек, тупроқнинг 35-40 сантиметр чуқурликда шудгорланиши ҳисобига тупроқ қаршилиги ортиб омочга тушадиган босим таъсирида тракторнинг тезлиги 15-20 фоизга камайиши билан биргаликда ёқилғи сарфи мутаносиб равишда ортиб боради.

Юқорида тилга олинган омиллар бевосита бир гектар майдон ҳисобига ёқилғи сарфи ва амортизация харажатлари ортиши билан боғлиқ ортиқча сарфларни ўзида акс эттиради. Пахта экин майдонлари тупроғини икки ярусли омочлар билан чуқур ағдариб шудгорлашни инкор қиладиган масаланинг бошқа томонлари ҳам мавжуд. Хусусан:

- икки ярусли айланма омочлар билан тупроқни 35-40 сантиметр чуқурликда ағдариб шудгорлашда далада тракторнинг тўрт ярусли омочга нисбатан икки баравар кўп ҳаракатланиши ҳисобига тупроқ механик таркиби бузилиб, зичлашиб бориши оқибатида экологияси ёмонлашиши пахта ҳосилдорлиги пасайишига олиб келувчи омил ҳисобланади;

- тупроқни чуқур ағдариб ҳайдашда, тупроқнинг пастки чириндиси кам бўлган қатлами юқорига чиқиб, юқоридаги унумдор қисми пастга 40 сантиметрлик чуқурликка тушиб кетиши яна пахта ҳосилининг пасайишига олиб келади. Бунда тупроқнинг унумдор қисмида фойдаланиш даражаси пасайиши билан бирга кам унумдор қатлам ўсимликни етарли миқдордаги озуқа билан таъминлаш имконига эга бўлмайди. Шунингдек, чириндиси кам бўлган пастдан юқорига чиқиб қолган унумсиз тупроқ эрта баҳорда пахта далаларида қатқалоқ пайдо бўлиши ва чигитнинг униб чиқиши ҳамда яхши ривожланиши пасайиши каби ҳолатларни пайдо қилади.

Демак, бугунги кунда аграр илм-фани ва амалиёти “Ёрни шудгорлашда қанча чуқур ҳайдасанг ҳосил шунча юқори бўлади” деган тушунчани биринчи навбатда иқтисодий нуқтаи назардан инкор қилади. Бундан кўриниб турибдики кўп йиллик бегона

ўтларга қарши ерни чуқур ҳайдаб ўтларнинг уруғи ва илдизини кўмиб юборишга қаратилган агротехник усул ўзини умуман олганда иқтисодий жиҳатдан оқламайди. Мазкур усулдан мунтазам эмас балки алоҳида олинган экин майдонларида бир марталик тадбир сифатида фойдаланиш маъқул бўлади.

Масалани ҳал этиш йўли. Энди бу борада ривожланган давлатларда пахта етиштиришда ерга ишлов бериш тажрибасига эътибор берадиган бўлсак, тупроқ 30-35 см чуқурликда юмшатиш ҳолда кўп йиллик бегона ўтларга қарши кимёвий препаратлардан (гербицид) фойдаланилади. Бунда ҳар 4-5 йил оралиғида бир марта экин майдонлари тупроқни ағдармаган ҳолда 50-55 см чуқурликда юмшатиб чиқилади.

Мазкур усул бугунги кунда АҚШ ва Европа иттифоқи мамлакатларида тупроққа ишлов беришда кенг фойдаланила бошланган “тупроққа минимал ишлов бериш” ёки “тупроққа “нол” ишлов бериш” номи билан танилган усул бўлиб, пахта етиштиришда ресурсларни мутлоқ ва нисбий тежашда муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун эса фермер хўжаликларини ерни чуқур юмшатиш мосламалари (чизел) билан таъминлаш талаб этилади.

Пахтачиликда бир гектар экин майдони ҳисобига уруғлик чигит сарфи бугунги кунда оптимал меъёрларга нисбатан ортиқча сарф қилинаётган муҳим ресурслардан бири ҳисобланади. Жумладан, пахтачилик соҳасида катта имкониятларга эга бўлган давлатлардан ҳисобланувчи АҚШ да 1 гектар экин майдони ҳисобига ўртача 20 кг, Исроил давлатида да 18-20 кг, Хитойда 8-12 кг, Ҳиндистонда 5 кг чигит сарф қилинадиган бир пайтда

Ўзбекистонда 2017-2018 йилларга келиб ўртача 40-45 кг уруғлик чигит сарф қилинмоқда. Бундан 15 йил бурун эса чигит сарфи 2,0-2,5 бараварга ортиқроқ бўлиб, ҳар бир гектар ҳисобига 80-100 килограммни ташкил қилган (3.1-жадвал).

Пахта экин майдонлари 2000-2005 йилларда 1300-1400 минг гектар атрофида бўлганлигини эътиборга оладиган бўлсак, ортиқча уруғлик чигит сарфи республика бўйича 45000-50000 тоннани ташкил қилган. Бунча чигит ҳисобига 8500-9000 минг килограмм пахта ёғи, 35000-40000 тонна чорва моллари учун омухта ем ишлаб чиқариш мумкин бўларди.

3.1-жадвал.

Республика бўйича қўлланиладиган экиш схемалари ва чигит экиш нормалари (2002 йил учун)⁵³

Экиш схемаси	Уялар сони, гектарига минг дона	Уруғлик сарфи, (кг/гектар)	
		Тукли чигит экилганда	Туксизлантирилган чигит экилганда
60x12-1	138,9	84,0	80,2
60x15-1	111,1	67,2	64,2
90x8-1	138,9	84,0	80,2
90x10-1	111,1	67,2	64,2
90x12-1	92,6	56,0	53,5
90x15-1	74,1	44,8	42,8
90x20-2	55,5	67,2	64,2
60x30-2x12x1 (қўшқаторли)	185,2	112,0	106,9

Ортиқча сарф қилинган чигит бу нафақат бой берилган қўшимча маҳсулот (уруғлик чигит сарфини камайтириш ҳисобига олиш мумкин бўлган маҳсулотлар назарда тутилмоқда) балки

⁵³ Вази́рлар Маҳкамасининг 2001 йил 19 декабрдаги 477-сон қарорига 6-илоvasи асосида тузилган.

деҳқонга ортиқча сарфлар келтирувчи ва пахта ҳосилдорлигини пасайтиришга олиб келувчи омил ҳам ҳисобланади, Жумладан:

- ортиқча чигит сарфи ҳисобига ғўза униб чиққандан кейин қўшимча қўл меҳнати сарфлаб ягана қилиш тадбири олиб борилади (ортиқча ғўза ниҳоллари юлиб ташланади);

- экин майдони ҳисобига уруғлик чигит сарфи миқдорининг ортиқчалиги уруғлик тайёрлаш, уни дорилаш ва ташиш каби ишларга сарфланадиган меҳнат ва моддий харажатларни ҳал қилишни талаб қилади;

- ортиқча уруғлик чигити сарфи ҳисобига республикамизда ҳар йилда ортиқча сарф қилинади уруғлик чигит ҳисобидан қўшимча равишда пахта ёғи, шрот ва шелуха ишлаб чиқариш имкониятлари бой берилади.

Уруғлик чигитнинг ортиқча сарфи сабабларига эътибор қаратадиган бўлса, кўп ҳолларда экиш учун тайёрланган уруғлик чигитнинг наводорлиги пастлиги, уруғлик чигит талаб даражасида сараланмаганлиги, унувчанлиги даражаси кафолатланмаганлиги каби сабаблар туфайли пахтакор деҳқон уруғлик чигит сарфини ошириш ҳисобига етарли миқдордаги кўчат сонини таъминлашга ҳаракат қилган. Шунингдек, чигит экувчи сеялкаларнинг чигитни аниқ экиш имконияти пастлиги, яъни техник имкониятлар чигитни аниқ экиб белгиланган масофада белгиланган миқдордаги чигитни экишга имкони бермаслиги ҳам ортиқча чигит сарфига олиб келган.

Масалани ҳал этиш йўли. Пахта экин майдонларида кўчат қалинлиги юқори ҳосилдорликка эришишнинг гарови ҳисобланди. Бунда ғўза қатор оралари кенглигини оптималлаштириш орқали

масалани ҳал этиш мумкин. Шунинг учун ҳам ресурстежамкор экиш жараёнини таъмин этиш учун пахтачилик фермер хўжаликларига чигитни аниқ масофада ва аниқ миқдорда экишга имкон берувчи замонавий техник ечимларга эга, қамров кенглиги катта, юқори унумли 8 қаторли чигит сеялкаларини етказиб бериш масаласини ҳал этиш талаб этилади. Бу тадбир орқали ресурслар миқдорини мутлоқ тежаш мумкин бўлади.

Пахтачиликда сув сарфи ресурсларни тежаш масаласида эътибор қаратиш лозим бўлган муҳим йўналиш ҳисобланади. Чунки бугунги кунда пахтачилик фермер хўжаликлари меъёрларга нисбатан анча кўп сув сарф қилишмоқда. Жумладан, пахтачиликда бир гектар экин майдони ҳисобига оптимал сув сарфи меъёрлари ўртача 5000-6000 метр кубни ташкил этгани ҳолда амалда 10000-11000 метр кубни ташкил қилиши ва бу ҳолат қишлоқ хўжалигида сув танқис бўлган, келажакда ҳам сув танқислиги кучайиши кутилаётган Ўзбекистон шароитида юз бераётганлиги сув сарфини камайтириш масаласининг долзарблигини ўзида акс эттиради.

Одатда республикаимиз пахтачилигида сув сарфи ортиқчалиги кўплаб омилларга боғлиқ бўлиб, масалани ечишнинг ҳукукий, ижтимоий-иқтисодий, техник-технологик, селекцион, агротехнологик ва маънавий механизмлари мавжуд. Масалан, ҳар бир ғўза нави ва пахта экилган майдон тупроқ шароитларидан келиб чиққан ҳолда турли сув сарфи олимлар томонидан тавсия қилинган бўлиб, бу миқдордаги сувни далага етказиб бериш ҳали ҳосилнинг юқори бўлишини таъмин этмайди. Чунки суғоришда оптимал муддатлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Яъни, ғўза суғоришдан олдин чанқаб қолган бўлса ёки ўсимликнинг сувга бўлган эҳтиёжи пайдо бўлишидан эртароқ суғорилса ҳам ҳосил камайиши исбот қилинган. Шу боисдан қўйилган муаммо доирасида уни ҳал этишнинг техник имкониятини оширишга эътибор қаратилиб, бошқа омиллар таъсири эътибордан четда қолдирилмоқда.

Республикамиз пахта далаларида ҳозирда томчилаб суғориш технологияси кенг миқёсда амалиётга жорий этилмоқда. Аммо, айни пайтда асосий пахта экин майдонлари кўп сув сарф қиладиган усулда жўяклар орқали суғорилмоқда. Шунинг учун ҳам томчилатиб суғориш ускуналари ишлаб чиқариш ва фермер хўжаликларига етказиб беришни ташкил қилишга муҳим масала ҳисобланади. Томчилатиб суғориш усулини самарали жорий этиш учун сувчиларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга ҳам катта аҳамият қаратиш лозим. Чунки томчилатиб суғориш технологияси малакали меҳнатни талаб қилади.

Пахта далаларида томчилатиб суғориш технологиясидан фойдаланиш имкони бўлмаган ҳолларда сув камроқ сарф қиладиган агротехник усуллардан фойдаланиш талаб этилади. Жумладан, чигит экишдан олдин ерни ҳайдалганидан кейин текислаш муҳим аҳамиятга эга. Яхшилаб текисланган майдонда сув сарфи нотекис ерга нисбатан 30-35 фоизга кам бўлиши исбот қилинган. Экин майдонининг барча қисмига сувнинг бир текисда етиб бориши натижасида ғўза ниҳоллари тўлиқ бўлиб юқори ҳосил олиш орқали сув сарфи иқтисодий самарадорлигини ошириш таъминланади.

Пахта териш. Пахтачиликда сарф-харажатларни тежашда ҳосилни йиғиштириб олишни механизациялаш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кундаги мавжуд пахта териш технологияси бўйича пахта далага бирнеча марта такрор теримчи киритиш йўли билан амалга оширилади. Шунинг учун ҳам қўл кучи билан пахтани йиғиб олиш биринчидан иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламаса, иккинчидан, ёғин-сочинли кунларнинг куз ойларида тез кириб келиши маҳсулот сифатини пасайтиради, учунчидан эса масаланинг ижтимоий томони, қисқа муддатда ҳосилни йиғиб олиш учун фермерларнинг имкони йўқлиги ҳосилини йиғиш жараёнини механизациялашни талаб қилади.

Жаҳон пахтачилигида пахта бир марта машинада териб олинади. Машинада пахтани териб олиш қўл теримига қараганда иқтисодий жиҳатдан анча самарали бўлиб, битта машина 300-350 нафар теримчининг ўрнини босиши эса муҳим ижтимоий аҳамиятга эга ва шунча миқдордаги жонли меҳнат сарфини тежайди.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб пахта етиштирувчи фермер хўжаликларини ресурстежамкор моддий-техник ресурслар билан таъминлаш тизимини такомиллаштиришни давлат томонидан рағбатлантиришда қуйидаги йўналишлар тавсия этилади (3.1-расм).

Биринчи йўналишда – асосий эътибор ресурстежамкор моддий-техник ресурслар харид қилишда пахта етиштирувчи фермер хўжаликларини рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш масаласига эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ. Чунки фермернинг ўзи манфаатдор бўлмаса ҳеч қандай ресурстежамкор

техник ечимларни амалиётга жорий этиб бўлмайди. Айниқса, бу пахтачилик тармоғида жуда муҳим.

Иккинчи йўналиш сифатида фермер хўжаликлариغا ресурстежамкор технологик ускуналар етказиб берувчи давлатга қарашли ва шунингдек хусусий мулкчилик асосида фаолият юритувчи субъектлар фаолиятини иқтисодий, ҳуқуқий ва молиявий жиҳатдан рағбатлантириш масаласи таклиф этилмоқда.



3.1-расм. Пахтачилик фермер хўжаликларини ресурстежамкор моддий-техник ресурслар билан таъминот тизими ривожланишини рағбатлантириш йўналишлари⁵⁴

⁵⁴ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Маълумки, янги ташкил этилган, кичик хизмат кўрсатиш субъектлари кўпинча йирик корхоналар билан рақобатлаша олмайди. Шу боис кичик корхоналар рақобат шароитида инқирозга юз тутмаслиги учун давлатнинг самарали ҳимоялаш механизмлари амал қилиши лозим. Ушбу йўналишнинг муҳимлиги шу билан изоҳланадики, одатда пахта етиштирувчи фермер хўжаликлари аксарият ҳолларда молиявий жиҳатдан нобарқарор бўлиши таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи соҳалар субъектлари молиявий фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам нафақат стратегик маҳсулот ҳисобланган пахта хом ашёси етиштирувчи фермер хўжаликлари балки уларга хизмат кўрсатувчи соҳалар ҳам давлатнинг кўмагида бўлиши лозим.

Учинчи йўналишда – асосий эътибор пахта етиштирувчи фермер хўжаликларида ресурстежамкор техника ва технологияларни жорий этишда инновацион ғоялар устуворлигини таъмин этишга қаратилади. Бунда, қишлоқ хўжалигида ресурстежамкор технологиялар яратиш жараёнига қўшимча инвестиция йўналтиришга; тайёр технологик ечимларни амалиётга жорий этиш жараёни учун марказлашган молиявий манбаларни шакллантириш; инновацияларни жорий этишда фермер хўжаликларининг ҳам бевосита ўз молиявий маблағлари билан ва ижрочилик иштирокини йўлга қўйишни рағбатлантиришга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Мазкур йўналиш доирасида таклиф этилаётган “Қишлоқ хўжалигида ресурстежамкор технологиялар яратиш жараёнига қўшимча инвестиция йўналтириш” ёки “Тайёр технологик ечимларни

амалиётга жорий этиш жараёни учун марказлашган молиявий манбаларни шакллантириш” учун қуйидаги тизим таклиф қилинади (3.2-расм).

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қошида “Пахтачилик тармоғида тежамкор инновацион технологияларни жорий қилишни қўллаб-қувватлаш жамғармаси” ташкил қилиниши мақсадга мувофиқ. Мазкур жамғарманинг асосий мақсади пахтачилик фермер хўжаликларида (пахта-тўқимачилик кластерларига жалб қилинмаган) инновацион ресурстежамкор техника ва технологияларни жорий қилишни молиялаштириш, техника ва технологияларни маҳаллий шароитларга мослаштириш ҳамда мазкур технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишдан иборат бўлади.

Мазкур мақсадли “Пахтачилик тармоғида тежамкор инновацион технологияларни жорий қилишни қўллаб-қувватлаш жамғармаси” (кейинги ўринларда “Жамғарма” деб юритилади) маблағлари фермер хўжаликларининг буюртмаларига биноан ва шунингдек, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан фермер хўжаликларининг буюртмалари асосида Вилоятлар ҳокимликлари билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган Дастурлари асосида Жамғарманинг йиллик молиявий маблағлари миқдорига мос ҳолда амалга оширилади.



3.2-расм. “Пахтачилик тармоғида тежамкор инновацион техника ва технологияларни жорий қилишни қўллаб-қувватлаш жамғармаси” шаклланиши механизми⁵⁵

Жамғарманинг маблағларини шакллантириш манбалари сифатида республика бўйича пахта экин майдонларининг балл-бонитети асосида ҳудудларда фаолият юритаётган пахтачилик фермер хўжаликлари томонидан тўланаётган ягона ер солиғининг бир қисмини Жамғарманинг ҳисоб рақамига йўналтириш ҳисобидан амалга оширилади.

Жамғармага ажратиладиган маблағлар фермер хўжаликлари томонидан пахта экин майдонларининг бир балл-бонитети ҳисобидан

⁵⁵ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

меъёрий асосда етиштирилаётган пахта хом ашёсининг қийматидан 1,0 фоиз ҳисобида амалга оширилади (қуйида тавсия қилинаётган услуб асосда). Бунда:

– ўтган йилда туман бўйича пахта экин майдонларининг ўртача балл бонитети аниқланади (Ергеодезкадастр туман бўлими ёки инспектори маълумотлари асосида) ($УБ_{Тум}$);

– ўтган йилда туман бўйича амалдаги пахта экин майдонларининг ўртача ҳосилдорлиги (ц/га) Туман қишлоқ хўжалиги бўлими ёки Статистика бўлими маълумотлари асосида аниқланади.

Юқоридаги маълумотлар асосида тегишли туман бўйича пахта экин майдонларининг бир балл-бонитети ҳисобига етиштириладиган пахта хом ашёси миқдорининг меъёрий кўрсаткичлар асосида тўғриланган миқдори бўйича бир балл бонитет ҳисобига етиштириладиган маҳсулот қиймати аниқланади. Бунда қуйидагича ёндашиш таклиф этилади ($ТП_x$):

$$ТП_x = \frac{ББ_{пх} + АП_x}{2} \times ПХУ_Б \quad (3.1)$$

Бу ерда:

$ББ_{пх}$ – пахта 1 балл-бонитет ҳисобидан етиштириладиган меъёрий пахта ҳосилдорлиги, ц/га;

$АП_x$ – амалда бир балл-бонитет ҳисобига етиштирилган пахта хом ашёси (тумандаги ўртача ҳосилдорлик асосида), ц/га;

$ПХУ_Б$ – туман бўйича ўтган йилдаги ўртача пахта хом ашёсининг сотиш баҳоси, ц/сўм.

Туман бўйича пахта экин майдонларининг бир балл-бонитети бўйича меъёрий ҳосилдорлиги ва амалдаги ҳосилдорлиги асосида

ҳисоблаб топилган (тўғриланган) маблағ ажратиш учун асос бўлувчи жами етиштирилган пахта хом ашёси қийматига таянадиган, жамғармага йўналтириладиган маблағлар миқдорини аниқлашда қуйидаги усул таклиф қилинади ($ЖП_K$).

$$ЖП_K = \left(ЖМ_{Тум} \times УБ_{Тум} \times \frac{ББ_{ПХ} + АП_X}{2} \times ПХУ_B \right) \div 100 \quad (3.2)$$

Бу ерда, $ЖМ_{Тум}$ —туман бўйича жами пахта экин майдони, га.

Ушбу тавсия этилаётган “Пахтачилик тармоғида тежамкор инновацион техника ва технологияларни жорий қилишни қўллаб-қувдалаш жамғармаси”ни шаклланиши механизмини Наманган вилояти Уйчи тумани мисолида кўриб чиқсак.

Уйчи туманида 2018 йилда ўртача ҳосилдордик 24,6 центнерни ташкил этган. Туман бўйича ўртача балл-бонитети 78,2 баллни ташкил этади. Демак, амалда бир балл-бонитет ҳисобига етиштирилган пахта хом ашёси 0,3 ц/га тенг ($АП_X$). 2018 йилда туман бўйича ўртача пахта хом ашёсининг сотиш баҳоси 1 центнерни 339 700 сўм ($ПХУ_B$) ни ташкил қилган. Меъёр бўйича бир балл-бонитет учу 0,4 центнерни ташкил қилади ($ББ_{ПХ}$). Юқорига формула орқали ҳисобласак қуйидагича натижага эришамиз.

$$ТП_X = \frac{0,4 + 0,3}{2} \times 339700 = 118895$$

Уйчи туман бўйича бир балл бонитет ҳисобига етиштириладиган маҳсулот 118895 сўмга тенг бўлади.

Уйчи тумани бўйича жамғармага йўналтириладиган маблағлар миқдорини ҳисоблайдиган бўлсак ($ЖП_K$):

2018 йилда туман бўйича жами пахта экин майдони 6269 гектарни ташкил этган ($\text{ЖМ}_{\text{Тум}}$). Туманда 2018 йилда пахта экин майдонларининг ўртача балл бонитети 78,2 баллни ташкил этган ($\text{УБ}_{\text{Тум}}$).

Демак:

$$\text{ЖП}_K = 6269 \times 78,2 \times 118895 \div 100 = 582865854,41$$

3.2-жадвал.

**Уйчи тумани бўйича жамғармага йўналтириладиган маблағлар
миқдори бўйича маълумот⁵⁶**

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Амалда	Меъёр бўйича	Меъёрга нисбатан фарқи, (+, –)
1.	Туман бўйича жами пахта экин майдони ($\text{ЖМ}_{\text{Тум}}$)	га	6269	х	
2.	2018 йилда туман бўйича пахта экин майдонларининг ўртача балл бонитети ($\text{УБ}_{\text{Тум}}$);	балл	78,2	х	
3.	Бир балл-бонитет ҳисобидан етиштириладиган пахта хом ашёси	ц/га	0,3	0,4	– 0,1
4.	Туманда бир–балл бонитет ҳисобига етиштириладиган маҳсулот қиймати	сўм	118 895	135 880	– 16 985
5.	Туман бўйича ўтган йилдаги ўртача пахта хом ашёсининг сотиш баҳоси (ПХУ_B)	ц/сўм	339 700	х	
6.	Жами фермер хўжаликлари сони	дона	156	х	
7.	Жамғармага йўналтириладиган маблағлар	сўм	582 865 854	х	
8.	Битта фермер хўжалигига тўғри келадиган жамғармага йўналтириладиган маблағлар	сўм	3 736 320	4 270 080	– 533 760

Уйчи тумани бўйича пахта экин майдонларининг бир балл-бонитети бўйича меъёрий ҳосилдорлиги ва амалдаги ҳосилдорлиги

⁵⁶ Уйчи тумани статистика бўлими маълумотлари асосида тузилган.

асосида ҳисоблаб топилган маблағ ажратиш учун асос бўлувчи жами етиштирилган пахта хом ашёси қийматига таянадиган, жамғармага йўналтириладиган маблағлар миқдорини 582 865 854 сўмни ташкил этади.

Маълумки қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан тўланадиган ягона ер солиғи маҳаллий бюджетлар таркибида қолдирилади. Демак, табиий равишда тупроқ унумдорлиги юқори бўлган экин майдонларига эга ҳудудлардан мос равишда марказлашган жамғармага кўпроқ ва аксинча тупроқ унумдорлиги паст бўлган пахта экин майдонларига эга ҳудудлардан камроқ маблағ жалб қилинади. Бу ҳам ҳудудлар учун адолат тамойили амал қилишини таъминлайди. Чунки табиий равишда тупроқ унумдорлиги юқори бўлган пахта экин майдонларига эга ҳудудлар томонидан етиштириладиган кўпроқ пахта хом ашёси ва кўпроқ тўланадиган ягона ер солиғи деҳқоннинг меҳнатига боғлиқ бўлмаган ҳолда, рента омиллари таъсирида шаклланиши ҳамда унинг бир қисмини жамият манфаатлари доирасида фаолият юритувчи жамғармага жалб қилиш илмий асосга эга деб ҳисоблаймиз.

Ягона ер солиғи тўловчи фермер хўжаликлари учун Қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланадиган ягона ер солиғи ставкаларига ҳар йили аниқлик киритилади ва 2018 йил учун ушбу ставка 0,95 фоиз миқдорида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сон “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ги қарори билан тасдиқланган.

Айни пайтда таъкидлаш лозимки, пахта етиштирувчи фермер хўжаликларини ресурстежамкор моддий-техник ресурслар билан таъминлаш тизимини такомиллаштиришни давлат томонидан рағбатлантиришда табақали ёндашув зарур бўлади. Чунки фермер хўжаликлари бир-биридан фарқ қилувчи табиий ва хўжалик юритиш шароитларида маҳсулот етиштиришади. Табақали ёндашув эса барча фермер хўжаликлари учун тенг иқтисодий шарт-шароитлар яратишга имкон туғдиради ва бунда барча фермер хўжаликлари учун иқтисодий адолат тамойилиши амал қилади.

Худудларда пахтачилик фермер хўжаликларини иқтисодий рағбатлантириш дастакларидан фойдаланишдаги табақали ёндашув асосини қуйидаги омиллар ташкил этиши мақсадга мувофиқ (3.3-расм).

– пахта етиштирувчи фермер хўжаликлари меҳнат ресурслари танқис бўлган худудларда маҳсулот етиштиришда устувор равишда механизация воситалари билан таъминот тизимидан фойдаланиши (айниқса пахта хом ашёсини йиғиштириб олишда);

– пахта етиштирувчи фермер хўжаликлари экин майдонларининг мелиоратив ҳолати ёмон бўлган ҳолатда маҳсулот етиштиришида устувор равишда мелиорация ва ирригация тармоқларини тиклашга давлат томонидан ажратилаётган субсидиялардан биринчи навбатда фойдаланиши ҳамда алмашлаб экиш тизимини жорий этиш тадбирлари давлат дастурларига киритилишига эътибор қаратиш;



3.3-расм. Пахтачилик фермер хўжаликларининг моддий-техник таъминот тизимида табақали ёндашув асослари⁵⁷

– пахта етиштирувчи фермер хўжаликлари таббий-иқлим шароитлари ёмон бўлган ерларда маҳсулот етиштиришда унумдорлиги нисбатан юқори бўлган ерларда пахта экиш

⁵⁷ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

имкониятига эга бўлган фермер хўжаликларига нисбатан давлатнинг қўллаб-қувватлаш дастакларидан фойдаланишда устуворликка эга бўлиши;

– пахта етиштирувчи фермер хўжаликлари экинларни суғориш учун насослардан фойдаланишга мажбур бўладиган шароитларда насос харажатларини давлат томонидан ажратилаётган субсидиялардан фойдаланиши ёки ягона ер солиғини ҳам бошқа молиявий имтиёзлардан фойдаланиши мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда фермер хўжаликларига мақсадли имтиёзли кредитлар бериш, замонавий техника ва технологиялардан фойдаланишни ўрганиш учун мутахассисларнинг хорижий стажировка ва малака ошириши тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш катта аҳамият касб этади. Чунки таъминот корхоналарининг молиявий ҳолати улар фаолиятининг дастлабки пайтларида бундай харажатлар қилиш учун имкон бермайди. Бу борада хорижий молиявий институтлар маблағларини, грантларини ушбу тадбирларга жалб қилишнинг аҳамияти юқори ҳисобланади.

Республикада моддий-техник ресурслар эркин бозори кўпчилик ресурслар бўйича яхши ривожланмаганлиги натижасида хўжаликлар керакли хизматлар ва зарур ресурсларни зарур пайтда ҳамда қулай нархларда харид қилиш имкониятига етарлича эга эмаслиги хизматлар соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътиборни талаб қилади.

Юқорида санаб ўтилган тадбирлар фермер хўжаликларида пахта етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлади.

3.2. Пахтачилик тармоғида ресурс тежовчи технологияларни жорий этишни иқтисодий рағбатлантириш йўллари

Аграр тармоқда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида пахтачилик тармоғи ривожланиши фермерчилик ҳаракати ривож билан боғлиқ ҳолда ривожлана бошлади. Фермер хўжаликлари ривожланиши учун ҳуқуқий асос яратилиши, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун амалга оширилаётган тадбирлар, пахта етиштиришдан фермернинг моддий манфаатдорлигини таъминлаш борасида жорий этилаётган иқтисодий механизмлар, давлат томонидан олиб борилаётган тупроқ мелиоратив ҳолатини яхшилаш йўналишидаги амалий тадбирлар пахтачилик соҳасининг ривожланиши учун муҳим асос бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалиги тармоғини мамлакат манфаатлари доирасида диверсификациялаш йўналишида амалга оширилаётган ишлар натижасида республикада ҳозирда пахта экин майдонлари қисқариб 1,10-1,15 млн гектар, ғалла экин майдонлари эса оширилган ҳолда 1,3 млн гектар атрофида сақланиб қолмоқда. Пахта экин майдонлари қисқариши натижасида бўшаган экин майдонларида янги боғ ва узумзорлар барпо этилмоқда, сабзавот, полиз ва чорва озукаси экинлари майдонлари кенгаймоқда. Экин майдонлари таркиби ҳалқимиз эҳтиёжларини озиқ-овқат билан таъминлаш ва

шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажмларини ошириб бориш билан боғлиқ мақсадларга мос равишда ўзгариб бормоқда.


Республикада 1990-2010 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ошиб бориши асосан интенсив омиллар ҳисобига юз берганлигини – қишлоқ хўжалиги маданияти ортиб бориши, моддий-техник таъминот, молия-кредит тизими, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, мутахассислар малакасини ошириш йўлидаги тадбирларни давлат даражасида рағбатлантириб бориш натижаси деб қабул қилиш лозим. Жумладан, пахта ҳосилдорлиги 1990-2010 йилларда 113 фоизга, дон экинлари ҳосилдорлиги – 2,2 баробарга, картошка ҳосилдорлиги – 2,4 баробардан кўпроқ, сабзаёт ҳосилдорлиги – 132 фоизга, полиз экинлари ҳосилдорлиги – 170 фоизга ортганлиги фикримизни исботлайди.

Республика қишлоқ хўжалигини ривожлантириш билан боғлиқ тадбирларнинг 2010 йилдан кейинги ҳолатини аниқса 2016 йилдан кейинги вазиятни интенсив ривожланиш тадбирлари сифатида баҳолаш лозим. Айти пайтда таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалигида энг муҳим ресурслар бўлмиш ер ва сув, минерал ўғитлар, ёқилғи мойлаш материаллари, техникалар ва уларга эҳтиёт қисмлар таъминоти масаласида танқислик кузатилаётган, уларнинг баҳолари муттасил ошаётган бир пайтда, анъанавий агротехник усуллар ёрдамида маҳсулот етиштириш, суғориш техника ҳамда технологиялари, ирригация ва мелиорация тизимидан фойдаланиш борасидаги механизмлар хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда

ресурслар сарфини оптимал меъёрларга нисбатан анча ошиб кетишига олиб келмоқда.

Маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ресурслар тежамкорлиги тизими ички ва ташқи бозорларда пахтачилик маҳсулотлари рақобатбардошлигининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Одатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда ресурсларни тежаш иқтисодий механизми асосан қуйидаги иккита йўналишда амал қилиши мумкин (3.4-расм):



3.4-расм. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда ресурсларни тежаш механизми йўналишлари⁵⁸

⁵⁸ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

– маҳсулот ишлаб чиқариш, тақсимот қилиш, айрибошлаш ва ўзлаштириш жараёнида эркин бозор тамойиллари амал қиладиган шароитда ишлаб чиқаришни ташкил этувчи субъектлар моддий манфаатдорлик механизми асосида ресурсларни тежаш ҳамда ортиқча сарфларнинг олдини олишни “*хусусий назорат*” қилиши орқали;

– маҳсулот ишлаб чиқариш, тақсимот қилиш, айрибошлаш ва ўзлаштириш жараёнида эркин бозор тамойиллари амал қилмайдиган ёки доираси чекланган шароитда маҳсулот ишлаб чиқарувчи субъектнинг моддий манфаатлари ҳам чекланганлиги боисдан меъёрлар асосида ресурслар сарфини маҳсулотга буюртма берувчи субъект томонидан “*маъмурий назорат*” қилиш орқали.

Юқорида тилга олинган йўналишлардан биринчиси яъни, маҳсулот етиштиришда ресурслар сарфини тежашни “*хусусий назорат*” қилиш йўналиши энг маъқул ва самарали йўл ҳисобланади. Бунда ишлаб чиқариш жараёни бозор талабига тўлиқ мослашиш имкониятларидан фойдаланиш учун барча шарт-шароитларга эга бўлади.

Хусусан, бугунги кунда республикамизда фермер хўжаликлари томонидан пахта етиштириш давлат буюртмаларига асосан амалга оширилиши, маълум маънода маҳсулот ишлаб чиқариш, тақсимот қилиш, айрибошлаш ва ўзлаштириш жараёнида эркин бозор тамойиллари амал қилишини чеклайди. Натижада фермерда маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида ресурсларни тежашда “*хусусий назорат*” механизми фаолияти кескин сустлашади.

“Хусусий назорат” механизми фаолияти кескин сустлашиши куйидаги кўринишларда намоён бўлади—пахта етиштириш учун имтиёзли асосда ажратилган минерал ўғитлар, ёқилғи мойлаш материалларини пахта етиштирувчи фермерлар томонидан кўпроқ фойда келтирувчи сабзавот, полиз ёки бошқа экинлар учун сарф қилиши ҳолатлари орқали нисбий сарфларнинг ошиши орқали кўриш мумкин. Ёки маҳсулот ишлаб чиқаришдаги сарф-харажатларни кўпайтириш асосида етиштириладиган пахта хом ашёси учун юқорироқ баҳо белгилашга таъсир қилишга уринишда кўриш мумкин (баҳо белгилашда “харажат механизми” амал қилиши). Демак, юқоридаги вазиятда пахатчиликда ресурслар сарфини камайтириш ва тежамкорлик тизимини жорий этишда маҳсулотга буюртма берувчи томонидан “*маъмурий назорат*” механизмидан фойдаланишга зарурат туғилади. Бошқача айтганда пахта етиштиришда сарф-харажатларни “*маъмурий назорат*” қилиш механизми зарурати пахта етиштирувчи фермер хўжаликларида пахта ишлаб чиқариш ва таннарини камайтиришга, тежамкор техника ва технологиялардан фойдаланишга бўлган моддий рағбатнинг пастлиги ҳисобланади. Бу муаммо назарий жиҳатдан олиб қараладиган бўлса, фақат бозор механизмларини қўллаш ва давлат томонидан бозор тамойилларига мос келадиган мувофиқлаштириш усуллари қўллаш орқали ҳал қилиниши мумкин.

Лекин, шу билан биргаликда бу ҳолатда давлат буюртмаси учун маҳсулот етиштириш жараёнида сарф-харажатларни “*маъмурий назорат*” қилиш механизми фаолияти ҳам самарасиз

амал қилади. Чунки маҳсулот етиштирувчи фермер хўжаликлари расмий равишда ҳуқуқи қонунлар билан ҳимояланган хусусий мулк асосида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъекти мақомига эга. Бундай шароитда хусусий тадбиркорнинг ишлаб чиқариш фаолиятига давлат идораларининг самарали аралашуви учун легал ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар мавжуд бўлмайди.

Маҳсулот етиштирувчи тадбиркор мақомига эга бўлган фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш фаолиятига нолегал ва ноқонуний маъмурий аралашув эса ишлаб чиқаришни ички ривожланиш манбаларидан маҳрум қилади. Натижада эса ресурстежамкорлик механизми издан чиқиб фермерда харажатларни кўпайтириш учун рағбат пайдо бўлади ёки сарф-харажатларни тежашдан моддий манафаат йўқолиб боради.

Шунинг учун ҳам бизнинг назаримизда давлат буюртмалари учун пахта етиштиришда ресурслар сарфини камайтириш ва ресурстежамкор агротехнологияларни жорий этиш масаласини ҳал этишда фақатгина “*маъмурий назорат*” қилиш механизми етарли бўлмайди. Демак, бу ерда маҳсулот етиштириш жараёнида сарф-харажатларни тежашнинг “*хусусий назорат*” қилиш механизми элементларини кенгайтириш, тежамкорлик механизми ишлашини таъминловчи дастаклардан фойдаланиш керак бўлади.

Бундай иқтисодий дастакларни мазкур илмий ишда “Пахтачилик тармоғида ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш самарадорлигини ошириш” тушунчаси доирасида қабул қилиши тавсия қилинмоқда.

Одатда пахтачилик тармоғида ресурс тежовчи техникалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишни иқтисодий рағбатлантириш тадбирлари ҳамда ушбу жараённинг иқтисодий самарадорлиги мамлакат аграр иқтисодиётининг пахта экспортига боғлиқлик даражаси, соҳани давлат томонидан мувофиқлаштириш бўйича тўпланган тажрибалар ҳамда қўлланилаётган усуллар, аграр иқтисодиёт фаолиятининг эркин бозор талабларига мослиги, ресурсларни тежашни рағбатлантиришга имкон берувчи ҳуқуқий асослар мавжудлигига ҳам боғлиқ бўлади.

Ўзбекистонда ҳозирда пахта хом ашёси етиштиришда давлат буюртмаси мавжуд бўлиб, пахта етиштирувчи фермер хўжаликлари пахта хом ашёсини етиштириш юзасидан тузилган контрактация шартномаларига биноан белгиланган нархларда давлатга сотиш мажбуриятини олишади.

Айни пайтда давлат томонидан пахтачилик фермер хўжаликлари учун имтиёзли асосда минерал ўғитлар, ёқилғи мойлаш материаллари билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги техникаларини лизинг асосида етказиб бериш, фермер хўжалиги жойлашган ҳудуд чегарасигача сув етказиб бериш, пахта экин майдонларида мелиорация тадбирларини амалга ошириш, ирригация иншоотларини тиклаш, сифатли уруғлик билан таъминлаш, имтиёзли асосдаги илмий таъминот масалалари ҳал этилади. Юқорида баён этилган ресурс таъминоти тизимига эътибор қаратадиган бўлсак, пахта етиштирувчи фермер хўжаликларида биринчидан ресурсларни харид қилиш каналларини танлаш имконияти мавжуд эмас. Иккинчидан, етиштирилган


махсулотни юқорироқ баҳоларда сотиш учун харидор танлаш имконияти ҳам йўқ. Демак, таъкидланганидек пахтачилик тармоғида маҳсулот етиштирувчи субъектларни моддий манфаатдор қилувчи ресурстежамкорлик механизми ишлаши учун шарт-шароитлар етарли эмас.

Масалага ойдинлик киритиш учун мазкур диссертациянинг биринчи бобидаги 1.3-расмда келтирилган пахтачиликда ресурсларни тежашга таъсир этувчи омиллар таркибига эътибор қаратадиган бўлсак, бу ерда қуйидаги иккита асосий омил таъсирини кўриб чиқиш мумкин бўлади. Жумладан, табиий омиллар ва ижтимоий-иқтисодий омилларнинг салбий таъсир этиш механизми масалани ўзида яққол акс эттиради (3.5-расм).

Мисол тариқасида келтирилган асосий омилларнинг таъсир этиш механизми хусусан, пахта экин майдонларининг тупроқ унумдорлиги салоҳиятини эътиборга олмасдан фермер хўжаликлари учун ишлаб чиқариш режалари белгиланиши (экин майдонлари учун ҳосилдорлик режасини юқоридан белгилаш) натижасида фермер хўжалиги режани бажаришга кўзи етмагани туфайли пахта етиштириш учун ажратилган ресурсларни сабзаёт ёки бошқа юқорироқ фойда келтирувчи экинлар учун сарф қилишади. Натижада пахтачилик соҳасида сарф қилинган ресурслар миқдорига нисбатан кам маҳсулот олиниб, маҳсулот бирлиги ҳисобига ресурсларнинг нисбий сарфи ортиб боради.

Пахтачилик тармоғида ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш ва уни рағбатлантириб бориш комплекс тадбирларни ўз ичига олувчи – мураккаб жараён ҳисобланади. Масалан, пахта

етиштиришда 75-90 та агро тадбирларнинг бирортаси муддати ёки ресурс билан таъминот бузилиши, барча жараёнларда сарф қилинган ресурслар иқтисодий самарадорлиги пасайишига олиб келади. Аксинча, технологик жараёнларни тўғри амалга оширишнинг ўзигина сарфланаётган ресурслар бирлиги ҳисобига ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдори ортишини таъминлайди.



3.5-расм. Пахтачиликда ресурсларни тежашга таъсир этувчи омиллар салбий таъсири механизми ва уни бартараф этиш йўллари⁵⁹

⁵⁹ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Бошқа омиллар таъсири эътиборга олинмаган ҳолатда, яъни агротадбирлар илмий асосланган муддат ва меъёрларда амалга ошадиган вазиятда ресурслар тежалиши маҳсулот таннархи пасайишини таъмин этади.

Бу ерда яна бир масалага эътибор қаратиш лозимки, пахта етиштиришда ресурслар миқдорини мутлоқ тежаш масаласи маълум чегарага эга бўлади. Яъни, ресурс тежамкорлик тушунчаси зарур ресурслар миқдорини муттасил камайтириб боришни кўзда тутмайди. Бундай чегара пахта етиштиришда талаб этиладиган ресурслар миқдорининг илмий асосланган меъёрлари доирасида мавжуд бўлади ва қуйидагича кўринишга эга бўлади (3.6-расм).

Демак, ресурсларни тежаш белгиланган меъёрлар кўрсаткичлари доирасида амал қилгани ҳолда илғор фермер хўжаликлари тажрибасидан ўтган кўрсаткичлардан ҳам фойдаланиш мумкин бўлади.

Масалан, пахтачиликда бир гектар экин майдони ҳисобига мавсум давомида 340 кг нефт маҳсулотлари сарфи меъёрларда белгилаб қўйилган. Айни пайтда ресурстежамкор технологиялардан фойдаланишни кўзда тутган ҳолда пахта етиштириш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжаллаб Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида ишлаб чиқилган намунавий технологик карталарда ушбу кўрсаткич ўртача 214 килограммни ташкил этади.




3.6-расм. Пахтачиликда ресурслар миқдори сарфини тежаб бориш чегараси⁶⁰

Ерга ишлов беришда “Минимал ишлов бериш” технологиясидан фойдаланувчи Андижон вилоятидаги илғор “Оқсув” фермер хўжалигида эса ушбу кўрсаткич 200 килограммни ташкил қилади. Демак, фермер хўжалиги ресурсларни тежаш масаласини ҳал этишда турлича манбаларга мурожаат қилиши билан биргаликда ўз тажрибасига ҳам таяниши лозим. Чунки тупроқ таркиби, иқлими, фойдаланилаётган агротехник усуллар нафақат туманлар балки алоҳида хўжаликлар доирасида ҳам турлича бўлиши мумкин. Пахтачиликни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш шароитида тармоққа ресурс тежовчи техника ва технологияларни жорий этишни иқтисодий рағбатлантириш давлат томонидан амалга оширилиши лозим. Давлатнинг қўллаб-қувватловчи тадбирлари ресурс тежовчи технологияни жорий этишни иқтисодий рағбатлантиришда – молиявий-иқтисодий қўллаб қувватловчи ҳамда ташкилий-иқтисодий қўллаб қувватлаш дастакларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Юқоридагиларни ҳисобга оладиган бўлсак, қишлоқ хўжалиги соҳасини модернизация қилиш шароитида

⁶⁰ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

пахтачилик тармоғида ресурс тежовчи технологияларни жорий этишни иқтисодий рағбатлантириш тизими пахтачилик фермер хўжаликларига нисбатан қуйидагича таркибига эга бўлиши мақсадга мувофиқ (3.7-расм).



3.7-расм. Пахтачилик тармоғида ресурс тежовчи технологияларни жорий этишни иқтисодий рағбатлантириш дастаклари⁶¹

⁶¹ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Демак, пахта етиштиришда фермер хўжаликларини сарф-харажатларни тежаганлиги учун давлат томонидан рағбатлантириш тизимининг асосий таркиби сифатида қуйидагиларни тавсия қилиш мумкин:

- пахтачилик фермер хўжалигининг мулкый ҳуқуқларини кенгайтириш, режадан ортиқча маҳсулотни эркин тасарруф этишга рухсат бериш;

- пахтачилик фермер хўжаликларида ресурстежамкор техника ва технологияларни жорий қилиш сарф-харажатлари учун давлат бюджетидан дотациялар ажратиш механизмини жорий қилиш;

- пахтачилик фермер хўжаликларида ресурстежамкор техника ва технологияларни жорий қилиш сарф-харажатларининг бир қисмини (ёки тўлиқ) молиялаштириш учун давлат субсидияларини ажратиш;

- пахтачилик соҳаси учун ресурстежамкор техника ва технологиялар яратувчи (импорт қилувчи) субъектлар учун божхона ҳамда солиқ имтиёзларини яратиб бериш;

- сув тежамкор техник ускуналар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларини молиялаштиришни рағбатлантириш;

- пахта майдонларининг камида 30 фоизида тежамкор технологиялар жорий қилган хўжаликлар учун мутахассисларнинг хорижий давлатларда малакасини ошириш, стажировкаларга жўнатиш тавсия қилинмоқда.

Ҳозирда республикада пахтачилик тармоғида фойдаланиш мумкин бўлган ресурстежамкор технологиялар қаторига қуйидаги технологияларни киритиш мумкин (3.3-жадавал).

3.3-жадавал.

Республикада пахтачилик тармоғида фойдаланилиши мумкин бўлган ресурстежамкор технологиялар⁶²

т/р	Технологиянинг номланиши	Технологиянинг тежамкорлик хусусияти				
		Уруғлик чигитни тежайди	Сугориш сувини тежайди	Минерал ўғитни тежайди	Ёқилгини тежайди	Иш кучини тежайди
1.	Вўзани томчилатиб сугориш технологияси		+	+	+	+
2.	Минимал ишлов бериш технологияси				+	+
3.	Эгатларни мулчалаб сугориш технологияси		+	+	+	+
4.	Туксизланган чигитни уялаб экиш технологияси	+				+
5.	Вўзани қўшқатор экиш технологияси		+(нисбий)		+(нисбий)	+(нисбий)
6.	Тежамкор (6-8 қаторли) сеялкадан фойдаланиш технологияси				+	+
7.	Машинада ҳосилни бир марта териш технологияси					+
8.	Эгилувчан қувурлар ёрдамида сугориш технологияси		+			+
9.	Вўза-беда-дуккакли экинларни алмашлаб экиш технологияси			+	+(нисбий)	+(нисбий)
10.	Эгатлар узунлигини оптималлаштириш		+	+(нисбий)		

Юқорида келтирилган жадвалда пахтачилик фермер хўжаликларида маҳсулот таннархига кучли таъсир қилувчи ёки аграр иқтисодиёт учун муҳим бўлган ресурсларни тежаш имконини берувчи технологиялар бевосита ишлаб чиқариш харажатларига таъсир қилувчи ёки харажатни нисбий (ҳосилдорлик ортиши

⁶² Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

ҳисобига маҳсулот таннархи камайишига хизмат қилувчи) тежаш имконини берувчи ресурслар сифатида акс эттирилган.

Жадвалда (3.3) ресурстежамкор технологиялар пахта хом ашёси таркибидаги салмоғи эмас балки, мамлакат аграр иқтисодиёти учун аҳамияти нуқтаи назаридан ўсиб боровчи тартибда келтирилган бўлиб, биринчи ўринда сув ресурслари жойлаштирилганлиги сувнинг мамлакатимиз иқтисодиёти учун ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини ўзида акс эттиради.

Шунинг учун ҳам ҳозирда Наманган вилоятида 2019 йилда пахта хом ашёсини томчилатиб суғориш технологияси жами 221 гектар режалаштирилган бўлиб, амалда 198,8 гектар майдонда мазкур технология жорий қилинган ва пахтачилик фермер хўжаликларига 1 590,4 млн сўмлик субсидия ажратилган (3.4-жавдал).

Мазкур технологиянинг жорий қилиниши вилоятда бошқа экинлар учун фойдаланилиши мумкин бўлган сув ресурслари пайдо бўлади ва маҳсулот миқдори ортиши таъминланади.

Шунинг учун ҳам оддий экстрополяция усули билан Наманган вилояти пахтачилик тармоғи учун вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида 2025 йилгача бўлган даврдаги сувтежамкор технология жорий қилиниши мумкин бўлган пахта экин майдонлари проғозлари ишлаб чиқилди (3.8-расм).

Томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилишда вилоятнинг барча пахта экин майдонлари ҳам имкон бермаслиги ва


3.4-жадвал.

Наманган вилоятида 2019 йилда пахтачилик тармоғида томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш режаси (ярим йиллик)⁶³

т/р	Туманлар номи	Фермер хўжаликлар номи	Томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш, га		Субсидия олиш учун берилган таклиф	
			режа	амалда	га	млн сўм
1.	Мингбулоқ	Бахтиёр Абдусаломович	20	20	20	160
2.	Тўрақўрғон	Комилов Турсунбой	10	0	0	0
		Бахтиёр Неъматжон Шавкатжон	10	0	0	0
3.	Наманган	Мурод Бахш Диёр	16	16	16	128
		Мухиддинов Тохир	10	8,5	8,5	68
4.	Поп	Шухрат Умид сервис	30	30	30	240
5.	Чуст	Нор	12	12	12	96
		Шуркент Машъал	21	20,6	20,6	164,8
6.	Уйчи	Ғолиб	23	23	23	184
		Холис	20	20	20	160
		Эргашбой ота	23	22,7	22,7	181,6
		Ок олтин	26	26	26	208
Вилоят бўйича жами			221	198,8	198,8	1590,4

шунингдек, фермер хўжаликларининг технологияни жорий қилиш билан боғлиқ ташкилий ҳамда молиявий имкониятларини ҳам ҳисобга олган ҳолда ёндашилди. Айни пайтда ҳисоб-китоблар жараёнида вилоят пахтачилик тармоғида сув тежамкор технологиянинг (томчилатиб суғориш) ҳисобига тежаб қолинадиган сув миқдорида 3.3-жадвалда тилга олинган технологиялар ва шунингдек бошқа омиллар таъсири эътибордан четда қолдирилди.

⁶³ Наманган вилояти Сув хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.



3.8-расм. Наманган вилояти пахтачилигида томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш майдони прогнозлари, (га)⁶⁴

Демак юқорида тилга олинган шартлар асосида Наманган вилоятида пахтачилик тармоғида сувтежамкор томчилатиб суғориш технологиясини амалиётга жорий қилиш асосида 2025 йилга бориб, тежаб қолинадиган 142,4 млн м³ сув ресурслари ҳисобига қўшимча равишда яна 24838,7 комплекс гектар майдонда деҳқончилик қилиш мумкин бўлади (3.5-жадвал).

Бунда вилоят пахтачилигида қўлланиладиган анъанавий эгатлаб суғориш усулида 2018 йилда ўртача бир гектар пахта экин майдони учун 9500 м³ сув сарф қилинмоқда (бу кўрсаткич ўртача босимдаги томчилатиб суғориш тизимида 4200 м³ ни ташкил қилади).

⁶⁴ Наманган вилояти Сув хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Мамлакатимиз ҳудудлари бўйича, шунингдек, алоҳида фермер хўжаликлари ҳудудида ҳам пахта етиштириш шароитлари турлича. Баъзи ерлар ҳеч қандай ортиқча харажатсиз суғорилса, баъзи майдонларни суғоришга катта миқдорда харажат талаб қилинади.

3.5-жадвал.

Наманган вилояти пахтачилик тармоғида сувтежамкор томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш прогнози⁶⁵

Кўрсаткичлар	2018 йилда, амалда	Прогноз асосида					2025 йилда жами
		2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2025 йил	
1. Вилоятнинг жами пахта экин майдони, (минг га)	130,7	130,2	130,0	125,0	120,0	100,0	100,0
томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинадиган пахта экин майдонлари, (га)	x	310	1510	3430	6517	15110	26877
тежамкор технология жорий қилинадиган майдон салмоғи, (%).	x	0,24	1,2	2,7	5,4	15,1	26,9
2. Талаб этиладиган жами сув миқдори (ананавий усулда), (млн м ³).	x	1236,9	1235,0	1187,5	1140,0	950,0	950,0
3. Томчилатиб суғориш технологиясининг жорий қилиниши ҳисобига жами сув сарфи, (млн м ³).	x	1235,2	1226,9	1169,3	1105,5	870,0	807,6
4. Тежамкор технология ҳисобига вилоят бўйича пахтачиликда тежалладиган сув миқдори, (млн м ³).	x	1,7	8,1	18,2	34,5	80,1	142,4
5. Тежалган сув ҳисобига пахта-ғаллачилик фермер хўжаликларида қўшимча экин экиш мумкин бўлган ер майдони, (комплекс га).	x	286,1	1395,4	3174,6	6017,8	13971,7	24838,7

Пахта майдонлари тупроғи шўрини ювиш ёки бошқа мелиоратив тадбирлар ўтказишда ҳам шундай тафовутлар мавжуд.

⁶⁵ Наманган вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Лекин, барча майдонлардаги пахтачилик шароитидан қатъий назар пахта хом ашёси мамлакат бўйича бир хил баҳо билан сотиб олинади. Шунинг учун ҳам бугунги шароитда мамлакатимизда биринчи навбатда қўшимча харажатлар эвазига пахта етиштирадиган хўжаликларни ҳамда тежамкор техник воситалар ва технологияларни жорий қилаётган фермерларни субсидиялаш амалиётини кенгайтириш зарур.

Фермер хўжаликларида сарф-харажатлар ортиб боришида қишлоқ хўжалиги техникалари билан қуролланганлик даражаси ҳам муҳим аҳамият касб этади. Қўл меҳнати ва эскирган қишлоқ хўжалиги техниклари ортиқча сарф-харажатларни талаб қилиши ва унумдорлиги пасайиши боисдан пахта етиштириш учун зарурий асосий воситаларни сотиб олиш учун 8-10 йил муддатга мақсадли имтиёзли кредитлар бериш тизимини жорий этиш аҳамияти ҳам ортиб бормоқда.

Сарф харажатларни тежашга ундовчи муҳим дастаклардан бири бу фермернинг йил якуни билан фойда олишга ишониши масаласи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам фермерга йил якуни билан фойда олиши мумкин бўлган баҳо сиёсатини олиб бориш талаб этилади.

Бозор муносабатлари кенгайиб борар экан, давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинаётган пахта учун белгиланаётган харид баҳолари ҳам фермер хўжаликларига меъёр бўйича қилинган харажатларни қоплайдиган даражада бўлиши лозим. Меъёрлар эса ер-сув ва табиий-иқлим шароитига кўра, республика ҳудудлари бўйича турлича ҳамда реал шароитларга мос бўлиши лозим. Яъни мавжуд

технологиялар ва ресурсларни етказиб бериш соҳасининг ривожланиши даражасини ҳисобга олиши керак.

Бугунги кунда аксарият пахта етиштирувчиларни иқтисодий ҳолати катта миқдорда маблағ талаб қиладиган янги технологияларни, жумладан, томчилатиб, намлатиб суғориш билан бирга минерал ўғит бериш каби технологияларни жорий этишга тўсиқ бўлади. Янги ресурстежамкор технологиялар тупроқ ва сув экологиясини сақлашда муҳим аҳамиятга эгаллиги билан ҳам ажралиб туради. Бу борада ҳам давлат томонидан фермер хўжаликлари бевосита қўллаб-қувватланиши керак.

Бунда ресурстежамкор технологияларни жорий этишга дотация тарзида тўғридан-тўғри маблағ ажратиш лозим ва давлат томонидан янги технологиялар бўйича илмий-тадқиқотлар ўтказиш ҳамда технологик жиҳозларни бевосита пахта етиштирувчи фермер хўжаликларга етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар молиялаштирилиши керак. Чунки тежамкор технологияларни қўллаш ҳисобига ресурслар сарфи тежалиши натижасида мамлакат миқёсида сарфланган харажатлар ўзини иқтисодий жиҳатдан билвосита оқлайди.

Шунингдек, ресурстежамкор техника ва технологияларни жорий этишни рағбатлантириш йўлларида бири фермер хўжаликлари учун мақсадли ва имтиёзли кредитлар ажратишдир. Пахтачилик хўжаликларига тежамкор технологик ускуналарни харид қилиш ва ўрнатиш учун кредитлаш тизимини йўлга қўйиш тегишли тижорат банкларини ҳам қўллаб-қувватлашни зарурати пайдо бўлиб, бунинг учун махсус ҳукумат-жамғармасини ташкил

килиш талаб қилинади. Ушбу тадбирлар пахтачилик фермер хўжаликларини замонавий ва ресурсларни тежовчи агротехнологияларни ва техникаларни пахта ишлаб чиқариш жараёнида жорий этишга ундайди ҳамда тежамкорлик механизмлари ишлаши учун шарт-шароитларни кенгайтиради.

ХУЛОСА

1. Пахтачилик ресурсларни тежаш масаласига учта асосий нуқтаи назардан ёндашиш мумкин:

биринчиси – пахтачиликда ресурслар сарфи миқдорини мутлоқ тежаш йўналиши сифатида қабул қилиниши мақсадга мувофиқ.

иккинчиси – пахтачиликда ресурслар сарфи миқдорини нисбий тежаш йўналиши сифатида қабул қилиниши мақсадга мувофиқ.

учинчиси – пахтачиликда ресурслар сарфи миқдорини тежашдаги мажмуали йўналиш сифатида ёндашиш қабул қилиниши мақсадга мувофиқ. Бунда – харажатларни камайтиришда “Ресурслар сарфи миқдорини мутлоқ тежаш йўналиши” ва “Ресурслар сарфи миқдорини нисбий тежаш йўналиши” дан биргаликда фойдаланиш назарда тутилади.

2. Пахтачиликда ресурс тежовчи технологияларни қўллашда маълум бир ресурсларни камроқ ишлатиш ҳисобига йўқотиладиган имконият бошқа технологик жараён ҳисобига қопланиши лозим. Шу боисдан ҳам пахта етиштиришда сарф-харажатларини тежашга таъсир этувчи омиллардан ўзаро узвий боғлиқликда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

3. Ресурс тежовчи технологиялар иқтисодий самарадорлиги пахтачилик тармоғида, ҳар бир гектар экин майдони ҳисобига нисбатан кам харажатлар сарф қилиниши, маҳсулот бирлиги ҳисобига тўғри келадиган сарф харажатлар камайтириши орқали намоён бўлиши лозим.

4. Ресурсларни тежашга нисбатан иқтисодий самарадорлик мезони деганда – пахта етиштиришда ресурсларни тежашнинг

иқтисодий самараси сифатида қандай масалаларни ҳал этиш лозимлиги тушунилиши мақсадга мувофиқ. Бунда амалда эришилган кўрсаткичлар танланган мезонлар билан таққосланиши талаб этилади.

5. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги экинлари таркибини диверсификация қилиш йўналишидаги қуйидаги тадбирлар натижасида Наманган вилоятда пахта ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариб борган:

биринчидан, республика аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ва дон мустақиллигини таъминлаш мақсадида ғалла экин майдонларининг кенгайтирилиши;

иккинчидан, экологик мувозанатни сақлаш ва тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида пахта якка ҳокимлигига барҳам бериш йўналишида олиб борилган тадбирлар.

Шунингдек, пахта экилаётган майдонларга солинаётган минерал ўғитларнинг илмий асосланган нисбати бузилиши ва алмашлаб экиш тизими издан чиқиши натижасида экин майдонларининг тупроқ унумдорлиги салоҳиятидан фойдаланиш имкони пасаймоқда.

6. Вилоятда пахтачиликни ривожлантириш ва тармоқ самарадорлигини оширишда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

экин майдонлари тупроқ унумдорлигини оширишнинг муҳим омили бўлган алмашлаб экишни илмий асосда жорий этиш;

алмашлаб экиш тизими издан чиққан туманларда экин майдонларига минерал ва маҳаллий ўғитларни солишда илмий асосланган нисбатларга эътибор қаратиш ва бошқалар.

7. Ҳозирда пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида пахта етиштиришда уларнинг жойлашган ҳудудлари ҳам пахтачилик иқтисодига турли хил таъсир кўрсатмоқда. Лекин, фермер хўжаликларида пахтачилик тармоғи иқтисодий самарадорлигини оширишга ва хўжаликларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган тадбирлар қаторида экин майдонларида фақат давлат буюртмасига асосан пахта ва ғалла етиштириш билангина чегараланмай, хўжаликлар молиявий ҳолатини яхшилаш мақсадида кўпроқ фойда келтирувчи экинларни жойлаштиришга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

8. Наманган вилоятида сўнгги 5 йилда пахтачилик фермер хўжаликларини техника воситалари билан таъминлаш ҳолати ёмонлашган. Бунда фермер хўжаликларининг ер майдонлари кичиклиги ҳисобига бир хўжалик томонидан уларни сотиб олиб ишлатиш самарасиз эканлиги, хўжаликлар молиявий ҳолатининг заифлиги, техника воситаларини сотиб олиш учун узоқ муддатли кредитлаш тизими ривожланмаганлиги, лизингга бериладиган техника воситалари турларининг чекланганлиги ва нархининг юқорилиги каби омилларни келтириш мумкин.

9. Фермер хўжаликларида мавжуд бўлган техника воситаларининг аксарияти ўз хизмат муддатини ўтаб бўлганлиги пахта ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигига сезиларли салбий таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, Наманган вилояти Уйчи

тумани пахтачилик фермер хўжаликларида барча турдаги техника воситаларининг 79 фоизи ўз хизмат муддатини ўтаб бўлган.

10. Наманган вилоятида пахтачиликда сувтежамкор технологияни амалиётга жорий қилиш асосида 2025 йилга бориб, тежаб қолинадиган 142,4 млн м³ сув ресурслари ҳисобига қўшимча равишда яна 24838,7 комплекс гектар майдонда деҳқончилик қилиш мумкинлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг конституцияси. – Тошкент: – Ўзбекистон. 2008.
2. “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 30.04.1998й. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. Тошкент: Адолат. 1999.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. 1-ИЛОВА ЎЗР қонун ҳужжатлари тўплами 2017 йил. 6-сон. 70-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5199 Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора–тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3318-сонли қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 ноябрдаги “Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3408-сонли қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 январдаги “Қишлоқ хўжалигининг техник жиҳозланиш даражасини янада ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3459-сонли қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 февралдаги “Пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштиришни молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3574-сонли қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 майдаги “Қишлоқ хўжалигини ўз вақтида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3712 қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 апрелдаги “Аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан ўз вақтида таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4368-сонли қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 августдаги “2018 йил ҳосили пахта хом ашёсини йиғиб-териб олиш ишларини уюшқоқлик билан ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 253-сонли қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 январдаги “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 53-сон қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 мартдаги “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 253-сонли қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги “Фермер хўжаликларининг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш чора–тадбирлари тўғрисида”ги 320-сонли қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 декабрдаги “2019 йилда ғўзани навлари бўйича жойлаштириш ва пахта хом ашёси етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида” 1037-сонли қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги “Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 14-сон қарори.

17. Ботиров М. Усмонхўжаева Г. “Ѓўза-ғалла навбатлаб экишда оралиқ муддатда беда парваришлашнинг тупроқ унумдолигига таъсири”. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2017. № 8. Бет 32.

18. Нариманов А. Абдурайимов Ж. Неъматов И. “Чигит экишда бир текис кўчатлар ундириб олиш мезонлари”. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2017. №4. Бет 4.

19. Эгамбердиева Ш. Раҳмонов З. “Суғориладиган ерлар унумдорлигини оширишнинг ноанъанавий усуллари”. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2017. № 4. Бет 44.

20. Адилов Қ. “Қишлоқ хўжалигида инновацион технологияларни ривожлантириш истиқболлари”. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2018 йил № 5. Бет 44–45.

21. Ш.Шодмонов. “Кластер-аграр саноат интеграциясини амалга оширишнинг инновацион тизими”. // Иқтисодиёт ва таълим. 2018 йил № 5. Бет 101.

22. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: Статистик тўплам. – Тошкент: Ўзбекистон. – 2011. – 46 б.

23. “Танқидий таҳлил. қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 16.01.2017 йил.

24. Юсупов Э.Ж. Пахтачилик мажмуини ислоҳ қилиш ва тармоқлараро иқтисодий мутаносибликни шакллантириш муаммолари. Дис. икт. фан. док. – Т.: ЎзБИИТИ. 1998. – 291 б.

25. Абдиев А.Ч. Пахта ишлаб чиқариш мажмуаси тизими хўжалик субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш муаммолари. Дис. иқт. фан. ном. – Т.: ЎзБИИТИ. 1999 й. (12-13 б.)

26. А.Х.Бурхонов. Турли мулкчилик шаклидаги қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ошириш. Дис. иқт. фан. ном. – Т.: ЎзБИИТИ. 2000й. 117 б.

27. Йўлдашев Р.Й. Пахтачилик қўйи мажмуида иқтисодий муносабатлар ва уларни иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида такомиллаштириш Дис. иқт. фан. ном. – Т.: ЎзБИИТИ. 2001.–134 б.

28. Абдуллаев Р.В. Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида аграр секторнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш (пахта толаси экспорти мисолида) Дис. Иқт. Фан. Док. – Т.: ЎзБИИТИ. 2001.–307 б.

29. Шерматов О.А “Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида пахтачиликни ривожлантириш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари” Дис. иқт. фан. ном. – Т.: 2006. (10-11 б.)

30. Ражабов И. “Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида агроресурслар бозори мувозанати ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги” Дис иқтисод фанлари доктори. Т.2006 й 11бет

31. Х.Калимбетов. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент. – ТИҚХММИ. – 2018. – 9 б.

32. Тешаев Ш., Холиқов Б. ва бошқалар. Наманган вилоятида экилаётган ғўза навларини етиштириш агротехнологияси. – Тошкент, –

2017. – ПСУЕАИТИ. – 6 б.

33. Зокиров О. Қишлоқ хўжалиги иқтисоди. – Тошкент. 2004. –77 б.

34. Абдуғаниев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси. 2004. 53 бет

35. Ўлмасов А. Вахобов А. “Иқтисодиёт назарияси” – Т.:2006. Бет 35.

36. Исаев.Р.. С.Қосимов ва б. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бизнес-режа. ТТЕСИ. – Тошкент – 2010. 34б.

37. Назаров С.Р. Бразилия пахтачилиги. – Тошкент –2007. – 8 б.

38. Хусанов Р.А. Дадабоев Ю.Т. Дадабоев Д.Ю. “Агросаноат комплекси иқтисодиёти”. – Т.: Ўзбекистон. 2003. Бет 470.

39. Қ. Йўлдошев. Қ. Муфтайдинов Иқтисодий билим асослари. Т. “Ўқитувчи” 1999й. 256 б.

40. Салимов Б.Т.. Беркинов Б.Б. Ҳамдамов Қ.С.. Хакимов Р.Х.. Юсупов М.С.. Ўроқов Н.И.. Орипов М.А. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди. Ўқув қўлланма. Т. 2004–175б.

41. Gary Adams. The Economic Outlook For U.S. Cotton 2013. USA.7-8 p www.agrecolchtre.com

42. <https://www.dawn.com/news/252184>

43. <http://www.un.uz/uzb/pages/display/world-environment-day>

44. <https://gujum.uz/ozbekiston/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoyevning-qishloq-xojaligi-xodimlari-kuniga-bagishlangan-tantanali-marosimdagi-nutqi/>

45. <https://tj.sputniknews.ru/asia/20190123/1028060168/uzbekistan-2018-god-sokratil-eksport-hlopka-2-4-raz.html>
46. <https://president.uz/ru/lists/view/2024>
47. <https://www.web-canape.ru/business/vsya-statistika-interneta-na-2019-god-v-mire-i-v-rossii/>
48. Руководство по стратегии электронного сельского хозяйства (FAO). Реализовано в некоторых странах Азиатско-Тихоокеанского региона, Европы и Центральной Азии. <file:///C:/Users/user/Downloads/i9515ru.pdf>
49. http://www.cacilm.org/docs/Recommendation%20on%20improving-%20irrigated-%20land_uz.pdf
50. <https://nuz.uz/ekonomika-i-finansy/30859-proizvoditeli-mineralnyh-udobreniy-uzbekistana-nedopoluchili-pochti-50-mln.html>
51. https://milknews.ru/index/novosti-moloko_7237.html
52. <http://www.golos.com.ua/rus/article/292027>
53. <https://kubsau.ru/upload/iblock/f3c/f3c6fe726a0f0d811f4bfcc01b563b82.pdf>
54. <http://www.lex.uz/docs/3480354>

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I.БОБ. ПАХТАЧИЛИК ТАРМОҒИДА РЕСУРС ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	7
1.1. Пахтачилик тармоғида ресурстежамкорлик тизимида ресурслар таснифи ва ресурслардан фойдаланишда тежамкорликка ёндашув йўналишлари	7
1.2. Пахтачилик тармоғида ресурс тежовчи технологиялардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари тизими.....	29
II.БОБ. ПАХТАЧИЛИК ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ	45
2.1. Пахтачиликни ривожлантириш ва пахта етиштириш иқтисодий самарадорлигининг ҳозирги аҳволи	45
2.2. Пахтачилик тармоғининг моддий-техник ресурслар билан таъминланганлиги ва улардан фойдаланишнинг ҳозирги аҳволи.....	73
2.3. Пахтачиликда ресурс тежовчи технологияларни жорий этишдаги хорижий тажрибаларнинг аҳамиятли жиҳатлари	91

Ш.БОБ ПАХТАЧИЛИК ТАРМОҒИДА РЕСУРС ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ	107
3.1. Пахтачилик тармоғида ресурстежамкорлик йўналишида тежамкор техника ва технологияларни жорий қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари	107
3.2. Пахтачилик тармоғида ресурс тежовчи технологияларни жорий этишнинг иқтисодий рағбатлантириш йўллари.....	128
ХУЛОСА.....	149
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ..	153